ISBN 978-9943-06-074-6

Йоҳанн Волфганг
Гёте



ФАУСТ

КАСНогстгпчо УСЖ РАЗСНА АП ШМСЖ ИАСН БЕК З.
АШОАВЕ УЕК1АО НЕ11Е5 ^ЕВЕN ВЕКЬШ 1966

Ю Н А Ш \УОЬҒСА1чГО СОЕТНЕ

ҒА118Т

БЕК ТКАОбБШ ЕК5ТЕК ТЕ1Ь

Ш БЕК ШВЕЮЗСНЕИ 8РКАСНЕ

ЙОҲАНН ВОЛФГАНГ ГЙТЕ

ФАУСТ

ТРАГЕДИЯ

БИРИНЧИ ҚИСМИ

(Олмончадан Пошо Ааи
УСМОН таржимаси)

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриети
Тошкент—2007

06-(20)980/8*0-000000016* *И(**
8881/ 16'со*тг й м е о ц н
Фо и [6989-16] 18 **Н 91*
899/ м>
"'**'»«/ + вяонвь-эЛ^бгб МПЛ

ЧН 84(4Гем)
З *1Сг»* Г42

Таржима «Нойес Лебен» нашриети, Берлин, 1966 3-инчи нашридан амалга оширилди.

Масъул муҳаррирлар:
Жамол Сирожиддин,
Нурилло Остон,
Узбекистон Езувчилар уюшмаси аъзолари

Гете, Йоҳан Волфганг.
Фауст: Трагедия. Қ.1/ Й. В. Гете; Тарж. Пошо Али Усмон; Масъул муҳаррирлар: Ж. Сирожжиддин; Кириш сўзи муаллифлари: Ж. Сирожиддин, Н. Остон, Х. Рахимов, А. Эшқобилов. — Т.: Алишер Навоий номидаги Узбекистан Миллий кутубхонаси нашриети, 2007. - 220 б.
Тит. в. парад, узб. ва нем. тилларида.

ББК 84(4Гем)

Жаҳон адабиетининг нодир дурдоналаридан бири—буюк олмон шоири Й. В. Гете қаламига мансуб "Фауст" трагедияси ўтган асрнинг 80 йилларида севимли шоиримиз Эркин Воҳидов томонидан таржима қилиниб, китоб ҳолида чоп этилганди. Мана, ўша асарнинг биринчи қисми билан яна учрашиб турибмиз. Бу учрашувнинг алоҳида моҳияти бор: самарқандлик аллома-ижодкор Пошо Али Усмон уни асар езилган олмон тилидан бевосита ўзбекчалаштирган. Мутаржимнинг ўттиз беш йиллик меҳнати эвазига яратилган ушбу китобнинг биринчи қисмини маънавиятимиз хазинасига қўшилган муносиб ҳисса сифатида қабул қиласиз, деб умид қиламиз.

ЗатСИ) Ипну
I5BN 978-99 6.
© Алишер ,Наво* \ номидаги Узбекистон .и нашриети, 2007 йил.

етЬД<Л V» *Л .У."*

ТАФАККУР ТЕРАНЛИГИ

Буюк олмон шоири ва мутафаккири Йоҳанн Волфганг Гете Европа адабиети тарихида Ҳомир ва Шекспирдан кейин алоҳида ўринда туради. Гете даҳо шоир эди. Унинг ижоди минглаб шоирларга намуна бўлганди. Й.В.Гете фақат шоиргина эмас, табиатшунос олим сифатида ҳам машҳур. Шоир табиатни ниҳоятда севарди. У ўзининг «Табиат» номли мақоласида шундай деб езган эди: «Барча кишилар унда зуҳур этганидек, у ҳам барча кишиларда зуҳур этади...».

«Жаҳон адабиетида «Фауст» сингари босилиб чиққан пайтидаеқ машҳур бўлиб кетган, лекин жуда кам тушунилган китоб бўлмаса керак» —деб езганди немис гетешуноси Ҳенри Пошман.

Дарҳақиқат, «Фауст»ни ўқир экансиз, унда бир-биридан теран сир-асрор қобиғига ўралган тушунчалар қад кўтараетганининг гувоҳи бўласиз. Тарихий шахс бўлган Фаустни биров афсунгар сифатида, бошқа биров табиб сифатида таърифлаган. Лекин буюк немис шоири Гете уни билимга интилувчи зиели сифатида тавсиф этган.

«Фауст»ни 70 йилларнинг бошларида узбекистон халқ шоири Узбекистон қаҳрамони Эркин Воҳидов таржимасида ўқиган эдик. Мазкур асарни олмоншунос олим Пошо Али Усмон бундан 35 йил аввал олмон тилидан, яъни аслиятдан ўгирган эди. Бизда шўролар даврида айнан бир асарнинг фақат битта таржимасигина нашр этиларди, Истиқлол даври бундай қатағонни инкор этди. Муайян бир асар бир неча ижодкор томонидан таржима килиниши ва нашр згидити мумкин. Ниҳоят, Пошо Али Усмон таржимаси китобхонлар қўлига тегди. Бу ҳол бизни беҳад қувонтиради. Тўғри, Э.Воҳидов таржимасида бадиий силлиқлик ва равонлик устувор, бироқ теран бир ботиний фалсафа мужассам бўлган мазкур асарда руҳ кўтаринкилиги, унинг шиддати, воқеа ва фожеаси Пошо Али Усмон таржимасида ўзига хос ерқинлик касб этади.

Ушбу таржиманинг машаққатли меҳнат, ижодий салоҳият, сабр ва бардош меваси сифатида узбек китобхонита тақдим этилишининг ўзи катта тухфадир, деса бўлади.

Гарчанд таржима жараенида поэзия қоидаларидан чекинишлар юз берган бўлса-да, ҳар бир сўз таржимасини танлашда ва уни поэтик образлар яратиш учун қўллашда кенг имконият яратган, натижада китобхон билан асар ўртасида фавқулодда жонли мулоқот юзага келган.

Моҳирона талқин этилган воқеалар ўқувчини ўйлашга, евузлик ва эзгуликни илғашга, идрок этишга ундайди.

«Фауст» бир зарб билан таржима қилинадиган, бир зарб билан ўқиладиган асар эмас. Ундаги ишоралар, нозик иборалар муаллиф нима демоқчи эканлигини англаб етишга мажбур этади, китобхонни ўйга тоддиради.

Пошо Али Усмоннинг узтози марҳум профессор Ғайбулло Саломов таърифи билан айтганда, ушбу бадиий таржима ўзининг илмийлиги билан ҳам ажралиб туради. Таржимада шеърият ва мазмун уйғунлиги мавжуд, энг асосийси таржимада Гетега хос залворлилик ўз аксини топган.

Таржимон Пошо Али Усмон талқин этган улуғ асар ҳаммамиз учун муборак бўлсин! Асарнинг иккинчи қисми ҳам тез орада ўқувчилар қўлига етади, деган умиддамиз.

«Фауст» таржимаси кенг изоҳланган. Мазкур асар олмон адабиети тарихини ўрганувчилар учун арзигулик совға бўлади деб ўйлаймиз.

Жамол Сирожидцин,
Нурилло Остон,
Ўзбекистон Езувчилар
уюшмаси аъзолари

«ФАУСТ» - АЛП ИНСОН ҲАҚИДАГИ АСАР

«Фауст» асарининг биринчи қисми — ўз мавзулари ва муаммоларига эга асар, айнан ушбу ҳолат, уни иккинчи қисмисиз ҳам бадиий ижоднинг ноеб дурдонаси сифатида ўрганиш имконини беради[1]» деб езади йирик олмоншунос А.А.Аникст.

Жаҳон адабиетининг энг сара дурдоналари сирасига кирувчи И.В.Гетенинг «Фауст» асари сюжети замирида тарихий шахс Йоҳанн Фауст — жодугар, бутун ҳаети сир ва мистикага чулғанган инсон тўғрисидаги ривоят етади. Унинг ҳаети тириклигидаеқ афсонага айланиб кетган эди. 1587 йилда Германияда «Таниқди сеҳргар ва жодугар доктор Фауст тарихи» номли китоб босмадан чиқади. Китоб шаккок Фаустни фош этиш мақсадида езилган эди. Черков аҳли уни шайтонга қўл беришда айблайди. Бироқ китобда ўрта асрга хос схоластика ва илоҳиет фанларини рад этаетган, табиат қонуниятларини англаб, инсонга хизмат қилмоқчи бўлаетган дуневий олим, ажойиб инсон қиефаси баркуриб туради.

Гетега қадар ҳам Фауст шахси ва тақдири билан қизиққанлар кўп бўлган. Бу инсон тўғрисида ўнлаб бадиий, фалсафий асарларни учратиш мумкин. Лекин уларнинг ҳеч бири бу образни Гете даражасида умумбашарий моҳият касб эттира олмаган.

Гете «Фауст» асарини езишга киришганида йигирма тўрт ешда эди (1773 йил). У «Бўрон ва ҳужум» оқимининг вакили сифатида замондошларининг манфаат йўлидаги бачкана, арзимас интилишларига, оддий бандалар бўйсунувчи қонун ва қоидалардан устун бўлган даҳо шахс қиефасида мужассамлашган инсон улуғворлиги, буюклиги ғоясини қарама-қарши қўяди. Гете буюк қаҳрамонлар тўғрисида ривоят ва тарихлар асосида драмалар режалаштиради ва олим-«жодугар» тимсолига мурожааГ этади. Бироқ адиб мўъжаз Веймар давлатига вазирликка тайинлангач, бу асарни давом эттира олмай қолади. Фақатгина сарой муҳитидан халос бўлиб, Италияга кетгач мавзуга такрор мурожаат этади. Энди у асарни бир неча марта қайта ишлайди, янги саҳналар қўшади. Ҳатто 1790 йилда «Фауст. Фрагмент» номи билан чоп этади. Кўринадики, асар ҳали тугалланмаган эди. Шундан сўнг у яна асарни ташлаб қўяди. Фақатгина Шиллер билан дўстлашгач, титан Фауст, ҳаетдан сиқилган, исенкор шахс мавзусини давом эттиради. Шиллер билан бўлган мулоқотлар натижасида учта муқаддима яратади: «Бағишлов», «Театрдаги муқаддима» ва «Осмондаги муқаддима».

А.А.Аникст езади: «Гете даҳосига — ниҳоятда ҳашаматли бинога кириш учун уч босқичли зиналардан кўтарилиш лозим». Олим бунда «Фауст» асарига езилган юқорида зикр этилган учала муқаддимани назарда тутади. Мутахассисларнингтаъкидлашларича, бу қисмдан энг муҳими учинчиси, «Осмондаги муқаддима»дир. Зеро айнан шу қисмда бош қаҳрамон талқини ойдинлашади, унинг қисмати умумбашарий мазмун касб этади. Шу йилларда Гете «Тун» саҳнасини қайта ишлаб, Фаустнинг фалсафий қарашларини чуқурлаштиради, Валентиннинг ўлимини, «Вальпургий туни» - шайтонлар базми тасвирларини «чизади». Бу ишлар сермаҳсул беш йил — 1797-1801 йиллар мобайнида амалга оширилади. Езувчи тугаган асарига яна бир неча йил сайқал беради. Охир-оқибат «Фауст»нинг биринчи қисми 1808 йилда, Гете асарлари кўп жилдлигининг 12 жилдида эълон қилинади.

«Фауст»да инсон коинотнинг маркази, асоси сифатида тасвирланади. Гете — индивидуалликни, шахсни улуғловчи санъаткор; унинг талқинидаги Фауст ўзини нафақат шахс сифатида англаб етади, балки ўзини онгли тарзда бутун борлиққа қарши қўяди. У ечилмаган барча ҳаетий масалаларни ўз елкасига олган алпинсон қиефасида намоен бўлади.

Асарнинг «Бағишлов» ва «Театрдаги муқаддима» қисмлари унинг сюжетига алоқадор эмас, аммо «Осмондаги муқаддима» асар мавзусига аниқдик киритиб, сюжетни бошлаб беради. Бу қисмда асарнинг асосий ғояси мужассамлашган.

Саҳна фаришталарнинг Худо ва у яратган нарсаларга ҳамд тарзидаги қўшиғидан бошланади. Бу қўшиқ олам мадҳияси, табиатни улуғловчи алердир. Мазмундан оламнинг рамзий тасвири англашилади. Умуман олганда, борликда муайян мувозанат мавжуд, лекин тўфонлар, бахтсизликлар ва евузлик ҳам енма-ендир. Аммо улар ҳам олам гўзаллигига, борлиқ жозибадорлигига дахл була олмайди. Олам, коинотнинг энг нотинч бўлаги Заминдир.

Саҳна бошида гап фақат табиат ҳақида кечса, Мефистофелнинг пайдо бўлиши билан инсон тўғрисида мулоҳаза бошланади.

Инсон ҳаети арзимасдир, хулоса чиқаради Мефистофель. Одам эса ўзини, оламнинг худочасиман деб хисоблайди, чунки Тангрининг ўзи унга тафаккур учқунини бахшида этган, бироқ бундан унга фойда йўқ, зеро инсон ўзини онгсиз жонивордан баттар тутади.

Мефистофелнинг сўзларида Уйғониш даврига хос инсоннинг улуғворлйги, гўзаллиги ва ор-номус соҳиби эканлиги тўғрисидаги гуманистларнинг қарашлари инкор этилади. Унинг фикрига кўра, кишилар шу даражада бузилиб кетишганки, ерда Шайтонга деярли иш қолмаган.

Китобхон Фауст тўғрисидаги илк фикрни ҳам Мефистофель талқинида тинглайди: у Тангрининг бу одам ҳақидаги сўроғига, одатдаги гуноҳкор бандалардан бири, фақат унинг мудом ҳаловати йўқ, қабилида жавоб беради. Мефистофель назарида Фауст ақлсиз, хаелпараст, тентак, ушалмас орзулар қули. Бироқ Тангри, Фаустнинг самимий интилишлари, истакларидан хабардор: боғбон дарахт экар экан, унинг қандай мева беришини олдиндан билади.

Мефистофель, Фаустнинг интилишлари тагида шахсий манфаат етишини, исталган пайтда уни йўлдан уриши мумкинлигини таъкидлайди ва Тангридан уни синаш учун рухсат сўрайди. Фаустга, унинг тўғри йўлни танлай билишига ишонганидан Тангри рози бўлади.

Тангри ва Мефистофель бахсида инсон тўғрисидаги икки хил қараш ойдинлашади: Мефистофель инсон табиатини ўзгармас, унда гуноҳга мойиллик бор деб ҳисоблайди, Тангри эса,изланиш ва орзу билан интилиш инсонни камолотга элтувчи йўл, деб билади. Тангри шайтон билан гаров ўйнамайди, бу унинг мавқеига тўғри келмайди; у ғалабасига ишончи комил, бу синов инсоннинг ўзи учун муҳимлиги сабабли бунга йўл қўйиб беради.

Сукунат, беҳуда ором ва ҳаловат инсон камолотига зиддир. Зеро бу ҳолат уни асосий нарса — ҳаракатдан тухтатади. Ҳатто Фауст каби илғор қарашли исенкор руҳцаги бандаларга ҳам туртки, рағбат зарур. Фауст бу рағбатни ҳает шўришу ғавғоларидан топади. Шу сабабли Тангри Мефистофелнинг инсонни синаб куриш тўғрисидаги ҳоҳишига рўйхушлик беради. Бу синов инсоннинг улуғворлигини еки тубанлигини исботлаши лозим эди.

Фауст — рамзий, умумлашма образ бўлиб, бутун инсониятни ўз қиефасида мужассамлаиггирган бўлса-да, шубҳасиз, оддий инсонларга хос фазилат ва ҳиссиетларга эга қаҳрамондир.

Аммо Гете унга ғайритабиий, алп инсонларга хос фазилатлар бахш этиб, ўртамиена кишилардан юксакроқ тасвирлайди. Ана шундай юксак аъмолга эга шахсгина бутун инсониятни акс эттириш, ўзида мужассамлаштириш ҳуқуқига эга. Унга ҳеч бир инсоний фазилат бегона эмас.

Асарда Фауст босиб ўтадиган йўл мураккаб. Даставвал у самовий кучларни мағрур ҳолда курашга чорлайди. Замин руҳи билан кураш тушмоқчи бўлади. Пайдо бўлган кучнинг чексизлигиии англаб, ўзининг ожизлигидантушкунликкатушганича, ҳушидан кетади. Бироқ кейин Фаустда онгли равишда мақсадига эришиш истаги туғилади ва қора кучларга мурожаат этади ва шайтон билан иттифоқтузади.

«Фауст» асарининг ягона бадиий ғояси ҳақида гапириш мушкул. Зеро Гетенинг ўзи хотираларида бундай қарашларга қарши чиқади, чуқур ва кенг қамровли мазмуннинг қуруқ, мавҳум ғоя билан алмашинишини истамайди. Лекин бу — асарда бирлаштирувчи, марказий фикр йўқ, дегани эмас. Бу вазифани бош қаҳрамоннинг шахси бажаради. Унинг атрофида барча ҳаракатлар содир бўлади, тақдири эса, бутун драматик достоннинг асосий ўзагига айланади. Асар мазмуни фақат Фауст образи билангина чегараланмайди. Зеро муаллиф мулоҳазаларида, турмушнингтурли жабҳалари кенг қамровли тасвирланади ва оқибатда мазмун ҳам бойитилади.

Дурдона асарнинг асосий мавзуси инсон ҳаетининг мақсад ва моҳияти масаласидир. Бу масалани исталган инсон тақдирини тасвирлаш орқали ҳал этиш оғир. Шу сабабли муаллиф ғайритабиий характерли Фаустни танлайди ва бу образ унга инсон ҳаети тўғрисида кўп нарсаларни айтиш имконини беради.

Китобхон Фауст табиати билан қизиқар экан, уни ҳаетдан ўрганган ва китоблардан ўзлаштирган билимлари қониқтирмаслигини кўради, чунки улар қаҳрамон назарида «ҳает моҳиятини изоҳламайди». Китобхон кўз ўнгида Фауст айнан дуневий ва илоҳий билимлар билан чекланмаган исенкор шахс сифатида намоен бўлади. У табиб оиласида тарбияланади. Ўсмирлигида вабога даво тополмаган отасининг билимидан, илтижоларини «гингламаган» Тангридан ранжийди. Унинг бу қисмати асар давомида аен бўлиб боради. Китобхон илк марта Фаустни кўпни курган балоғат ешида учратади. Бу пайтда унинг ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлган, изланишлар самарасиз кетиб, шунчалик руҳий тушкунликка учраган эдики, ҳатто жонига қасд қилмоқчи бўлади. Шу пайт черков қўшиқлари қулоққа чалиниб, унинг қўлидан заҳар тўла қадаҳ тушиб кетади. Уни бу ниятидан қўрқув ва гуноҳкорлик эмас, балки ердам сўраб елвораетган бандаларнинг илтижолари қайтаради. Ожиз бандалар турмуш қийинчиликларидан қутила олмай, динга мурожаат этишади. У ҳаетнинг мазмунини англаш орқали одамларга ердам бермоқчи бўлиб,тирик қолади. Одамлар ҳам унга ишонишади.

Асарда илмга муносабат бошқа бир олим Вагнер образи орқали кўрсатилади. У китоб бандаси. Унинг фикрига кўра китобларни ўқиб, ҳаетни ҳар томонлама англаш мумкин. У илмга садоқатли инсон, бироқ китоблар тўла кабинетини тарк этмаслиги, оламбехабар эканлиги қарашларини чеклаб қўяди. Фауст ундан фарқли ўлароқ, фаол турмуш тарзи орқали ҳает моҳиятини англамоқчи бўлади. У ўзини инсониятнинг бир бўлаги сифатида англайди, ҳақиқий зиели

сифатида оддий кишилар учун қайғуради. Бу унинг оддий шаҳарлик қизга бўлган муҳаббатида ҳам намоен бўлади. Унинг муҳаббати фақатгина бир гўзал хоним ишқи билан чекланмайди, балки табиат ва умуман, инсониятга бўлган муҳаббат билан уйғунлашиб кетади. Фауст ўзини бутун коинот билан алоқада ҳис этади, ҳатто Ер руҳини чорлайди, чунки у «қадрдон ва яқиндир».

Фауст бир умр илмга интилади, бироқ ҳаетида биринчи зарбани ҳам шу соҳадан олади: у тўзиб етган тор хонасидаги кўплаб китоблардан излаган нарсасини тополмайди.

Фауст характеридаги интилиш билан бирга, фаолияти натижаларига шубҳа билан қараш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чексиз ирода, ҳаракатчанлик замиридаги бундай шубҳаланиш Фаустни янги замоннинг фожиавий қаҳрамонига айлантиради. Иккиланиш ва ички зиддиятлар қаҳрамонни оаҳсталаб образга айлантиради. Қаҳрамон кўнглидаги бу маънавий инқироз, таназзул уни ўз-ўзига суиқасдгача олиб боради. Фақат ҳаетга муҳаббат уни қутқариб қолади, бироқ у мудом фожиа арафасида яшайди, уларни бошидан кечиради. Жумладан, китобий билимлари самара бермаган-лигидан ташқари, борлиқ сирларидан магия-жоду орқали воқиф бўлиш нияти ҳам чиппакка чиқади.

Фауст — изланувчан образ, у ҳаетни англаш учун турли йўлларга киради. Аммо инсон ҳаетининг туб негазига етиб боролмайди. Бунинг сеҳр-жодусиз ҳеч бир иложи йўқ. Худди шундай зиддиятли дамда Фаустнинг йўлида Мефистофель пайдо бўлади.

Гете асарида Мефистофель муҳим роль ўйнайди. Фауст ва Мефистофель ўртасидаги қураш, қарама-қаршилик асардаги драматик зиддият негизини ташкил этади. Мефистофель рамзий инкор образидир. Тушкунлик кайфиятидаги, турмуш қадриятларини инкор этувчи зотлар барча даврларда учрайди. XVIII аср Германияни ижтимоий инқирозга юз тутишга мажбур этди. Илғор фикрли файласуфлар мавжуд қонунлар давлат тузуми, дин, ахлоқ, фалсафа, адабиет ва санъатни танқид остита олишди. Киноя, ҳажв, масхаралаш — барчаси ўтмиш сарқитларини фош этишда қўл келади. Бироқ маълум бир пайтга келиб, танқид, оммавий танқидчилик руҳи чегарадан чиқиб кетади. Баъзи бир тоифадагилар учун ҳамма нарсани инкор этиш, раддия турмуш тарзига айланиб қолади ва Гете Мефистофель қиефасида шундайларни мужассам этади. Ғарбий Европа фольклорида мавжуд бўлган ривоятлардагидек шайтон инсонни «йўлдан урмоқчи» бўлади. Бироқ Мефистофель жўн, содда шайтон эмас. У Гетеча фалсафага йўғрилган, устомон, танқидни уддалайдиган

персонаж. Унинг энг юксак хислати — инсоний ожизлик, камчиликларни усталик билан илғашидир. У евузлик қилмоқчи бўлиб, эзгуликка йўл очиб беради, амалда олтмиш ешли Фаустни ҳаракатга ундовчи кучга айлантиради. Фауст ва Мефистофель бир-бирини тўлдиради.

Фауст ҳақидаги халқ китобида қаҳрамон шайтон билан битим тузади: шайтон йигирма тўрт йил Фауст хизматида бўлади ва унинг хоҳиш-истакларини руебга чиқаради. Гете асарида шайтон билан тузилган битим ўзгача мазмун касб этади, англаш масаласи маълум бир муддатда ҳал этилмайди. Шу сабабли Фауст Мефистофелдан ўзи қониқиш ҳосил қилмагунича, барча шарт ва истакларини бажариш талабини қўяди, фақат шундагина шайтон унинг устидан ҳукмронлик қилиши мумкин эди. Фаустнинг юксак ғояларидан шубҳаланган Мефистофель унинг ожизлигини тезда исботлайман, деб ўйлайди. Дастлаб олимни маишатбозлик қилаетган талабалар олдига бошлайди, аммо Фауст уларни рад этади. Шунда уни яна синовдан ўтказиб, жодулар ердамида яшартиради, еш олим хиссиетга берилади ва юксак орзуларни унутади, деб ўйлайди. Ҳақиқатан яшарган Фауст гўзал Маргаритани кўриб, уни еқтириб қолади, Мефистофель ердамида унга эришади. Бундан қувонган шайтон тез орада шарманда бўлади. У Фаустни фақат ишратга берилади, деб ўйлайди. Бироқ ешлар ўртасида соф муҳаббат пайдо бўлади.

Ешлиги ортга қайтган Фауст ҳам Гретхенни севиб қолади. Гретхен — поклик рамзи бўлган дилбар қиз. Фаустга муҳаббати унинг осуда ҳаетини изидан чиқариб юборади. Улар бир-бирларини самимий севишади, бироқ улар бутунлай турлича кишилар, муҳаббатларининг фожиавий қисмати ҳам маълум маънода шу билан боғлиқ. Эҳтиетсиз тарзда эҳтиросларга берилйб кетган қизалоқ, кейинчалик ўз «гуноҳидан» қаттиқ изтироб чекади. Гете уни ўз даври аелларига хос тарзда тасвирлайди: унинг қизиқишлари оилавий ва шахсий манфаат билан чекланади. Фақат иккаласи ўртасидаги фарқ дин масаласида яққол намоен бўлади: Фауст дахрий, Гретхен тақводор.

Ноқонуний фарзанд кўришини билиб қолган Гретхен ўзи ва худбинлик ботқоғига ботган атрофдагилар назарида гуноҳкор ҳисобланади. Табиий ҳиссиетлар жамият ахлоқига зид ҳисобланган шароитда Гретхен қурбонга айланади. Гретхеннинг ҳалокати улкан, соф муҳаббат оқибатидир. Бу муҳаббат дилбар аелни даҳшатли, фожиавий ҳодисалар гирдобига улоқтиради: у ўз боласининг қотилига айланиб, ақлдан озади, ўлимга ҳукм этилади.

Бироқ унинг гуноҳини само «кечиради». Уни Фауст қутқаза

олмайди. Зеро Мефистофель Фаустни Маргаритага «ошиқ» этиб маълум муддатга Гретхенни елғиз қолдиради. Энг оғир дамда елғиз қолган Гретхен фожиага учрайди. Бу ўз навбатида Фаустнинг ҳам фожиаси эди, чунки у том маънодаги бундай соф муҳаббатни, ҳиссиетларни бошқа ҳис этиб қувонолмайди.

Юқорида таъкидланганидек, «Фауст»нинг биринчи қисми алоҳида мавзу ва муаммоларнинг бадиий ечимига эга бўлган буюк асардир (Бунда биз асарнинг иккинчи қисмини ҳеч бир маънода бўш асар дейишдан йироқмиз). Бу асарда Гете Фауст образини шунчалик мукаммал яратадики, у гўе асарни тарк этиб исенкор, муттасил изланишда, ҳаракатда бўлган инсон-шахс рамзига айланган.

Инсон ҳаетида нимага интилса, ўша нарсага эришади. Фауст борлиқни англаш, умрининг маъносига етиш учун ҳаракат қилади ва ўзига хос бутун инсоният вакилига айланади.

Бироқ шуни унутмаслик лозимки «Фауст» фожиавий асар. Агар қаҳрамонлар фақат гоя ва инсон орзу-хаеллари билан ҳаракат қилишеа фожиа содир бўлмаслиги мумкин эди. Мавҳум тушунчалар илм кишиларинигина қизиқтириши лозим, бироқ асарда шундай ҳиссий таъсирчанлик ҳосил қилингани ҳар қандай китобхон қалбини туб-тубигача ларзага сола олади.

Гете ўз асарида ифодаламоқчи бўлган ҳает ҳақиқатини маълум даражада умумлаштириб баен этиш мумкин: ҳает осон жараен, уни осонгина тушуниб олса бўладигандек; бироқ ўзини ҳаетни тушунаман ва тушунтириб бера оламан деган киши, шубҳасиз хатога йўл қўйиши мумкин; ҳает четдан назар солиб ўрганаетган кишига ўз сирларини очмайди, у фақатгина қайноқумр кечираетган, ҳает оқимида жавлон уриб изланаетган одамларга тушунарли бўлиши мумкин.

«Фауст» трагедиясининг таржимон шоир Пошо Али Усмон томонидан немис тилидан амалга оширилган таржима шеъриятимизга қўшилган муносиб туҳфа сифатида қабул қилинади деган умидцамиз.

Хуррам Раҳимов,
профессор
Абдували Эшқобилов,
фахрий доцент

БАҒИШЛОВ*

Бекарор сиймолар ғам ичра шу заҳот
Бўлмоқцасиз боз кўз олдимда намоен!
Саробга маҳлие бўлмишдир қалб наҳот?
Бермайсиз тутқич — йўқ интилишдан ҳаен!
Пинжимга тиқилиб, қиласиз нороҳат.
Қучмоқцасиз мени туман мисол шу он;
Нафасингиз хушбўй, бирам жозибадор,
Эслатар ешлигим — гўё денгаз мавждор.

Эсга солиб ўша шод онлар жамолин, *
Этасиз намоен аҳбоблар сиймосин;
Мадҳ этиб илк севги ва дўстлик камолин,
Эслатасиз кўҳна у эртак жилвасин
Ҳам у чалкаш ҳает — девона аъмолин,
Такрор этасиз боз фаред ва ноласин.
Афсус, ўша бахти кулмаган, бенаво
Дўстларни тингламоқ бўлмас энди раво.

Бўлмайди баҳравар ашъоримдан, ҳайҳот,
Кимки завқ олмишдир куйим янграганда!
Уларнинг садоси мангу тинган, наҳот,
Наҳот шўх йиғинлар бўлган пароканда?
Нетай, етлар аро соламан оҳ, фаред!
Дил қурғур эзилар қилса улар ханда;
Мухлисларим бўлса гар ахен-ахенда,
Сарсон-саргардондир бебақо жаҳонда.

Кўпдандир бир ҳасрат-ғам қалбим этмиш ром:
Дўстларнинг васлига етмоқ орзу, хаел.
Шивирлаб куйларим сокин бермас ором
Эолнинг арфаси* таратган куй мисол.
Кўзда еш шашқатор, йўқ осойиш бир дам,
Жўшқин қалб ҳис этар ўзин мўмин, беҳол.
Бор бисотим йироқ-йироқда қолгандек,
Неки бўлмиш ғойиб боз бунед бўлгандек.

ТЕАТРДАГИ ПРОЛОГ*

Директор, шоир ва кизщчи.

ДИРЕКТОР

Икков бўлгансиз менга халоскор,
Бошга тушганда кулфат неча бор.
Айтинг-чи, немис саҳнаси бу гал*
Нени қилолур намойиш тугал?
Қилай дегандим мен халқимнинг дилин шод,

Нечунким ўзин ҳамда бизни яшнатар.
Саҳна дегулик — устунлар кўтарган қад.
Бутун эл ўйин, кулгу, шодликни кутар,
Тикиб кўзларин, чимириб қош шу заҳот.
Ҳайратда қолсак, ажабмас, дер ҳар бир зот.
Лек бўлмаганман зинҳор бунча хижолат
Гар кўп ўқиган бўлса-да бу халойиқ,
Лекин нафосат недир билмас авом зот.
Қиссамиз бўлсин лея унга хўб лойиқ,
Айтинг-чи, дўстлар, не чора кўрмоқ даркор?
Токи меҳнат ва заҳмат кетмасин бекор!

Завқу шавқ ила югурса томошабин,
Фирдавси аъло сари югургансимон.
Йиғилса касса енида зўр оломон,
Турса кутгандек наҳорда нон навбатин,
Олай деб чипта, ўшқирса йиртиб томоқ.
Шоир иши бу мўъжизани яратмоқ.
Кўрсатгин, дўстим, шоирлик шижоатин!

ШОИР

Қўй, ўша авомни олмагин тилга,
Унинг қарашидан сўнади илҳом.
Солмасин у қутқу шоир дилига,
Тортмоқ истар бизни гирдобга мудом.
Бошлагин сен мени тинч ўлка, элга.
Шунда олар шоир чинакам ором;

Ушанда бағишлар дилга ҳаловат
Илоҳ ато этган дўстлик, муҳаббат.
Қалбимиз тўрида жўшган неки бор
Лабларга кўчаркан бекарор, хайҳот.
Юмушимиз гоҳо ололмай барор,
Рўедек бир онда йўқолур омад.
Неча йиллар ўтиб топади қарор,
Инсон закоси-ла яралган санъат.
Жозиба онийдир, чин санъат холос
Авлодлар наздида топади ихлос.

ҚИЗИҚЧИ

Эшитгим йўқўша авлод борасида!
Бутун фикримни банд этса норасида,
Ким этар ҳозирги авлод дилин хушнуд?
Мангуликча бўлсам дер у қувноқ, шодон.
Уз асрига ҳамдам бўлгай ҳар бир ўғлон:
Қизиқчи-чун ҳеч ким бўлмас асло унут.
Кимки бўлолса ўз элига чин ҳамдард,
Халқи учун азиз саналур у фарзанд.
Утказайин деб халқ ичинда таъсирин,
Қизиқчилар ҳам кенг ездирар даврасин.
Бўлса бас муруввват, ҳурмат, фахру ғурур,
Куйингизда топгай тавсиф идрок, шуур.
Мадад бўлгай чексиз хаел ва эҳтирос,
Бўлмай унут ҳажв ҳам бўлсин саҳнага хос!

ДИРЕКТОР

Саргузаштга, дўстим, бергин кўп эътибор,
Даредек оқиб халқ бўлади миннатдор.
Кўп нарса бўлиб кўз олдида намоен,
Майли оғзин очиб қолсин ҳайрон, лол.
Кимлигингни дарҳол қилади у баен.
Ютуғинг, дўстим, шу — ишинг бўлса ҳалол.
Ҳалққа тўлиб кетар саҳна ўтмайин зум,
Ниҳоят топади зарурини ҳар ким.
Неки берсанг элга, ўша тегар қўлга.
Бўлиб сендан рози, халқтушади йўлга.
Езинг бир қиссаки, бўлсин ранг-баранг нақц!

Шундай ноеб асар келтирар сизга бахт;
Сиз-чун осон езмоқ-биз учун тушунмоқ,
Кимга ҳам зарур у бўлса бутун-тўмтоқ.

ШОИР

Ундай асарнинг ғализлигин сезмайсиз наҳот,
Чин санъаткорни этмайди у ўзига асир!
Ношуд жаноблар ижод этган ҳар бир нақарот
Доно бир ҳикмат мисол этар сизларга таъсир.

ДИРЕКТОР

Бу таънангиз, дўстим, солмас дилимга ранж.
Кимки ўз ишидан топмоқ истар юпанч,
Қўлида қуроли бўлмоғи даркор соз.
Бу иш душвор эмас, жасорат бўлса,бас.
Унутманг ким учун езмоғингиз, холос.
Халқ келади олмоқ бўлиб руҳ ғизосин...
Биров келар таом ҳазмин қилиб ҳавас,
Биров келар ўқиб матбуот баҳосин.
Томошани дея елади халқ дилгир,
Қанот чиқаргандек чопар бошқа абжир.
Касб этиб хонимлар ўзгача оройиш,
Қилар ўзин бепул, бемалол намойиш.
Шеърият чўққисин забт этган, эй аҳбоб,
Нағмакор дилингиз недир айламиш банд?
Гавжум томошагоҳ шояд қилур хурсанд?
Мухлислар йиғилган —назар ташланг шу тоб!
Бироқ турқи мунча совуқ, мунча дағал...
Улар қалбин шу он банд этар шум хаел:
Биров қиморхона сари бўлар равона,
Бировини кутар енгилтак бир жувон.
Айтингиз, эй илҳом берувчи маъбуда,
Нечун бунча азоб-уқубат шоирда?
Езинг кўп, ўтмай дам, неки келар қўлдан,
Мақсад бўлсин собит — халқ озса бас йўлдан.
Қанча чекманг заҳмат, халқ билмас мамнунлик.
Не этар дилни банд — шодлик е маҳзунлик?

ШОИР

Бор, бошқа малай қидир сен ўзинг-чун!
Наҳотки шоир ўз юксак ҳуқуқин,
Табиат берган инсонлик қадрини
Этаркан поймол сени деб куфрона?!
Жўшмаса шоир, урарми қалб туғен?
Бўлурми мағлуб илҳомга ғалаен?
Шоир садоси қалбларни титратар,
Унинг ашъори дунени забт этар.
Айлантираркан ҳает калавасин
Мавжвар табиат замона урчуғин
Ҳам қилмай унут тебратар жовидон.
Бутун мавжудот ўзгараркан мудом,
Ажиб бир оҳанг урин олар қалбдан.
Уйғун тартибот қилар бизни шайдо:
Кимдир ижодкор, қайдан бўлур пайдо?
Бутун борлиқнингдилрабо садосин
Ким у куйлаган ягона оҳангда?
Кимдир жўшдирган эҳтирос долғасин?
Ким тун шафағин ендирган оламда?
Ким гўзал кўклам гуллари шодасин
Сочган дилбарим йўлига дамо-дам?
Кимдир у билиб кўк япроқлар қадрин,
Ясар улардан шуҳрат гулчамбарин?
Олимп тоғини ким айламиш обод?
Бу шоирдаги назм ва эътиқод,
Бу шоирдаги инсонга хос қудрат!

ҚИЗИҚЧИ

Мадад бўлгай сизга инсонга хос қудрат,
Мадад бўлгай сизга назмкор табиат.
Севги можаросин излаганда, зотан,
Қўл келар кўпинча тасодиф илк бора:
Сўнг туйғу-ҳиссиет, яқинлик дафъатан.
Гуллайди муҳаббат ғунчаси тобора
Бахт-саодат яшнар бешак бора-бора.
Аввал куй, тарона, сўнгра оҳу фаред,
Ўтмай кўп сония, қисса бўлар бунед.
Танланг бир мавзуки, бўлсин у пурҳисса!
Битинг бизга тезда шундайин бир қисса!

Биров саргузашти — ўзгага қоронғу,
Езинг шуни дарҳол, қизиқ, ахир, мавзу!
Воқеа ранг-баранг бўлсин, майли, содир,
Ҳақиқат оз бўлсин, яхшиси елғондир.
Шундай бўлур тайер илҳомбахш бода —
Ки жаҳон бўлгай маст, қилса истифода.
Тўп-тўп бўлиб келар ешларнинг сараси
Кўргали қиссангиз кучин, зуҳуротин.
Келишар бўлиб жам сохиру доноси.
Келурлар кўргали қиссангиз қувватин.
Ўз кўнглида борин кўради ҳар киши:
Бировда табассум, бировда кўз еши.
Қиссадаги рухни этишар эҳтиром,
Зероки маъноси этажак дилни ром.
Кексаларга мақбул бўлиш мушкул анча,
Ва лек ешлар бўлур миннатдор бирмунча.

ШОИР

Қайтар менга ўша сержилваю серноз,
Мен балоғат топган жўшқин йилларим боз
Мен ҳайқириб қўшиқ куйлаган навқирон
Йигитлик йилларин қайтаргин шу замон.
Жўшқин сойдек шеърим оқар яна равон.
Мудҳиш эди қора либос кийган ҳает,
Мен-чи ҳар ен кезиб, гул узардим фақат,
Кутиб ҳар ғунчадан мўъжиза, каромат.
Бўлсам ҳамки фақир, лек эмасдим ҳақир;
Бор эди истагим: топмоқ бахт-ҳақиқат.
Қайтар ўша асов йиллар шижоатин,
Нафрат тўла кучин, муҳаббат қудратин.
Бўронли ешлигим бергин қайта бошдин!

ҚИЗИҚЧИ

Ешликка мунис дуст, мухтож бўлурсан,
Евуз рақиб ила қилганингда жанг,
Осилса бўйнингга жилвасоз жонон,
Мушкул мақсадингга етганинг тобда,
Е зафар гултожи қўлга теккан он,
Еки қолганингда машъум гирдобда.
Ешлик зарур, улфат, куй ва рақс чоғи

Еки сафоли бир зиефат чоғи.
Муродинг бўлгандир ҳосил пинҳона
Кезганингда ҳар ен санқиб, саргашта.
Чалгин эски созинг, мутриби доно!
Билсанг, кексаликда бу ҳам бир гашт-да!
Кўрсатиб жасорат, эй олий ҳазрат,
Ижодни бошлайсиз бир бошдин яна.
«Кексалик — болалик» - эски афсона,
Мангу гўдакмиз — шу азалий хилқат.

ДИРЕКТОР

Айтишдик роса гапнинг елғону ростин,
Ижозат этинг, кўрайлик иш ижросин!
Бир-биримизни мактаб ҳам олдик обдан,
Келтирса ажаб эмас равнақу ривож,
Ортиқ ўгитга йўқ, менимча, эҳтиеж.
Бепарво бўлар, холос ялқову нодон.
Ишга солинг-да, шоирона илҳомни,
Баланд қўтаринг шеърият санжоғини!
Маълумингизким, орзуимиз айни шу тоб
Сипқомоқўткир, сафоли бодай ноб;
Пайсалга солмай, киришинг ишга дарҳол!
«Қолган ишга қор еғар» — тасдиқлар мақол,
Ижодга ўтинг жасорат-ла барқарор,
Барча зарурат бўлар бешак муқаррар.
Кўриб турибсиз, мана, олмон саҳнасин:
Ҳар ким синайди унда ижод соҳасин.
Хохласангиз гар, бугундан эътиборан,
Барча шароит бўлгай муҳайе тездан!
Даркор бўлса гар сизга осмон еғдуси, *
Самода юлдуз шу он пайдо бўлғуси!
Даркор бўлса гар тошу сув, ҳаттоки ўт,
Барчаси бўлгай: ҳайвону қушлар еҳуд.
Саҳнамиз, дўстим, ўзи бўлар бир жаҳон,
Шаҳдам қадам-ла сўнгра бўлурсиз равон
Еру самовот оша жаҳаннам томон!

ОСМОНДАГИ ПРОЛОГ

ТАНГРИ, САМОВОТ ҚЎРИҚЧИЛАРИ; * МЕФИСТОТЕЛЬ. УЧ МУТАСАДДИ МАЛОИК ОЛДИНГА ЧИҚИШАДИ

ИСРОФИЛ

Мангу чарх уради самода қуеш
Сайералар ила бўлиб оҳангдош.
Азалий йўлида этаркан давом,
Ажиб ишддат ила гулдурар тамом.
Малоик аҳлига қудрат-нигоҳи,
Ҳеч ким билмас қайда унинг асрори;
Нечук топмиш эса азалдан қарор
Ҳозир ҳам ўшандай чексиз, пурвиқор.

ЖАБРОИЛ

Бағоят тезлик-ла жадал, шиддаткор
Замини муаззам айлайди даввор.
Сўлим жаннат саҳнин еритган у нур
Тун зулмати ила такрор алмашинур.
Шўх дарелар ила бўлиб ҳамоҳанг,
Тошларга урилар, чайқалур уммон.
Тоғу тош ва ҳатто денгиз ҳубоби
Бўлмиш мангу қонун ҳукмига тобе.

МИКОИЛ

Қўшилиб кетади уммон, соҳиллар,
Ким ўзарга ўйнар гўе довуллар.
Ғазаб ўтин сочиб ясар силсила
Ажиб бир мусиқий таъсирот ила.
Бўшаб қолар ҳар ен ўтмайин муддат,
Чарақласа чақмоқ қўрсатиб шиддат,
Элчиларнинг Тангри билар таъбирин
Сен яратган олам - нозик табдилин.

УЧОВЛОН

Малоик аҳлига қудрат-нигоҳи,
Ҳеч ким билмас қайда унинг асрори;
Нечук топмиш эса азалдан қарор
Ҳозир ҳам ўшандай чексиз, пурвиқор.

МЕФИСТОФЕЛЬ

(Тангрига юзланиб)

Ҳолимиздан тағин олай деб ахбор,
Ташриф буюрибсан паноҳи олам.
Қилгансан илтифот менга неча бор,
Шу-чун малаклар-ла турибман мен ҳам.
Даврангиз қилса-да мени ҳақорат,
Гапга оро бериш энди менга ет;
Урсам гар қаҳқаҳа, кулардинг албат,
Қилгансанг фаромуш кулгини, ҳайҳот!
Қуешу коинот менга қоронғу,
Валек менга аен инсоний қайғу.
Кишилик дуненинг — кичик худоси,
Лек ўзгармас ҳоли, оҳу нидоси,
Бермасайдинг унга еғду самовий
Яшарди бояқиш инсон бинойи;
Сен берган еғдуни дер руҳ, заковат,
Шу боис ҳайвондек кечирар ҳает.
Ижозатинг-ла, Тангри, қилайин баен;
Бамисли чигиртка — йўқ бир тайини,
Гоҳ қилади парвоз, гоҳ елар чаққон,
Куйлаб ҳамон ўша шавқсиз куйини.
Кошкийди куйласа фақат қўшиғин,
Тиқмай ҳар нажасга мурдор тумшуғин!

ТАНГРИ

Бошқа айтар гапинг йўқ эрур наҳот?
Топганинг шикоят, нуқул шайтонзот.
Ҳеч не бўлмай мақбул, нолийсан чунон.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ҳа, Тангрим! Ғамхона экан бу жаҳон.
Афтода, хор-зордир инсон боласи;
Дилимни эзади унинг ноласи.

ТАНГРИ

Фаустни биларсан, балки?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Табибми?

ТАНГРИ

Менинг қулимни!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ҳа! Унчаликмас сизга хизмат-адоси.
Мажҳулдир одамзодга еган-ичгани.
Олисларга интилмоқ — зўр муддаоси,
Аммо ҳануз чаладир ақлу заковат;
Самоларга интилар юлдуз олгани,
Ер юзидан излайди шодлик, ҳаловат.
На арзу ва на само қондирар унинг
Бетиним туғен урган ўтли юрагин.

ТАНГРИ

Агар келмаса хизмат рисолага мос,
Кўрсатаман йўл унинг юрагига хос.
Боғбон билар дарахтнинг куртак отишин,
Қачон гуллаб ва қачон ҳосил беришин.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Уни йўлдан оздирмоқ мен учун эрмак,
Бўлгайсиз ундан маҳрум! Боғлайман баҳс!
Бунинг учун кафолат беролсангиз, бас!

ТАНГРИ

Заминда яшаркан бу аҳли инсон,
Бўлмагай бу юмуш сенга қатағон.
Инсон интиларкан, адашар бешак.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ташаккур, Тангри! Ўликдан кечганман воз;
Менинг севганим гўзал таннозу шоввоз.
Мурдалар билан ўйнашмайман ҳеч қачон,
Улар билан гар қилсам жанг, мен хўб чаққон,
Гўе ўйнашар мушугу ожиз сичқон.

ТАНГРИ

Бор, майли, бердим сенга ижозат!
Чалғитгин уни илму фанидан,

Қул бўлгай сенга ундай даҳрий зот,
Топширдим сенга — кечдим жонидан!
Лекин билиб қўй, сўзимга инон,
Тортиб ҳижолат, бўларсан иқрор:
Чин эхтиросли, бетиним инсон
Ҳақиқат йўлин топар муқаррар.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Жуда соз! Бу кўпга чўзилмас бегумон.
Баҳсим учун асло қилмасман пушаймон,
Мен учун қутлуғ иш — ўзни сезмоқ комрон.
Аминман, санарсиз мени ғолиб, ҳукмрон.
Судралар тупроқца у нобакор, қаттол —
Илон отли машҳур холам янглиғ баттол.

ТАНГРИ

Эмин-эркин келавер, марҳамат;
Сендайлардан қилмам асло нафрат.
Ектирганим билсанг — маккор, айер,
Руҳлар ичра — кимки қилса инкор.
Инсон зотин қийинмас алдамоқ,
Осойишта бўлсам дер у гумроҳ,
Шу-чун унга ато этдим ҳамроҳ.
Шайтон каби жалб этар ўзига,
Йўлдан урар, буриб ўз сўзига.
(фаришталарга)

Сиз эса, содиқ самовий йигитлар,
Қувонинг мангу муқаддас чирой-ла!
Инъом этингиз эҳсону муҳаббат —
Кимки топмоқда бетиним камолот.
Дунеда неки ўткинчи, муваққат
Гўе ботинда сирли бир андиша
Жой олсин қалбдан тоабад, ҳамиша!

(Осмон епилади, малоиклар тарқалишади)

МЕФИСТОФЕЛЬ

Канда қилмай бу зот ила мулоқот,
Зиерат бажо келтираман бот-бот.
Улуғ Тангрининг шайтон-ла бемалол
Инсондек суҳбат қуриши ажиб ҳол.

Ушбу асар таржимасини менга уни аслиятдан ўгиришга ундаган марҳум устозим профессор Ғайбулло Саломовнинг порлоқ хотирасига бағишлайман.

Таржимон

ТРАГЕДИЯНИНГ БИРИНЧИ ҚИСМИ

ТУН

Фауст. Готик услубда қурилган баланд ва тор бир хонада нотинч бўлиб, пульт енидаги креслода ўтирипти.

ФАУСТ

Дилга жо бўлмиш фалсафадек ҳикмат,
Ҳуқуқдгунослик ва илми табобат.
Кўрсатиб сабот, ўзни аямайин,
Ўргандим ҳатто илоҳиет илмин.
Ақдим эскича, бўлмади дубора,
Мен ҳамон ўша ғўр, телба бечора!
Мен тағин магистр,* доктормишман гўе,
Ўтди беҳаен ўн йил худди рўе.
Ўргатайин деб паст-баланд, ўнг-сўлни,
Шогирдларим-ла ҳар ен кездйм сарсон,
Билиб бўлмаскан ҳеч нарсани, инон!
Хуноб бўлар дил топмай тўғри йўлни.
Мирзаю поплар, ҳуқуқшунос, магистр
Зеҳнда зотан мендан устунмасдир:
Виждон азоби йўқ менда бегумон,
Хавф солар қалбга на дўзах, на шайтон
Шу боис менда шодликдан йўқ нишон.
Мағрурланмайман билдим деб оламда —
Нелигин ҳуқуқ, қонун ва адолат;
Мағрурланмайман асло бу оламда —
Олар деб мендан нур-зие бирор зот.
Менда на шону шарафдан дарак бор,
Менда на молу мулкдан дарак бор.
Итга ҳам раво кўрмайман ҳаетим!
Шунинг-чун ишга солдим бор ҳикматим.

Бўлурми дея мен телбага имдод,
Руҳнинг кучига қилдим эътиқод;
Билмоқ истадим нечук бу ҳодисот
Ўзаро бўлмиш вобаста чамбарчас;
Чекмайин десанг азобу уқубат,
Сўзамолликка бер барҳам, айла бас!
Мавжудот сирин билгали қил ғайрат!

Само саҳнида кезган эй ой, шу тоб
Билсайдинг танни чулғар не изтироб!
Қилсайдинг қадам ранжида сўнгги бор,
Тун ярмида ўтириб мен бедор
Варақлаганда турфа қоғоз, китоб.
Кошки ташласанг нигоҳ, ғамгин аҳбоб!
Чиқиб сўнг баланд тоғлар зирвасига,
Чулғансам сендек улфат зиесига.
Парвоз этсайдим руҳлар-ла енма ен,
Майсалар ичра жавлон уриб ҳар ен.
Баҳраманд бўлиб тоза рутубатдан,
Қутулсам жаҳду илму уқубатдан!
Токай бу зиндон менга маскан бўлур!
Бу ғамхонага хира дарча оша
Зўрға тушади қадрдон самовий нур,
Наҳот қолурман зиллатда ҳамиша?
Гир атрофимда китоб — тўзон босган,
Занглаган етар турфа темир асбоб,
Ҳар енда қогоз уюми — дуд босган,
Етар саноқсиз идиш — хўжалик боб.
Шулар-ку бобонг уйин қилган обод.
Шу сенинг дуненг, шудир дуненг умрбод!
Билмоқ истайсан нечун тоб бермас боз
Сенинг юрагинг қўрқув ва даҳшатга?
Нечун шу заҳот мажҳул дард-алам боз
Монелик қилар жўшкин бу ҳаетга?
Етмай тириклик қадрига, одамзот, *
Неки айламиш илоҳ сен — чун ҳилқат,
Жаҳолат ичра қолиб, ғофил банда,
Жонсиз сўнгакка қилмоқдасан сажда!
Қўзғол жойингдан! Йўл олгин ет элга!
Нострадамнинг пурҳикмат китоби

Унинг сирларга хазина ҳар боби
Ҳамроҳинг бўлиб, бошлар қутлуғ йўлга.
Шунда кўрарсан юлдузлар аъмолин,
Шунда кўрарсан табиат жамолин.
Завққа тўларсан шуур қувватидан,
Воқиф бўлурсан руҳлар сухбатидан.
Аммо уларнинг муқаддас белгисин
Маҳдуд ақдинг-ла қилолмассан талқин!
Руҳлар, тепамда қилмоқдасиз парвоз,
Тингланг сўзларим, бўлинг менга ҳамроз!

(Укитобни очиб, унда макрокосм белгисини кўради)

Ажабо, бу қандай ҳол, қандай манзара!
Шодликка тўлди онг, шуур дафъатан!

Бахш этмоқца кўнгил доғига чора,
Ўт туташган гўе енар асаб, тан.
Дилғашлигим босган белгини наҳот,
Чизди экан илоҳ, у парвардигор?
Мен мискин шодлигин — қилдими ният,
Кўрсатмоқ бўлдими турфа сир-асрор
Ҳам қандай қудратга молик табиат?
Наҳот, мен Худоман? Еришар ақлим!
Кўз оддимда зоҳир бўлмиш коинот,
Қудратсоҳиб, мавжвар, сирли табиат.
Билдим теранлигин донолар нақлин:
«Руҳлар оламининг қопқаси очиқ,
Ғафлатда қолибсан, кўзим қароғи!
Қалқ ўрнингдан бардам, етмагин биқиқ,
Алвон тонг чоғида юв кўксинг доғин!»

(У белгини кўздан кечиради)

Ажиб уйғунликка қилиб риоят,
Жо-бажо бўлмишдир бутун мавжудот.
Хайли малак айлаб турфа ҳаракат,
Гоҳ паст, гоҳ баландда уради жавлон.
Олтин челаклардан улашиб ҳает,
Елишар самодан ер саҳни томон

Нажотбахш парвоз-ла аҳди самовот!
Бу қандайин сурат! Оҳ, сурат фақат!
Кучиб бўлармикан сени, табиат?
Ҳает булоқларин мужассам этган —
Кўксинг чеки борми, она-табиат?
Ўшанга интилар бу жафокаш дил.
Чанқоғим босмасми бағрингда оққан
Соҳибасрор, дардгадаво салсабил?

(Уғазаб билан китобни очиб, ерруҳининг белгисини кўради)

Во ажаб, қандайин матлуб бу сурат!
Менга монандсан, руҳ, сездим шу нафас;
Вужудимни чулғар ўзгача қудрат,
Сархушман ичгандек шароб мусаллас.
Дунени билишга топдим жасорат,
Шодлигу фаредга қилгум мен тоқат.
Қўрқитолмас мени хатар, ҳалокат,
Писанд эмас менга ҳеч бир фалокат.

(Уруҳнинг зуҳур этишини сезади)

Булут қоплагач само бағрини,
Ой ҳам тўсмоқда ўз еруғини.
Буруқсаб сўнар чироғу қандил,
Елқинланмоқда шуъла қип-қизил.
Қандайдир шарпа келар мен томон!
Епишмоқ истар екамга шу он!
Сезиб турибман сенинг парвозинг,
Эй тутқич бермас арвоҳи замин,
Кўрсатгин юзинг!
Юрагим тилар бахш этиб тағин
Қизғин туйғулар!
Жунбишга келар вужудим чунон!
Сезиб турибман сенга, эй арвоҳ,
Қалб содиқлигин!
Арзийди зотан, сен-чун, ғамгусор,
Бўлса жон нисор!

(Укитобни қўлига олиб, руҳнинг белгисини аврайди. Қип-аланга ичидан ер руҳи чикади)

РУҲ
Мени чорлаган ким?

ФАУСТ
(ундан юз ўгириб)
Мунча таъвия зот экан, е Раббим!

РУҲ
Куч билан этдинг мени ўзингга ром,
Кирдинг пинжимга бермай жонга ором.
Энди бўлса...

ФАУСТ
Афсус, йўқ тоқатим сени кўрарга!

РУҲ
Ялиндинг-ку кўрмоқ бўлиб мени,
Истадинг эшитмоқ сен сасимни;
Сенинг фаред тўла қалб даъватинг
Солди мени чуқур бир ҳайратга.
Нечун чўмдинг бирдан сен даҳшатга?
У даъватингдан йўқ энди дарак,
Айт-чи, ғайри инсон, қани юрак?
Шодлик ва ҳаяжон ичра қолган,
Ўзин арвохларга қиес қилган,
Қудратли, исенкор қалб соҳиби,
Мўъжаз жон, донолар чин ноиби,
Фауст, нега танинг титроқ босган,
Бамисоли ожиз бир чувалчанг?

ФАУСТ
Мен сенга бўйин эгишим шарт, наҳот?
Мен ўша Фауст, сенга ўхшаган зот!

РУҲ
Ҳает уммонида, турмуш гирдобида

Мен гоҳо ердаман, гоҳо само бағрида
Бир жаҳонгаштасимон
Ҳар ен кезаман!
Ҳает ва ўлим
Гўе мангу бир уммон.
Алмашинур куч-қудрат
Ва жўшқин ҳает.
Юргазиб шовқинли замона дастгоҳин,
Тўқийман илоҳиет —
Жонли либосин!

ФАУСТ

Сенга ўхшашман, рост, бўлгин огоҳ,
Эй жаҳонгашта, заҳматкаш арвоҳ!

РУҲ

Ўзинг билган руҳга ўхшайсан, аммо —
Менга монандлиганг йўқ сенинг асло!

ФАУСТ

(йщилиб)
Сенга эмас асло?
Кимга бўлмаса?
Сенга ўзимни қилмайман қиес!
Мен илоҳиет тимсоли, холос!

(эшик тациллайди)

Даҳшат! Бу ўша ношуд шогирд зот,
Азму ниятим бўлажак барбод!
Бу ҳардамхаел, риекор банда
Халақит берса керак ҳар ҳолда!

(цўлида чироқ, тунги кийимда Вагнер кириб келади. Фауст истар-истамас унга томон бурилади)

ВАГНЕР

Авф этингиз! Бирор юнон фожеасин —
Чоғи ўқидингиз тағин такрор, устоз?

Ўқиш санъатига бор кўпдан ҳавасим,
Зероки шу санъат туғдирар эҳтирос.
Ҳаетда заруркан ғоят бундай ҳунар,
Актердан ўрганса ўқишни кашиш зот.

ФАУСТ

Ҳа, ўша кашиш ҳам актер бўлса агар;
Ундайлар учрайди баъзан, дарҳақиқат.

ВАГНЕР

Бўлса киши ўз даргоҳига занжирбанд,
Кўрса дунени байрам кунлари фақат,
Кўриш-чун дурбин бўлгач сўнгги эътимод,
Нечук қозонсин киши элда эътиқод.

ФАУСТ

Бўлмаса ўзингда гар салоҳиет,
Зое кетар барча меҳнат, машаққат.
Қалб тўридан чиқмас экан сўз, ният,
Чиранма, эй дўстим, бекорга — фақат.
Сизга хўб ярашур уйда ўтирмоқ,
Ношуд ошпаз каби бўтқа пиширмоқ
Пуфлаб хира утни тинмай ҳар саҳар.
Бир бўтқаки, унда масаллиқ минг хил!
Бўндай нуткинг сени, дўстим, яхши бил,
Болалар ҳажвига килур сазовор.
Дилни дилга, билсанг, боғламоқ мушкул,
Чиқмаса юракдан сўз деган гавҳар.

ВАГНЕР

Нотиқнинг бахти — нутқигадир вобаста;
Бу соҳада мен, бил сам, ҳали нораста.

ФАУСТ

Излан, ютуғинг бўлсин покиза, ҳалол!
Бўлмагин эзма, вайсақи гўе даллол!
Онг-заковатда эмассан ҳеч кимдан кам,
Ўзингга кўра бор ҳунар, санъатинг ҳам;
Жиддий тафаккур бўлмаса сенга ошна,
Нутқингни безар турфа латиф ибора

Ясамоқ бўлма ундан инсон аҳлига
Жингала тағин, майдалама минг бора!
Бундай нутқ бермас ором киши дилига
Ўхшар у аксар еқимсиз куз елига.

ВАГНЕР

Е Раббим! Чунон кисқадир бу ҳает,
Ва лек фан йўли узун экан ғоят.
Ҳа, хатарлидир мендаги бу ният,
Чулғар вужудим фақат қўрқув, даҳшат.
Илм йўлида бўлса-да ғов, хорбаст,
Чиқарлар унинг зирвасига сарбаст!
Афсуски, йўлнинг ярмин ўтмас бурун
Қанча боеқиш босар сўнгги муҳрин.

ФАУСТ

Пергамент аталмиш донолик чашмаси
Мангу қондиролур чанқоғингни, наҳот?
Унутмагин, дўстим, қонмас қалб ташнаси
Оқмаса дилингда зие, оби ҳает.

ВАГНЕР

Тақсир, ўтмишнинг руҳига бир назар —
Ташламоқнинг ҳам ўзга бир гашти бор;
Чиндан ҳам олға кетибмиз ниҳоят
Салафлар фикри бунинг-чун кифоят.

ФАУСТ

Билониҳоя, юлдузларга қадар!
Ўтмишнинг ҳар бир лаҳзаси, биродар,
Наздимизда бир муаммо — ишкалли.
Сиз айтган ўша ўтмиш замон руҳи —
Доно салафлар нуфузию руҳи.
Ўша руҳ — чиндан ўша замон зайли.
Ҳозирги замон қаламкаш гуруҳи
Езувчи зотин кўриб қолдими, бас,
Қазноқда етган эски езувларин
Кўрсатмоқ бўлиб, дер: кетмасин абас.
Баландпарвоз ном қўйган асарларин
Давлатга доир, деб мақтар ғаламис.

Шунга қиласан надомату афсус!
Дарҳақиқат, йўқ унда маъно, мазмун,
Ўтса-да аср, касб этмайди нуфуз!
Қўғирчоқтили баен этар назмин!

ВАГНЕР

Дунени, инсон қалби ва руҳин фақат
Истайман билмоқ — шудир ягона мақсад!

ФАУСТ

Айтинг-чи, дўстим, билиш нима ўзи?
Кўпдандир, билсанг, жумбоқ шунинг ўзи.
Бу жумбоқ сирин билганлар бир маҳал
Ўз фикрларин тутмай элдан ниҳон,
Қурбон бўлишди дордан топиб ажал.
Бировлар ўтда ендилар беомон.
Баҳс етар, сўнг сўйлашурмиз пухта,
Суҳбатимизга қўйсак бўлар нуқта.

ВАГНЕР

Қилсам сиз билан илмий мубоҳаса,
Розиман ҳатто туним бедор ўтса.
Дарвоқе, эрта рўзи ҳайит экан.
Эшитинг, айтай сўнг сўзим — кетаркан:
Олганман гарчи сабот-ла кўп таҳсил,
Ниятим билмоқ, ўрганмоқ муттасил.
(кетади)

ФАУСТ

Илм олишдан умидин узмас ҳамон,
Далил излайди гўе олим — устомон.
Гоҳ очкўзларча топмоқ бўлади у ганж.
Топса чувалчанг — топади чексиз юпанч!

Руҳ жамолига банди бўлганда вужуд
Инсон овозин тинглашга шу пайт, наҳот —
Бўлса зарурат? — Раҳмат сенга бовужуд,
Ер фарзандлари ичра энг бечора зот.
Мени тушкунлик балосидан қутқаздинг,
Ҳа, ўша машъум ҳолатдан сен қутқаздинг.
Кўрсанг эди у шарпанинг улканлигин,
Олдида ўзим миттидек тутганлигим.

Мен илоҳиет тимсолиман — йўқ шубҳам,
Айни ҳақиқат, ростдир — эмасдир мубҳам,
Деб еғдуларга бўлибман мен маҳлие,
Лекин инсонга толеъ боқмаскан қие;
Мен боеқиш-чи, қудратсоҳиб фаришта
Табиатга куч бахш этолган бекиес
Ҳеруб* сингари депман ўзни баржаста;
Яшиндек бир сўз қилди дилим шикаста.
Ўзни беҳуда қилибман унга қиес,
Мендек нораста тенглашса унга наҳот?
Кошки бўлсайди менда жозиба, қудрат,
Бермадинг тутқич, эй руҳи боэътимод!
Ҳис этгандим мен ўзни у бахтли онда
Гоҳ олий бир зот, гоҳо бекудрат банда.
Мажҳул бир тақдир гирдобида қолдим боз,
Итқитдинг даҳшат ила мени ўша пайт.
Ким бўлур менга илму таҳсилда мумтоз,
Мен қайга борай, кимга ҳам ялинай, айт?
Наҳот, отмоғим шарт ўзни ҳар оғушга?
Ҳает деганинг азоб-уқубат тугал.
Турфа хархаша бўлади ғов турмушга,
Мақсадга етдик деганда берар халал!
Табиат ато этса ҳузур-ҳаловат, -
Ушалди орзу, ният деймиз бемалол.
Ажиб туйғулар — неки бахш этди ҳает,
Замин илкида мудом бўлади поймол.
Жасорат ила орзу езганда қанот,
Ишонч-ла бошлар бизни мангулик сари.
Орзуга урин қолмас қалбда ниҳоят,
Бўлмаса киши ҳаетида барори.
Ғам, ташвиш урин олгач юрак тўридан,
Эзилар киши махфий ғам-андуҳидан.
Бешумор ғавғо бермай осойиш бир он,
Янги ниқобда мудом бўлар намоен:
Гоҳида ўт, сув, ханжар, гоҳ бўлиб заҳар,
Гоҳ уй, гоҳ хотин бўлиб этади зоҳир.
Титраймиз ҳеч не солмай таҳдид ҳар сафар,
Ҳеч не йўқотмай тушар ташвиш, гангир бош,
Баъзан-чи, йиғлаб беҳуда тўкамиз еш;
Илоҳиетга эмасман монанд, бу рост;
Мен кўпроқ тупроқ ялаб тириклик қилган,

Иўлчи оеғи остида поймол бўлган
Ожиз бир куртга ўхшаб кетаман, хол ос.
Атрофим ўраб қилган танимни лоҳас
Тупроқ эмасми қад кўтарган бу девор?
Тупроқ эмасми барча лаш-луш — неки бор?
Неки йўқ менда — тополсам бунда наҳот?
Ўқимоқ минглаб китоб зарурдир наҳот,
Билмоқ-чун инсон — чекишин ранж-уқубат?
Муайяндир хўб бу бебақо дунеда -
Насиб бўлмаган бахт ҳар кимга оқибат.
Қақшаган калла, не деб кулябсан устимдан?
Адашган сенинг миянг ҳам бир пайт,
Зулматда қолиб кутмаганми тонгни, айт?
Адолат излаб адашган, девонавор,
Аламга ботган шўрлик бошинг неча бор?
Ғилдирак, хаскаш, мурвату синиқ ранда,
Чувринди қилар устимдан заҳарханда.
Мифтоҳ бўлурсиз деб ўйладим устувор
Сирлар сандиғи енида қолдим гунг, лол.
Афсус, йўқ сизда мифтоҳликка иқтидор.
Рўшнолик кунда ҳам ўз тилсимотини
Очмас табиат ҳар кишига бемалол.
Табиат очмас экан сенга ботинин,
Эски мурватдан килма умид ҳеч маҳал.
Эй кўҳна асбоб, эмассан менга даркор,
Асрайман, зеро сен отамдан бир едгор.
Кимга ҳам керак дуд босган кир тугунча,
Нечун зарур бу алмисоқий курсича? —
Унинг устида милтиллаб чироқ бир он
Дадамнинг ғамгин уйин қилган чароюн.
Арзимас бисот дея бўлгунча ҳаммол,
Афзалдир минг бор қилмоқ уни харажат!
Эгалла, неки қолмиш мерос-дуне, мол,
Билиб қўй, мерос қолдирмоқ ҳам зарурат.
Киши неники қилмаса истифода,
Билсанг, ҳаетда оғир юқдир бефойда;
Неники лаҳза яратур шунда фойда.
Ана у жойга нечун қадалур нигоҳ?
Ана у шиша оҳанрабодир, наҳот?
Недир еритар кўнгил уйин шу заҳот
Еритгандек ой ўрмон зулматин ногоҳ.

Салом сенга, эй нодиру ноеб шиша,
Зўр эҳтиром-ла оламан сени қўлга!
Сенда этади зуҳур инсоний андиша,
Сенда намоен мангу уйқу боиси,
Сенсан ҳалокат, ажойибот боиси!
Кўрсат устозга хосиятинг бир йўла!
Босилар дарду алам, сени курган он,
Жўшади илҳом, сени олганда қўлга.
Тўлқинланаман, гўе қалбда ғалаен.
Щўнғимоқдаман гўе денгизга шу он,
Оек остида порлар тўлқин шуъласи,
Янги қирғоққа чорлар гўе тонг саси!

Учқур қанотин енгил қоқиб самода
Мен сари парвоз этиб келар маҳода!*
Тайерман шу дам йироқларга учишга,
Янги муҳиту фазоларни қучишга.
Нечук мафтункор илоҳона бу ҳает!
Бундай ҳаетга лойиқ эмас сендек зот.
Воз кечгин жаҳон қуешидан сен тамом,
Эски ҳаетдан юз ўгиргин, вассалом!
Қопқаларни оч, аяма куч, жасорат,
Токи киролсин ичкари ҳар бир жонзот!
Токи жасорат билан қилолгин исбот:
Гарчи беҳад, беадад илоҳий қудрат.
Дўзаху зулмат олдида қўрқма зинҳор!
Ловуллар дўзах ўти қопқа олдида,
Ҳаял ламай ҳеч олға интилмоқ даркор.
Бермасанг ўша пайт гар ўзингга далда,
Қолиб хавф-хатар ичра бўлурсан адам.

Мозийдан қолган ғилофинг ташлаб бир дам,
Қани, пастга туш, биллурий шаффоф шиша,
Ўйламабман сен ҳақда кўп йиллар оша!
Боболар берган жўшқин зиефатларда
Яшнагансан сен қўлдан-қўлга ўтган он,
Табассум қалққан, эй пиелаи жонон,
Сени сипқорган жиддий қиефатларда.
Ешлик онлари чиқмас едимдан ҳануз:
Базм қурганда маҳмадона, ғаламус,
Бўлмишди одат шеър-ла қадаҳ сипқормоқ,

Бир ҳўплашдаек уни тамом бўшатмоқ.
Энди йўқ сени мендан олувчи ҳариф,
Зеҳним санъатинг ила этилмас таъриф.
Бу шундай майки, мангу маст қилар алҳол.
Ўзим ясадим — мен учун нгудир афзал,
Ноеб ичимлик, шу-чун ичаман жондан,
Гўе келтирмиш салом у гўзал тонгдан!

(Узаҳар тўла қадаҳни оғзига олиб боради)

ҚЎНҒИРОҚ ЖАРАНГИ ВА ХОР ҚЎШИҒИ*
ФАРИШТАЛАР ХОРИ

Шодланинг кексаю норасо,
Азалдан ўлимга маҳкумлар,
Гуноҳга чулғанган мўминлар,
Ер бағрида етган мазлумлар,
Тирилди халоскор у Исо!

ФАУСТ

Ажаб, қандай куй экан мунча дилрабо,
Не кучким заҳар ичишим кўрмас раво?
Наҳот, қўнғироқ овози қилса ногоҳ —
Бизни пасханинг илк соатидан огоҳ?
Шу куй эмасми халоскор дафн бўлган тун
Малаклар дилин этган асиру мафтун?
Дилга тасалли шу куй эмасми асли?
Шу куй-ла бошланмас, наҳот,
Аҳдул жадиднинг илк фасли? *

ХОТИНЛАР ХОРИ

Бўлишиб бизлар парвона,
Суртдик мушки тар росмана
Исодек ҳазрат танига
Ҳам буркаб нафис кафанга,
Кўрсатиб иззат,эҳтиром,
Қўйдик тобутга ўша дам.
Урнида йўқдир шу заҳот,
Е раббим! Қандай мўъжизот!

ФАРИШТАЛАР ХОРИ

Исо тирилди!
Бахтлидир яккаш
Маъшуқ жафокаш,
Кимки кўзда еш
Имтиҳон бўлди!

ФАУСТ

Гоҳ солиб даҳшат, гоҳ мўминтабиат
Самовий саслар, этасиз нороҳат.
Ярашур сизни тингласа тақводор,
Муждангиз — абас, мен эмасман диндор.
Диннинг севимли фарзанди — мўъжизот.
Қувноқ овозлар жаранглаган само —
Бағрин қучишга йўқдир менда тоқат.
Тинглаш бу куйни гўдакликдан одат,
Илк ҳаетимга чорлайди доимо.
Юзда изи бор самовий муҳаббат —
Бўсасин ҳамон; тинч шанба кечаси
Баралла янграб қўнғироклар саси,
«Исо тирилди!» деб қилганди баен.
Роҳатбахш эди муножот ҳам шу он;
Чексиз ғам-ҳасрат дилни чулғаган он
Бўлардим равона ўрмон, ўтлоқтомон.
Ашким оқарди жўшқин даре мисол,
Дердим: кўргазур Янги Дуне висол.
Берди дарак шу куй ешлик чоғидан,
Сўлим навбаҳор — илк байрам тонгидан.
Болалик ҳисси ва ширин хотирот
Юлқиб оғуни бағишлади ҳает.
Янграсин дилбар самовий куй, наво!
Бўлса-да даре кўз ешидан бунед,
Заминда тирик қолур бу бенаво!

ЙИГИТЛАР ХОРИ

Ҳижоб айлаб ҳар тарафин,
Эҳтиром-ла қилгандик дафн.
Тобутин тарк айлаб посбон,
Меърож сари бўпти равона.
Мангу шодлик бўлсин ҳамроҳ,
Бўлсин абад дориломон
Халоскор йўл олган даргоҳ.

Қолсак ҳам ер қаърида боз,
Нигоҳбонсан ўзинг, устоз!
Қолдирсанг-да бизни доғда,
Тўксак ҳамки кўзлардан еш,
Бўлсанг-да гар сен йироқда!

ФАРИШТАЛАР ХОРИ

Фонийлик дунесини
Тарк этиб жовидона,
Топди дорулбақосин
Тирилиб Исо яна!
Узинг асорат
Занжирин абад!
Шодлик ер бўлсин бугун,
Қолмасин дилда тугун.
Қимки сийлаб даҳосин,
Ўқир боз мадҳу сано,
Ким кезиб жаҳонаро,
Узмай севги риштасин,
Яшар мангу дўстона,
Айланг барчани мумтоз,
Зеро биргадир устоз!

ДАРВОЗА ОЛДИДА

(Кишилар сайр қилши учун шаҳар таищарисига чщишмоцда)

БИР НЕЧА ҲУНАРМАНД ЙИГИТ

Хўш, нега энди чиқдингиз ташқари?

БОШКАПАР

Борсак дегандик овлоқ жойлар сари.

БИРИНЧИЛАР

Тегирмон екни қилмоқ бўлдик сайр.

ҲУНАРМАНД ЙИГИТЛАРДАН БИРИ

Тўғон томонга боринг — ажойиб ер.

ИККИНЧИ ҲУНАРМАНД ЙИГИТ

Кенгаш-ку маъқул, йўли ночор фақат.

БОШҚАЛАР
Сенга йўл бўлсин?

УЧИНЧИСИ
Кўпчилик билан қилурман саеҳат.

ТЎРТИНЧИ ҲУНАРМАНД ЙИГИТ
Кўрсангиз кўҳна қаср вайронасин
Топарсиз пиво ҳам қизлар сарасин;
Унда машмаша ҳайратга сазовор.

БЕШИНЧИСИ
Бунча шошмасанг у томонга, шоввоз?
Елканг қичиган сенинг, шекилли, боз?
Кўрмайин асло ўша ерни такрор.

ХИЗМАТКОР ҚИЗ
Йўқ, йўқ! Мен шаҳар қайтмоғим даркор.

БОШҚАСИ
Теракзорда кутар бизни бегумон.

БИРИНЧИСИ
Езилмас барибир дилдаги ғубор;
Сен ила қилган-ку у аҳду паймон.
У сен ила рақс тушажак албат.
Сен шодлансану мен тортсам ҳижолат!

ИККИНЧИСИ
Бугун-чи, дугона, елғизмас бироқ, -
Келар эмиш ўша сочи қўнғироқ.

СТУДЕНТ
Зумрашалар! Яшин дейсан гўеки!
Юр, биродар! Кузатмаймиз наинки!
Аччиқ пиво, ўткир таъмли тамаки
Тушар доим едимга,

Қизи бўлса озода
Хўб еқади дидимга.

ШАХАРЛИК ҚИЗ
Қара, йигитлар-ку келишган чунон!
Афсус, йўқ уларда уяту номус: '
Топилмас, наҳотки, кироЙи жонон?
Оқсоч Хотин кўрса югуришар сўзсиз.

ИККИНЧИ СТУДЕНТ
(биринчисига)
Шошилма! Ана, келмоқда икки жонон.
Қарагин, дўстим, кийинишган хўб нафис;
Бири, оғайни, билсанг бизнинг қўшни қиз,
Уни олганман мўлжалга кўпдан буен.
Ноз-адо бирла келар айлаб хиромон,
Олиб кетайлик бирга, қолмасин армон.

БИРИНЧИ СТУДЕНТ
Сатанглар билан юрсам, хуноб бўлар дил.
Улжамиз қўлдан кетмасин, дўстим, тез бўл!
Шанба оқшоми супурги тутган қўллар
Бугун эркалаб сени, парвона бўлар.

ШАХДРЛИК
Янги бургомистр еқмайди буткул,
Кун сайин сурбетлик қилмоқда ҳоким.
Биз-чун бир эзгулик қилмас ер ютқур!
Билъакс чиқарар шаҳримиз хокин.
Даркор эмиш унга бўлмоқ итоаткор,
Бож, солиқ бобида бирам эҳтиеткор.

ТИЛАНЧИ
Ҳой яхши йигитлар, сулув жононлар,
Лўппи юзу қушдай тоза еронлар,
Тўхтаб сал, ташлангиз менга бир нигоҳ,
Ғаму андуҳимдан бўлингиз огоҳ!
Еқар сизга наҳот мискин афғони,
Бахтлисан — кулдирсанг бир афтодани.

Кишилар-чун байрам бу улуғ айем
Менга ҳам келтирар шодлик бир олам.

БОШКА ШАҲДРЛИК

Еқгирган юмушим байрам пайтида:
Суҳбат курсам нечук турклар юртида —
Кишилар бир-бирин қилмоқца қурбон
Бешафқат шиддатли жангларда шу он;
Сипқориб майи ноб, дераза оша —
Қайиклар сузишин қилсанг томоша;
Уйга қайтсанг суриб сафоли гаштни,
Олқишласанг фароғ ўтган у пайтни.

УЧИНЧИ ШАХАРЛИК

Менинг фикрим ҳам шу бироқ, жон қўшни,
Бу ҳақда ўзлари қотирсин бошни.
Ботмайдими қонга бўлиб вайрона!
Ўзингни бил. Яша тинч, фориғона.

КАМПИР

(шаҳарлик қизларга)

О, қони қайноқ, дилбар қизлар!
Ким севмас сизни, лўппи юзлар?
Бўлмангиз фақат куп ҳам мағрур!
Кўнглингиз топиб қилай масрур.

БИРИНЧИ ШАХАРЛИК ҚИЗ

Юр, кетдик, Агата! Бундай жодугар —
Билан гаплашишдан қиламан ҳазар.
Ўша кампир, билсанг, Андрей тунида*
Кўрсатди бўлажак ерим тушимда.

ИККИНЧИ ШАҲДРЛИК ҚИЗ

Менинг тушимда-чи, ерим бўлди намоен
Биллурдай ойнада, гўе аскар паҳлавон.
Излармишман уни кезиб атрофни ҳайрон,
У-чи, ўгириб юз, турармиш дили вайрон.

СОЛДАТЛАР

Баланд деворли,

Улкан, залворли,
Муҳташам қаср,
Қизлар виқорли
Бизга мангулик
Бўлажак асир!
Кучлидир ғайрат,
Сармоя, сарват!
Бўлажак, албат,
Шоддикка даъват,
Карнаю сурнай
Қилса овоза.
Кўтарсак исен,
Бўйсунар шу он
Қалъаю қўрғон,
Барча ҳур, жонон.
Қиларкан ҳает
Шуни тақозо.
Кучлидир ғайрат,
Сармоя, сарват!
Шу боис, зотан,
Сафдадир солдат.

ФАУСТ ВА ВАГНЕР

ФАУСТ

Далалар узра сўлим навбаҳор
Ташлагач майин, ҳаетбахш нигоҳ,
Бўлмишдир халос муздан сой, анҳор.
Умидга тўлиб кўкарар гиеҳ;
Мадордан кетган кекса қиш такрор
Тоғлар бағрини айлар қароргоҳ.
Тоғдан туриб ҳам сочади захрин
Кўм-кўк ўтлоқлар сари беомон.
Қуешга бермас тоб қишнинг қаҳри.
Баҳор ҳукмрон боқмай қай томон.
Ҳар енда ҳоким — ўсиш, интилиш.
Табиат шуни одат айламиш —
Ки баҳор фасли барча наботот
Қуешдан олур ранг ҳамда ҳает.

Баҳор гуллари яшнамас гарчи,
Кишилар кийган байрамий либос
Гуллар ҳуснига қилгудек қиес.
Бурилиб шаҳар томон қара-чи!
Тор дарвозадан даре сингари
Оқиб чиқмоқда сонсиз оломон.
Нур-зие олмоқ истайди бари,
Тирилган бугун Исодек посбон!
Авом ҳам бугун тирилган зотан.
Биров чиқади сокит хонадан,
Биров косиблар корхонасидан,
Биров сўррайган уй қопқасидан,
Биров кўланса, тор кўчасидан,
Бировлар черков хонақосидан.
Рўшнолик сари интилар ҳамма.
Халқнинг юришин қилгин томоша,
Сайр этишар боғ-роғлар оша.
Даре саҳнини буркапти қайиқ,
Ҳар енда сузар шодон халойиқ;
Ҳу, сўнгги қайиқ зўрға сузмоқда
Сувга ботгудек — юкланган роса.
Либослар порлар узоқ-узоқца,
Кўзлар қамашар, киши қараса.
Қишлоқдан келар халқ бўлиб тумонот,
Дерсан: яралмиш бунда гўе жаннат.
Ҳар енда янграр еш-қари хитоби:
«Шу ерда сездим ўзни инсон каби!»

ВАГНЕР

Сиз билан сайр қилмоғим, ҳаким,
Мен учун буюк бахту саодат.
Мен бунда гумдон бўлардим балки,
Зеро авомдан қиламан нафрат.
Ўйнашиб кегли, чалишиб камон,
Девдан қочгандек солишар уввос.
Жиғимга тегар бари шу замон,
Қўшиқдегани — бир айюҳаннос.

ДЕҲҚОНЛАР

(Лрғувон дарахти тагидарақс ва қўшиқ)

Ясаниб роса, гул қадаб кўксига,
Эгнида камзул чўпон тушар рақсга.
Тақиб тасмасин, кийинганди пўрим.
Азим арғувон тагида аломон
Рақс тушарди телбаларча шу он.
Камон садоси янграр бетиним.
Олға интилиб чўпон йигит бирдан
Туртди қизлардан бирин тирсак билан.
Ортга қайрилиб ўша заҳот қизча
Аччиқ сўзлар-ла қилди гина-кудрат:
«Бўлманг, йигитча, бунча бефаросат,
Ғирт телбаликдир бу қилиқ, менимча!»
Рақс этишар айланишиб чаққон
Йигит ила қиз ўнгу сўлда ҳамон.
Ҳилпирар қўйлак нозик қиз танида.
Тин олар бир пас қўлни бериб қўлга.
Маҳкам епишиб йигит хипча белга,
Тарк этмай сира турар қиз енида.
«Ўзингиз — менга кўп ҳам тутманг яқин!
Биламан қўплар алдар маъшуқасин,
Бўлмас йигитнинг асло ишқ-вафоси!»
Айтмоқ бўлиб роз йигит қизга шу он
Етаклар уни бир хилватгоҳ томон.
Узоқца янфар шўх камон навоси.

КЕКСА ДЕҲҚОН

Жаноб ҳаким, миннатдормиз ғоят,
Шодлигимиз кўриб баҳам шу он,
Сиздек улуғ олим, мўътабар зот
Буюргандир ташриф бизлар томон.
Урин олингдаврадан, марҳабо!
Нўш этингиз май иноб, дилрабо!
Ташналикни босиш эмас, холос,
Мужассамдир унда сизга ихлос:
Гулгун шароб томчилари қадар
Узун қилгай умрингиз муқаддар!

ФАУСТ

Сипқорай майли, майингиз қилиб ҳузур,
Ўзингизга ҳам раҳмат, буюк ташаккур.

КЕКСА ДЕҲҚОН

Ҳўб ажиб иш бўлди, эй муҳтарам жаноб,
Шод айемни баҳам кўрмоқдамиз шу тоб;
Тушганида бошга машаққат, мушкулот,
Бошни қотиргансиз ўшанда ҳам албат.
Тарқалганда элда безгак деган бало,
Тирик қолган инсон боласи дадангиз —
Қўлидан топганди муолажа, даво.
Сиз ўшанда ҳали еш йигит эдингиз,
Мушфиқ дадангизга бўлиб дастер, ҳамкор,
Бешумор беморлар берганда ҳам жон
Сиз барча синовдан ўтардингиз омон.
Ўшанда англадим: эй ҳакими пуркор,
Халоскор учун ҳам бор экан халоскор.

ҲАММА

Соғлик тилаймиз шифокор эрга,
Токи кўп хизмат қилгай у элга!

ФАУСТ

Парвардигорга қилингиз таъзим,
Ўша — халоскор, барчадин азим.

(У Вагнер билан юришда давом этади)

ВАГНЕР

Авом кўрсатганда иззату эҳтиром,
Ажиб сезаркансан ўзни, эй улуғ зот!
Бахтиердир киши — ундаги истеъдод
Бахш этса афзунлик, обрў ва улуғ ном!
Ота кўрсатаркан сизни ўғлига бот,
Билмоқ бўлиб сизни интилар у ҳамон —
Раққос қилар рақсин тамом, тингач камон.
Сиз кетмокдасиз, улар туриб сафга,
Суюнгандан бўркин ирғитар осмонга.
Сал қилсангиз токат, қилардилар таъзим,
Файзиеб кишидек саклаб табъ-тавозеъ.

ФАУСТ

Озгина юрайлик, ҳў, кўринган тош —
Устида ўтириб қилурмиз роҳат.
Ўтирардим шунда тўкиб кўздан еш,
Тегарди жонимга рўза, ибодат.
Гарчи умид — собит, қатъий — эътиқод,
Ва лек гоҳ ўй, фаред, руҳ тушиб нохос
Вабодек балодан бўлмоқ-чун халос,
Кутардим Тангридан шифо ва нажот.
Киноя-ку нуқул ҳалқнинг олқиши!
Агар ўқий олсанг дил асрорини,
Билсанг ота-бола кирдикорини,
Арзимас шарафга улар қилмиши!
Узлат қилиб ўзни отам камтарин,
Билганимча, албат, айтай тўғрисин
Ўрганарди само, табиат сирин.
Чексиз усулларга қилиб риоя,
Кишилар дардига топмоқ-чун даво,
Сокит бир хонани қилмишди маскан,
Тажриба қиларди у эринмасдан.
Кимегар аҳлига бўлса-да мансуб,
Самара бермасди қуруқтаассуб.
Қизил шер* аталмиш йигит ўшанда
Нилуфар* аталмиш бир жонон ила
Маълум бир меъерда ўтиб никоҳдан
Қуев тура қайнаб обдон келин-ла,
Ўтарди хонадан хонага шу он.
Рангин бир қоришма бўларди бунед,
«Малика» * деб номин қилардилар ед —
Аталарди ўша дорию дармон,
Лекин ундан ҳеч ким топмасди нажот.
Бу водий ва тоғлар бағрида, ҳайҳот,
Қанчалар ҳаети бўлганди ғорат.
Шифо дея номин, берганмиз оғу,
Инон, вабодан ҳам қаттол эди у.
Шуларни эсласам, бўламан хуноб:
Наҳот, жирканч қотил мақталса шу тоб!

ВАГНЕР

Наҳот шунинг учун ботса киши ғамга!

Мард йигит сабот-ла оширар амалга
Неки санъат қолмиш отадан ўғилга!
Бўлсанг гар отангга чиндан содиқ ўғил,
Бўлса сенда унинг илмига эҳтиром,
Унинг лаеқатли меросхўри бўлғил;
Ўғлим етсин десанг эзгу ниятига,
Лутф айла донишлар жамиятига.

ФАУСТ

Наҳот, бор жаҳонда шундай бахтиер инсон —
Ғалат уммонидан чиқмоғига ишонган?
Неники ўргандинг, ўшанга йўқ эҳтиеж,
Неники билмасанг шунга бўлурсан муҳтож.
Қўй, дўстим, бизга шу эзгу дам ўзи роҳат,
Ғамгин хаелларга ботмоқдан айт, не ҳожат?
Нечук жилоланар, қара, қуеш тафтида
Қад кўтариб уйлар яшил ўрмон ортида!
Кун ўтмоқда — қуеш эса елмоқда ҳамон.
Жонзотга бахш этиб ҳает елар уфқтомон.
Қанотим бўлсайди, учар эдим шу замон,
Елардим — самода елган офтоб ортидан.
Кўрсайдим дунени мангу тун шафағида,
Нечук жилоланар чўққилар тун чоғида,
Гўзал водий, воҳа — сокин нафас олганин,
Кумуш сойларнинг зар сочиб, жўшиб оққанин;
Илоҳий оқимни тўса олмас ҳеч қачон
Тоғлар бағрин ериб оққан даре ҳам, инон.
Кўз ўнгимда шу пайт — қолганимда лол, ҳайрон,
Чайқалса дафъатан кўрфази бирла уммон.
Қуеш гўеки ер томон тушмоқда, қара,
Орзуларим туғен уриб қалбда ногаҳон,
Чулғар бир эҳтирос, бермай осойиш сира:
Қолса дейман ортда — зулмат, олдда бўлса кун,
Тепамда ложувард осмону пастда тўлқин;
Хаел учқурлиги биз-чун туғма истеъдод,
Жисмонан маҳруммиз — йўқ қанотимиз, ҳайҳот!
Ҳис-туйғулар само бағрини ермоқ бўлар,
Курсам дер зангори осмон қўйнида улар:
Шўх тўрғайнинг завққа тўлиб куй таратганин,
Бургутнинг эманзор узра парвоз этганин,

Сайҳонлар, денгизлар узра эркин турналар —
Саф тортиб ўз юрти сари учиб ўтганин.

ВАГНЕР

Менда ҳам туғилар орзулар тез-тез,
Лекин бундай ҳавас ет менга ҳаргиз.
Сайҳонлар сайри ҳам бўларкан абас,
Қушлар қанотига қилмайман ҳавас.
Шод бўлурман руҳан, ўқисам китоб,
Саҳифалар ўтса айлабон шитоб!
Қиш тунлари ўтар хушнуд ва дилбар
Бағишлаб асабга ўзга бир ором.
Бошим самоларга етгандек бўлар
Пергамент ўрамин ейганда ҳар дам.

ФАУСТ

Сенинг наздингда ҳоким битта эҳтирос;
Бошқасин билай деб қила кўрма ҳавас!
Менинг сийнамда икки қалб қилишар баҳс;
Бири-биридан, оҳ, бўлмоқ истар жудо:
Бирида зуҳур этар дунега ҳирс, нафс,
Бири боболар қонин қилиб эҳтиром,
Она-ер бағрин айламиш ўзига ком.
Замину осмон аро тумонат қадар
Малоикалар, парвоз қилдингиз етар.
Тушинг пастга, тарк этиб муаттар ҳидни,
Янги ҳаетга бошлаб, шод этинг бизни!
Қанийди бўлса тилсимга бой бир ридом,
Бегона эллар сари учардим шу дам!
Бўлсайди ўша бебаҳо либос шу тоб,
Бўлмасди унга қиес шоҳона кимхоб.

ВАГНЕР

Қўй, чорлама ўша руҳлар галасин,
Ушалар-ку, ахир, туманлар оша
Одамзотга солар таҳдид, ваҳмасин,
Келтириб ҳар ендан хатар ҳамиша.
Шимолдан келтирар совуқ, изғирин,
Жанубдан кўрсатар оғули тилин;
Келса улар шарқдан, қовжирар борлиқ,

Уларнинг дастидан енади куксинг,
Гоҳ жануб офтоби бўғар нафасинг.
Бошингни ендирар гўе чўғ еник.
Сарин ғарб елидан еришганда дил,
Сел, тошқиндан бўлар барбод ўтлоқ, қир.
Жон деб қулоқ осар бўлса шум ахбор,
Афсуски, аддашар бизни боз, такрор.
Самовот элчиси атаб ўзларин,
Фариштадек майин қилар сўзларин —
Кетсак бўлар оқшом қўнар оламга,
Тун совиб, туман ҳам тушмоқца чоғи,
Тунда билинар уй қадри одамга —
Ажабо, ҳайратда қолдинг, намунча?
Недир мафтун этар сени тун чоғи?

ФАУСТ

Кўрдингми, ху, қора итнинг*
Далада дайдиб юрганин?

ВАГНЕР

Аллақачон кўргандим уни,
Лек сезмадим муҳимлигини.

ФАУСТ

Қараб олгин обдон,
Не деб ўйларкансан
Сен бу жониворни?

ВАГНЕР

Бу бир бароқ ит, афтидан,
Чопар хўжаси ортидан.

ФАУСТ

Қинғиру қийшиқ бир доира бўйлаб,
Қара, биз томон югурар ҳаллослаб.
Адашмасам, у босиб ўтган йўддан
Ўтли бир қуюн кўтарилар шу он.

ВАГНЕР

Менинг кўрганим — бароқ ит, холос,

Кўзингиз чалғир, эҳтимол, устоз.

ФАУСТ

Чамамда, унинг сеҳрли илон изи
Жалб қилар мажҳул бир тузоққа бизни.

ВАГНЕР

Икки ет кишини кўргач жонивор,
Ортимиздан қўрқа-писа югурар.

ФАУСТ

Ана, тобора торайиб доира,
Яқинлашмоқда биз томон, қара!

ВАГНЕР

Шарпа эмас, у оддий бароқ!
Ерга қорнин бериб етиши
Дайдиб юриш, дум ликиллатиш —
Итлигидан беради дарак.

ФАУСТ

Кел бу еққа! Бўлгин бизга ҳамроҳ!

ВАГНЕР

Ажиб жонивор экан бу бароқ.
Бир жойда турсанг, кутиб тураркан,
Атаб чақирсанг югурар экан.
Йўқолса бехос бирор нарсанг,
Топиб келишга у доим тайер.
Таёғинг агар сувга ташласанг,
Ортидан ўзин ташлар жонивор.

ФАУСТ

Сен ҳақ; йўқ унда руҳдан зарра нишон,
Ростдан ҳам уни роса ўргатишган.

ВАГНЕР

Курган бўлса гар ит яхши тарбия,

Доноларни ҳам қиларкан маҳлие.
Бирор толибдан олган у тарбият,
Арзир кўрсатсанг унга сен мурувват.

(Улар шаҳар дарвозаси томон юрадилар)

И Ш Х О Н А С И

ФАУСТ

(Барок ит билан бирга ичкарига киради)

Зим-зие тун пардасига бурканган
Ўтлоқ, дала — барчаси қолди ортда.
Карамат ли бир туйғу уйғонаркан
Қалбимизда шундай дилрабо пайтда.
Интилишлар, истаклар бўлиб барбод,
Сўнар экан телба ҳислар тоабад.
Ва лек яшар боз инсонга муҳаббат,
Яшар дилда Илоҳимга муҳаббат.

Жим бўл, бароқ! Бўлма кўп бесаранжом!
Этдими е остона ўзига ром?
Сенга берай майин болишим, ма ол,
Печь ортида ухлайвер тинч, бемалол.
Эсингдами, ўша тоғ сўқмоғида
Чопиб, сакраб қолдирдинг бизни ҳайрон.
Каминанинг камсуқум пучмоғида
Бўлурсан энг азиз ва матлуб меҳмон.
Бизнинг бу тор, ҳазин қулбахонада
Еқимли нур сочиб чироқ енганда
Рўшнолик касб этар нотавон кўнгил.
Юрак қурғур сезаркан ўзин енгил,
Киради боз ақлу фаросат тилга;
Киради боз умид ғунчаси гулга,
Қўмсалади ҳает жилғаси тағин,
Қўмсар экан киши ҳает булоғин.

Ириллама, бароқ! Қалбим тўридан
Илоҳий оҳанглар жой олган шу он
Ҳайвонча ириллаш бўлмас ҳукмрон.

Неники тушунмас инсон, одатан,
Ростини айтсам, ҳўрлар беомон.
Оғир юк деб мудом зорланар инсон,
Зорланарми ит ҳам бамисли инсон?

Афсуски, қанча интилмасин одамзод,
Туғен ургач қалб тополмаскан фароғат.
Ҳает булоғи оқмас, наҳот, лаболаб?
Етамиз токай бўлиб бунда ташналаб?
Ҳает тажрибам берур ердам, эҳтимол.
Давосин топмоқ бу дарднинг эмас маҳол.
Мадҳия этмоқ бўлиб илоҳ отини,
Қўмсаймиз мудом унинг зуҳуротини.
Аҳдул жадидда унга мадҳия бироқ
Битилмиш эрур чин нусхасин бир бора
Ўгирсам дейман ҳалол ҳис-туйғу билан,
Қутлуғ китобни бутун борлиғи билан,
Ўзимнинг латиф олмон тилимга зора.

(Укатта китобни очиб, таржима кила бошлайди)

«Даставвал мавжуд эди сўз!» * — деб битилган унда,
Недир қилар монеълик, зиддият бордек бунда.
Сўзни кўкка кўтариб мадҳ этолмайман зинҳор,
Руҳан еришиб роса, сўнгра ўгирмоқ даркор.
«Дастлаб фикр бўлганди» деб езилган китобда.
Илк мисранинг мазмунин ўйлаб кўрмоғинг даркор,
Шошилмасин қаламинг, эҳтиет бўл шу тобда!
Тафаккур-ла яралган наҳот барча мавжудот? *
Езилмоғи шарт бешак «Мавжуд эди куч-қувват!»
Нега энди чеклансам, шундай дея езароқ,
Недир қилар безовта, ажабо, мени шу чоқ.
Далда берар дилимга бирдан ақлу фаросат!
Езаман шунда дадил: «Мавжуд бўлган ҳаракат!»

Кўп ғингшимасанг-чи, бароқ,
Увламасдан етгин, бундоқ!
Хонани бўлиш зарурдир, эҳтимол.
Бирга яшамоқ, билсанг, амри маҳол,
Гар бўлса биров ишимга тўғоноқ.

Меҳмон ҳуқуқин рад қилмоғим душвор,
Ростин айтсам бароқ,
Уйни сен е мен тарк этмоғим даркор.
Эшик ланг очиқ, чиқ, уялма, қўноқ.
Ажабо, қандай мўъжиза бу ўзи!
Наҳот алданса шу он киши кўзи?
Бу хаелотми еки чин ҳақиқат?
Бароқ ўсмоқда чиндан эн-бўйига,*
Бундай ҳол келмас одамзод ўйига.
Йўқ унда мутлоқ махлуққа хос хислат!
У қандай баҳайбат!
Қандай иблисни бошлаб келдим, ҳайҳот!
Даҳшатли — жағи, ўтдай чақнар кўзи —
Нақ бахмуднинг ўзи.
Сенинг кимлигинг аендир менга хўб!
Сендек дўзахий зотларни, эй иблис,
Қилур Сулаймон ҳикматлари* мағлуб.

ЖИНЛАР

(даҳлизда)

Бир дўстимиз тушипти маҳбус,
Кириб бўлмас енига афсус!
Тузоқцаги бир тулки барин
Типирчилар ичда кекса жин.
Қилинг энди бирор иложин,
Не бўлса-да, уни қутқаринг!
Пасту баланд қилингиз парвоз,
Токи кекса жин бўлсин халос!
Қутқазишнинг топинг йўлини,
Чўзинг унга ердам қўлини!
Билсангиз гар, у муҳтарам зот
Кўрсатгандир бизга илтифот.

ФАУСТ

Учратсам агар бирор ҳайвон зотин,
Ишга соламан тўрт унсур ҳикматин:
Саламандр* — енмоғи,
Ундида* — тўлғонмоғи,
Сульфиданинг* кўздан ғойиб бўлмоғи,
Даркор эрур кобольд* меҳнат тортмоғи.

Ким агар билмас
Моддалар сирин,
Кучин, хоссасин,
Ҳоким бўлолмас
Иблису жинлар
Устидан зинҳор.
Ловуллаб ўт сочсанг-чи,
Саламандр!*
Даре каби жўшсанг-чи,
Ундида!
Юлдуздек нур сочсанг-чи,
Сульфида!
Уйни ердамга чорла,
Инкубус! Ҳой Инкубус!
Кўрсатгин куч-шижоат,
Бўлсин гумдон шайтонзот!
Тўрт унсурдан ҳеч қачон
Махлуқда бўлмас нишон.
Кўрсатиб тишин оқин,
Ғингшийди менга тағин.
Айт-чи, шайтон — беҳае,
Хафамисан мендан е?
Сезмайсан, наҳот,
Нечук қилурман сени
Афсун шу заҳот?
Ҳей баттол — шоввоз,
Дўзах қувғини
Сен бўлмагин боз?
Солгин мана бу
Белгига разм,*
Иблиси лаин мангу
Қилади унга таъзим!
Даҳшат солди шекилли,
Ҳурпаймоқда жунлари.
Уқий олурсан уни наҳот,
Алайҳилаъна, дўзахий зот?
Яратмиш уни ҳақ таоло,
Зикр этилмас кибр, ҳаво-ла.
Кезиб чиқмишдир коинотни,
Билурсан наҳот

Куфрона чормих бўлган зотни?
Бекиниб печь орқасига, қара,
Ўсмоқда у фил каби тобора.
Уйга сиғмай кетса-я, ажабо,
Туман бўлиб тарқалар, ғолибо.
Ўрмалама шипга томон, ҳайвон!
Эгил устоз оеғига шу он!
Билгин, эмас таҳқидим беҳуда,
Ендираман аланга ичвда!
Кутма асло,
Уч муқаддас аланга шафқатин!*
Кутма асло,
Бундан кучли синоат ҳикматин!

МЕФИСТОФЕЛЬ

(Туман тарқалиб, печь ортидан сайеҳкийимида бир толиб (шогирд) чщади)

Нечун шовқин? Жаноб хизматин
Адо этмоқ-чун ҳозирман шу он!

ФАУСТ

Итнинг сири бўлди-ку аен!
Саеҳатчи толибман, дегин,
Воқеа заб кулгили лекин.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ихлосим баланд ўқимишли эрга!
Авраб росмона ботирдингиз терга.

ФАУСТ

Хўш, исминг нима?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Бундай бачкана савол
Сиздек сўз қадрин билмаган зотга увол.
Зоҳирпарастлик одати сиздан йироқ,
Сизни жалб этар модда мазмуни бироқ.

ФАУСТ

Билмоқ учун сизда нарсалар моҳиятин,
Кифоя — ўқимоқ уларнинг зуҳуротин.
Равшанроқ бўлади намоен, алалхусус,
Олганда сизлар ном: елғончи, иблис, евуз.
Қани, айт-чи, менга нимадир сенинг отинг?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Нияти мудом евузлик, адоват,
Лекин эзгулик ишқида риезат
Тортувчи кучнинг бир қисмиман фақат.

ФАУСТ

Бу жумбоқ замирида
Борми бирон ҳақиқат?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Мен борлиқни инкор этувчи руҳман!
Ҳақлиман этишга инкор тамоман
ГТайдо бўлаетган мавжудотни ман.
Неки мавжуд — бари бўлади барбод,
Кошки бўлмасайди ҳеч нарса бунед;
Сиз билган евузлик, увол, қабоҳат,
Билсангиз, ҳаммаси — менга хос одат.

ФАУСТ

Сен ўзингни бир қисм этдинг баен,
Нега энди бутун бўлиб турибсан?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Бор ҳақиқатни этмоқдаман мен баен.
Митти телбалар дунеси бўлган инсон
Узин бутун деб ҳисоблайди одатан. —
Мен бир қисмнинг қисмиман дедим, холос,
Дуне ҳам шундай бўлганди азалдан зотан.
Мен борлиқ учун рўшнолик ато этган —
Зулумотнинг* бир кичик қисмиман, холос.
Мағрур рўшнолик энди туннинг онаси —

Зулмат-ла баҳс этар келса хонаси.
Иши ўнгмайди ҳеч интилса-да гарчанд,
Жисм юзасин еритади у аранг.
Ўтиб жисмдан жисмга толар нажот.
Бўлмаса агар жисм деган мавжудот,
Имоним менинг комилдир, кўп ўтмагай
Нур ҳам жисмдек таназзулга юз тутгай.

ФАУСТ

Евуз ниятинг бўлди менга аен!
Бутун борлиқни қила олмай нобуд,
Майда нарсага солмоқдасан човут.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ҳанузгача ҳеч бир кор бўлмаетир ҳал.
Бу йўқлик оламига монеълик — абас,
Нени қилмайин унга нисбатан мўлжал,
Кела олмадим сира лаънатига бас.
Қуриб кетсин бу телба дуне одати
Бор экан ҳар нарсанинг мухолафати.
Этмади унга таъсир тошқин ва енғин
Ҳатто довул, зилзила солмади қирғин.
Ҳайвон ва инсон деган бало, касофат
Ҳамон яшнар безавол, кўрмай ҳалокат.
Турар ҳамон осуда денгизу қирғоқ,
Йўқдир наҳот уларга бирор тўғаноқ!
Қирсам ҳамки жонзотни, бўлса-да гумдон,
Ва лекин томирларда жўшиб оқар қон!
Шундай қолса лаънати топмайин завол,
Ҳавода ҳам, сувда ҳам топади камол.
Этолмас унга таъсир қурғоқ, рутубат
Иссиғу совуқца ҳам топади нажот.
Бўлмасайди гар ўтда яшашга қудрат,
Қолмасди зинҳор мен-чун яша]дга ҳожат.

ФАУСТ

Инсон деган у — заҳматкаш, мўъмин,
Тинмай қилади ижод ва меҳнат.
Кўрсатиб, иблис хунук муштумин,

Сен нечун унга ўқийсан лаънат?
Топгин киройи машғулот энди,
Эй зулумотнинг телба фарзанди!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Бу борада обдон ўйлашимиз даркор.
Мулоқот қилурмиз биз ҳали неча бор!
Кетишга ижозат этарсиз, эҳтимол?

ФАУСТ

Сўрашга ижозат борми ўзи ҳожат?
Сени таниб олдим мен энди бемалол,
Келиб тур, албатта, зарур бўлган заҳот.
Мана деразам ҳам, эшигим ҳам очиқ,
Чиқай десанг, мана, мўримиз ҳ<м очиқ.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Чиқмоқ истайман ҳозироқ, аммо
Бўсаға узра турган у оеқ*
Чиққани қўймас бўлиб тўғаноқ.

ФАУСТ

Даҳшат солдими пентаграмма?
Айт-чи, уни, эй дўзахий банда,
Наҳот кўрмадинг уйга кирганда?
Нечук алданди экан шундай зот?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Қаранг, нотўғри қўйилган, дарҳақиқат,
Унинг бурчаги дала томон қийшайган,
Кўриб турибсиз бир ени очиқ қолган.

ФАУСТ

Ажойиб бир тасодиф бўпти содир!
Демак, сен бўлипсан-да менга асир?
Ишнинг ўнғай келгани шу-да, ахир!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Кўрмапти бароқ қурғур ҳеч нарсани

Журъат этганда ичкари киргани;
Энди-чи, жидций бир тус олиб аҳвол,
Уйдан чиқолмас шайтон дарҳол.

ФАУСТ

Деразадан ҳам чиқавер, майлига!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Қонундир арвоҳ ва шайтон аҳлига
Қайдан кирган бўлса шу жойдан чиқиш.
Кириш бемалолу маҳолдир чиқиш.

ФАУСТ

Дўзахнинг ҳам қонуни
Бор дегин ҳали?
Бу одатингиз,
Эҳтимол, кўмаклашур,
Сиз жаноблар-ла
Битим тузгали?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Неки бўлур ваъда, қилгин қаноат,
Камаймас у билан ҳеч нарсанг, албат.
Тушунмагин буни мухтасар, саез,
Обдон муҳокама қилсак, бўлур ҳал
Ҳар қандай муаммо ва ҳар бир чигал.
Ўтиниб қиламан сендан илтимос,
Банди қилмай, қўйиб юборсанг бу гал.

ФАУСТ

Кетмай тургин, тағин бир фасл,
Сўзлаб бергин бир қисса — асил!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Қайтиб келурман тезда, қўйиб юборгил!
Қанча саволинг бўлса ўшанда бергил.

ФАУСТ

Сени таъқиб қилиш эмасди комим,

Ўлжа қилди нетай тасодиф домим.
Тутсанг гар шайтонни, қўйма тоабад!
Зеро бермас сенга тутқич у минбаъд.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Сенга маъқул бўлса, бас, мен розиман
Қолиб сен-ла улфатчилик қилишга;
Шарт: муносиб ўтсин десанг ҳар бир он,
Сарфла уни санъатим ўрганишга.

ФАУСТ

Кўрсат ҳунаринг, - қилурман ҳавас;
Санъатинг дидга манзур бўлса, бас!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Онг-шууринг ўсар шу қисқа сонияда
Йил бўйи ҳаетдан олганингдан зиеда.
Жилвакор жинларим куйлаган қўшиғу куй
Туғдирар сенда, дўстим, янги тафаккур ва ўй.
Улар тавсиф этган гўзал, нозик тимсоллар
Эмас жодугарлик е тилсимлар ўйини.
Тингла, улар куйин, қўшиғин қона-қона,
Бутун танинг бўлар дилбар куйдан мастона.
Жавлон урар сенда ҳам туйғулар исени.
Келингиз, жинларим, ҳозирлик қуриш шартмас,
Бошлайлик куйлашга биргаликда басма-бас!

ЖИНЛАР

Йўқолсин ўша
Тира гумбазлар!
Бўлсин намоен
Зангори осмон!
Бўлсайди гумдон
Кўздан, хў, ўша
Қора булутлар —
Машъум галаси!
Юлдуз порласин,
Порласин тағин
Қуеш жилоси.
Жасур ўғлонлар,

Руҳан гўзаллар,
Камалак мисол
Этингиз парвоз,
Кўрайлик висол,
Қўйишиб ихлос.
Ҳилпирасин боз
Ҳарир у либос
Ўлкалар узра,
Маъшуқлар теран
Хаелга толган
Кўшк-айвон узра.
Улансин шу он
Кўшк кўшкка масрур!
Донлар ниш отган,
Узумлар пишган
Обдон, бекусур.
Жойлансин хумга
Қиемга етган
Сафолишира.
Бамисли даре
Қуйилсин жомга.
Бижғиб мусаллас
Қучсин мусаффо
Тошлар бағрини,
Ташлаб ишкомин,
Оқсин кўл томон;
Кўм-кўк тепалар
Гуллайди шундан,
Жаннатий қушлар
Оромда шундан.
Яйрашиб чунон,
Учишар эркин
Қуе'шга томон.
Учишар сокин
Ороллар томон.
Тўлқинлар оша
Қилиб томоша,
Қуйлашар шодон.
Ўтлоғу сайхон
Ичра баралла
Янфар рақс, ялла.
Зирвалар сари

Интилар биров,
Зилол кўл сари
Елмоқда биров.
Барчаси — бари
Қилади парвоз
Ҳает сари боз,
Йироқ-йироққа —
Эзгулик сари,
Севган юддузи
Порлаган еққа.

МЕФИСТОФЕЛЬ

У уйқуга толди! Бўлди хўб ажаб!
Ухлатдингиз уни роса аллалаб!
Мақомингиз учун мамнунман ғоят.
Сен ғўрсан қилмоқ-чун шайтонни тутқун!
Айланиб гирдида куйланг шу заҳот,
Ширин хаелларга чўмсин бус-бутун.
Хаелот нахрига бўлсин ғарқ, майли;
Бўлсайдим каламуш тишига молик,
Ифлос остонасин ғажирдим бутун.
Каламушни ахир, осон-ку авраш,
Эшитса сўзимни қилади қараш.
Каламушу кана, чивину сичқон,
Бақаю битларнинг худоси шу он
Қилар сизга амр: «Чиқинг бу еққа,
Лаънати афсункор бу бўсағани,
Қани, тезроқ ғажинг ерланган жойни,
Шипга қаранг, мени ташқари еққа
Чиқиб қолган бурчак этмишдир банди,
Бир ғажисангиз бас, бўлурман халос!»
Кўришгунча хуш қол, афсунгар Фауст,
Яхши тушлар кўриб етавер энди!

ФАУСТ

(уйғониб)

Наҳот, алданган бўлсам бу гал тағин,
Наҳотки, тинган бўлса куй ва шовқин?
Наҳот, бўлса бу шайтон васвасаси
Қочиб қолсин деб ўша итваччаси?

ФАУСТНИНГ ИШХОНАСИ

ФАУСТ ВА МЕФИСТОФЕЛЬ

ФАУСТ

Ким экан эшик қоққан? -
Кир, хўш, не шикоят бор?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Бу менман.

ФАУСТ

Қани, киргин!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Уч бор айтмоғингдаркор.

ФАУСТ

Тортинмай кираверган.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Гап бу бўпти-да, ахир!
Аминман битим тузажакмиз ўзаро!
Ғаму ғуссангни юволсам зора-мора,
Уйлайманки, мен бунга тамоман қодир.
Мана, елкамда ялтирар олтин либос,
Қизил ипакдан бўлган ридом нечук соз!
Бўркимда хўроз пат турибман мағрур,
Енда осилган ўткир тиғли бир шамшир.
Сенга ҳам шудир маслаҳатим мухтасар:
Ажиб бўларди шундай кийинсанг агар.
Бекор ўтган ҳар кунинг-чун ачиниб сўнг,
Билиб олардинг ҳаетнинг нималигин.

ФАУСТ

Нечук кийинмай мен ожизу забун,
Сезаман чалкаш бу ҳает азобин.
Бошда кексалик нуқул яйрай десам,

Ғўрлик бўлурди беўй яшай десам.
Нени қиларкин шум фалак армуғон?
Бардош бермоғинг даркор фақат, инсон!
Ҳает деганинг мангу бир куй экан,
Ҳар бир қулоққа тинмай чалинаркан.
Инсон яшаркан бу фоний жаҳонда,
Куйланар шу куй ҳар соат, ҳар онда.
Мудҳиш ҳолатда уйғонаман ҳар тонг,
Чарх уриб ҳар кун ўтса ҳамки такрор,
Ягона орзум ушолмас ҳеч қачон.
Шу боис шояд кўзда еш шашқатор.
Бирор омаддан шод бўлганда киши,
Бевафо дуне қилар ундан жудо.
Тўғаноқ бўлар турмушнинг ташвиши,
Ҳаттоки тун ҳам ўтмайди осуда:
Мажбурман тағин тун уфққа чўккanда
Тунашга қўрқиб, чўчиб бу маконда.
Асов туйғулар дилга даҳшат солиб,
Роҳат-фароғат ҳеч бўлмайди насиб.
Қалбимда яшаб ҳатто парвардигор
Бўлолмайди мен мискинга ғамгусор.
Ботиний қудрат устидан ҳукмрон —
Зоҳиран қолмиш ул илоҳ ҳам ҳайрон.
Тириклик мен-чун дунеда оғир юк.
Ўлим қўмсайди мени ҳар дам, ҳар он,
Аммо ҳаетнинг кургани кўзи йўқ.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Улим деган бўлмас ҳеч қачон
Ахир азиз ва матлуб меҳмон.

ФАУСТ

Бахтлидир, кимки мотам гулларин тақса
Айни зафардан шуҳрат топган чоғида.
Бахтлидир киши шўх раксдан сўнг топса
Уни ўлим бир жонон қиз кучоғида!
Кошки қудратли руҳ олдида ўша он
Эгсайдим бошим ўлимга мен беармон!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Лекин кимдир ўша тун сипқормаганди
Оғу дея қўнғир тусли ул ширани!

ФАУСТ

Жосуслик қилмоқ, шайтон,
Сенга шодликдир, афтидан.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ҳар нарсани билмасам-да,
Воқифман кўп нимарсадан.

ФАУСТ

Гарчи мени қўпдан таниш бир нидо **
Этди халос машъум макру афсундан
Ҳамда гўдакларча маъсум туйғудан.
Ўша қувноқ ондан хелтирди садо,
Лаънатлайман неки кўнглимиз ҳар он
Тортар ўзига минг найранги билан,
Неки бошлар бизни ғамхона томон,
Назокату турфа хушомад билан!
Хаелим чалғитган ўша шум арвоҳ —
Юксак фикрига ҳам ўқийман лаънат!
Фикримиз банд этган ўшандай гумроҳ
Руҳ васвасасига ўқийман лаънат!
Риекорлик ила дилни банд этган
Шуҳрат жилвасига ўқийман лаънат!
Гоҳ хотин, гоҳ фарзанд, гоҳ қаролсифат
Бизни ўз домига алдаб жалб этган
Молу дунесига ўқийман лаънат!*
Густоҳона кор-ҳол сари бошлаган
Олтин деган сариқ иблисга лаънат!
Гарчи гоҳо бизга илҳом бахш этган,
Бағишлайди гарчи ҳузур-ҳаловат,
Лаънат ўша узум ширасига ҳам!
Лаънат ишқ-муҳаббат жилвасига ҳам!
Лаънат барча умид, эътиқодга ҳам,
Лаънат дейман ўша сабр-тоқатга ҳам!

ЖИНЛАР

(кўзга кўринмай)

Ҳайҳот! Ҳайҳот!
Чўнг қўлингдан, эй одамзот,
Бу шан олам
Бўлмиш вайрон, барбод тамом;
Ана, кўр, у қуламоқда!
Инсон деган ярим худо
Этмиш уни вайрона,
Елкамизда у, элтамиз
Дайри фано, адам томон,
Маҳв бўлди деб гўзал ҳает,
Қилажакмиз биз шикоят.
Қудратли ер паҳлавони,
Қайта бошдин тикла уни,
Бўлсин тағин шан, пурвиқор.
Бошла сўнгра янги ҳает,
Ерқин шуур ила мағрур
Янграб қўшиқ, куй тоабад,
Қолмасин ҳеч дилда ғубор!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Булар кичкинтойларим,
Жажжи эркатойларим.
Қулоқ ос маслаҳатга,
Чорлайди жасоратга!
Қулоқ ос каломига,
Бахш этиб май, шарбатдан,
Халос этмоқчи сени
Танҳолик ва узлатдан.
Элтмоқ истарлар сени
Тафаккур оламига.
Умринг эгови бўлмиш бу ғамхона.
Кел, тарк эт уни, яйра қона-қона!
Балки уқтирар сенга чиркин ҳает
Ауе одамсиз яшолмас одамзот.
Ниятим, билсанг, эмасдир разолат,
^змасин дейман сени ҳам жаҳолат.
^масман, ахир, улуғларга мансуб;
Менга қўшилсанг, дўстим, бўларди хўб.

Ташласанг бирга гар қадам ҳаетга,
Тўларди дилим таскин, ҳаловатга.
Сўнг бўлиб сенинг чин дастеринг дарҳол,
Дўндирардим ҳар юмушинг филҳол.
Бўлардим сенга содиқ қулу қарол.

ФАУСТ

Хўш,бунинг-чун нима қилмоғим даркор?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Бунинг учун сенинг талай вақтинг бор.

ФАУСТ

Йўқ! Йўқ! Шайтон деган бўлур худбин зот,
Келтирмас ул асло бировга фойда,
Беҳуда, беғараз қилмайди хизмат.
Шартингни хуфия қилмай айт қўй-да;
Бундай қул хавфлидир уй учун ғоят.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Надиминг бўлайин дуне тургунча,
Измингдан чиқмасам дейман ўлгунча.
Нариги дунеда топишсак агар,
Хизматим қилурсан адо сарбасар.

ФАУСТ

Нариги дуне деб бўлмайман дилгир;
Гар қилсанг ҳамки бу дунени барбод,
Бошқаси лобид бўлажакдир бунед.
Шодлигим, бироқ, шу дуне, табиат,
Қуешдан малҳам топади жароҳат;
Еру қуешдан бўлсам агар жудо,
Нимарса воқе бўлса бўлсин шунда.
Парвойим бўлмас менинг, дарҳақиқат:
Бўлурми биздан сўнг ҳам севги, нафрат,
Бўлурми бошқа оламда у замон
Ҳам ҳозиргидек кенг замину осмон.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ийманма, киргин сўзимга, қил журъат,
Тузайлик битим, таклифим қилма рад.

Кўриб санъатим шод бўлурсан тамом,
Воқифмас бундан, билсанг, бани одам.

ФАУСТ

Нелар қилурсан ваъда,эй шайтонзот?
Ижод-ла машғул бўлган инсон руҳин,
Унингдаҳосин
Тушунолсанг, наҳот?
Тўйдирмас қорин
Сен берган ноз-неъмат.
Турмайди қўлда, йўқолур шу заҳот
Бамисли симоб сен берган олтин, зар.
Сен қурган ўйин беютуқ, бесамар.
Берган қаллиғинг, гар бўлмасам огоҳ,
Қўшни йигитга зимдан ташлар нигоҳ.
Берган шуҳратинг учқур юлдуз мисол
Сўнади дарҳол кўрсатмай бир висол.
Берган мевангда бўлмайди тароват,
Дарахтинг сўлар топмайин муродат.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Чўчитмас мени ҳеч бир чигал, муаммо,
Истаган нарсанг бўлар тайер доимо.
Қадрдон дўстим, келди кутилган замон,
Утсак ҳам бўлар энди оромгоҳ томон.

ФАУСТ

Беғам, бепарво ўтса гар бирор он,
Ушанда дерман, битди мен-чун ҳает!
Оздирмоқ бўлиб сен мени йўлимдан,
Алдай олсанг гар қилиб минг хушомад,
Уша кун бўлгай ҳаетим сўнг куни!
Баҳслашаман, едингда тут шуни!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Тамом!

ФАУСТ

Келишдик, тамом-вассалом!
Чўзилгин сағал, гўзалсан чунон!

Дея айтолсам лаҳзага, шу он:
Бўлайин банди сенга умрбод,
Майлига, бўлсин режалар барбод!
Майлига, келса ўлимдан садо,
Сен-чи, бўлурсан заҳматдан озод;
Майлига, бўлса ҳаетим адо,
Майли, оғиб мил, тўхтасин соат!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Унутилмас бу сўзинг тоабад!

ФАУСТ

Бунинг-чун ҳақлисан тамоман;
Разил саркашликка йўқ тоқат:
Сенга е бошқага мен фақат
Бир хизматкор, шунга аминман.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Бўлиб докторлик базмингизда бугун,
Этай дастерлик хизматин адо.
Шартим шу, холос: қолмас дилда тугун
Битсангиз тилхат бир-икки мисрада.

ФАУСТ

Бунча майдакашлик қилмасанг, нобакор!
Эр сўзига, наҳот, қилмайсан инобат?
Наҳот айтилган сўз сенга қилмайди кор?
Мард сўзи бир бўлар, билиб қўй, шайтонзот.
Неткум ахир, тиним бўлмаса оламда,
Шартми туриш менга ўз лафзу ваъдамда?
Янглишиш инсонга хос, дер халқ мақолда,
Ҳеч ким бўлмас халос бу дардцан ҳарҳолда;
Бахт кулгай кишига, бўлса у вафодор,
Чекмайди надомат бўлса ҳам жон нисор!
Кўрсак, бас, пергамент е босилган муҳр
Чўкамиз тиз гўе арвоҳ этар зуҳур.
Баъзан-чи килқдаек ўлар сўздек гавҳар,
Сўнгра терию мум буюк ҳоким бўлар.
Даъвонг недир мендан, эй доғули шайтон,
Не билан айлайин сенга фикрим баен?

Маъданми, пергамент, қоғозми е мармар,
Пўлат искана, килк е тошқалам билан?
Ихтиеринг — танла, не дидингга еқар?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Мунчалар сўзамоллик ва жазава,
Муболаға қилишдан, айт не ҳожат?
Бирор томчи қон билан чексанг имзо,
Жўнгина битиб кетар барча ҳожат.

ФАУСТ

Шу бахш этса гар сенга ҳаловат,
Сен айтган каби бўлсин расмият.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Қон деган ўзга суюклик эрур.

ФАУСТ

Ўйламагин сен, шартига қилур —
Дея хиенат. Йўқ! Қўрқма зинҳор!
Сен ўйлагандек эмасман мағрур,
Берган ваъдамни қилмайман инкор.
Мен ҳарифингман, қилма фаромуш.
Ул руҳи замин бўлмай ғамгусор
Айлади таҳқир. Юришмас юмуш.
Табиат қилмас менга сир ошкор,
Кўпдан узилмиш фикрим риштаси,
Жонга ҳам тегди илм фариштаси.
Тинч қўйсанг мени, биродар, шу он
Еник эҳтирос қилганда туғен!
Сеҳрли либосда бўлсам шу заҳот,
Топарди барҳам барча мўъжизот
Бўлсам ҳамоҳанг замон сасига
Ва ходисалар силсиласига!
Собит қонун-ла — ҳоким табиат:
Алмашар абад алам-ла омад;
Лек тиним билмас инсон деган зот.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Хеч не монелик қилмас сизга умрбод.
Қайда десангиз, шунда шодлик, сафо,

Дидга еққанин қиласиз муҳайе.
Қўлга қўнади ҳатто учар жонзот.
Гўллик қилманг, чанг солинг менга шу он!

ФАУСТ

Шодлик дегандан йўқцир нишон ақалли.
Чулғамиш танни шу пайт аччиқ ҳаловат,
Дилни банд этар гоҳо нафрат ва ҳасрат,
Донолик ишқи бўлар шунда тасалли.
Юрак дардини яшириб бўлмас зинҳор. —
Дерлар инсоннинг азал бир қисмати бор,
Фаҳмлаб юксак ва теранлигин руҳан,
Ўша тақцирни ҳис этсам дейман қалбан.
Кошки вужудим бўлса унга вобаста,
Кошкийди бўлсам унга лойиқ, баржаста,
Бўлсам у билан ҳатто сўнгги нафасда!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Билай деб аччиқ ҳает мазмунин,
Инсон неча бор қилди қарор-азм.
Лекин ўтказса ҳам бутун умрин,
Қилолмайди у бу таомни ҳазм.
Ишон сўзимга, бундай камолот
Ҳақ-таолонинг қудратига хос!
Унга берилмиш мангу зеб-зийнат.
Жин аҳлига у бахш этди зулмат,
Сизга бахш этди тун-кунни, холос.

ФАУСТ

Билмоқ истайман!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Бу фикринг қутлайман!
Бир нарса фақат дахшатлидир ғоят:
Фан йўли узоқ, лек қисқадир ҳает.
Хоҳдасанг гар, бир маслаҳат бергайман:
Шоиртабиат кишига бўл ҳамдам,
Тафаккур нахрин кечсин гўё ғаввос,
Токи қилолсин сенинг жисмингда жам
Эзгу хислатлар ва жўшқин эҳтирос.

Бўлурсан бегумон:
Жасоратда шердек,
Гўё оҳу-чаққон,
Шимолли кишидек
Устакор, устомон. —"
Бўлсин тилсимот очишда зўр уста,
Мардлик ва макрни қилолсин вобаста.
Сенга чин дилдан қўелсин муҳаббат,
Режаси билан беролсин маслаҳат.
Шундайин зотни мен қўрмоқ истардим,
Курсам мабодо микрокосм* атардим.

ФАУСТ

Не деган одамман топмасам иложин,
Наҳот, азиятлар тортмоғим зарурдир
Эгалламоқ учун инсоният тожин?*

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ким бўлардинг, сен ўша — ўшасан.
Сохта қўнғир соч тақсанг ҳам минг бор,
Пайтюғинг тиздан қанча оширсанг —
Ҳамки, қолурсан эскича, ночор.

ФАУСТ

Ҳайҳот! Беҳуда қилиб саъй-ҳаракат,
Ургандим тамом барча илм соҳасин —
Неки яратмиш инсоннинг даҳоси.
Энди жўш урмас танда эҳтирос, қудрат,
Чексизлик зотан забт этилмас ҳеч қачон.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Эй жаноби тақсир, сиз бамисоли содда
Авомдек қиласиз оламни мушоҳада;
Оламни заковат ила кузатмоқ даркор,
Токи ҳает завқи ўтиб кетмасин бекор.
Оббо! Сени қара, оеғинг бор, қўлинг бор,
Бошу кетинг бўлса, тағин сенга не даркор?
Неки бўлмиш насиб қилолсам гар истеъмол,
Шунинг ўзи озлик қилмас, дўстим,эҳтимол?
Эга бўлсам агар олти югурик отга,

Наҳот, бўлмам молик ўшанда зўр қанотга?
Еларман манзилга кўрсатиб чин маҳорат
Мингандек йигирма тўрт оеқли учқур от.
Бу хонаи зулмат, пуч хаелдан кеч мутлоқ,
Юр шовқинли ҳает сари мен-ла ҳозироқ!
Гар бўлмаса йигит фалсафасида маъни,
Атрофда яшнаса ҳам сўлим майса сайхони,
Эслатар у яйдоқ чўлда юрган ҳайвонни
Ва ғаним илгида қолган бир нотавонни.

ФАУСТ

Не тахлит бошланур бизнинг сайру саеҳат?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Равона бўлурмиз йўлга шу заҳот.
Не берур сенга бу хонаи зулмат?
Шуни ҳам ҳает деб ўйлайсан, наҳот?
Ўзни ҳам, шогирдни ҳам қилма хуноб,
Е такасалтанглик берурми азоб?
Қўшнинг қоринбойга қолсин бу зиллат!
Ўзинг билмоқ бўлган ашелар сирин
Шогирдлардан тутгин, албат, яширин. —
Йўлакца кутмоқда бири шу соат.

ФАУСТ

Афсус, мулоқотга йўқ имконият.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Боеқиш йигит турипти нигорон,
Кетиб қолмасин бўлиб дили вайрон.
Ридою бўркинг менга қолдирсанг, бас!
Ниқобинг менга ўтирар бемалол.
Барча ишкални ўзим қилармап ҳал.
Бунииг-чун чорак соат вақт бўлса бас!
Шу аснода сен йўл тараддудин кўр!
(Фауст кетади)

МЕФИСТОФЕЛЬ
(Фаустнинг кийимида)

Инсон учун энг юксак шижоат —
Ақд ва илмин менсима мутлоқ,

Бўлсанг хаелот баҳрида сузмоқ,
Олгин иблису шайтондан мадад.
Бўлурман ҳомий сенга муҳаққақ.
Инсонга тақдир бермиш фаросат,
Шу боис олға интилар ҳар чоқ.
Изланиш унга азалий одат,
Ижод лаззатин санайди аъло.
Бошлагач уни еввойи ҳает —
Гирдоби сари, дейди вовайло.
Буркагач бошин чалкаш мавҳумот,
Олдимда тошдек қотар у очкўз.
Ширин луқмасин ютолмас, афсус,
Ҳайф кетар барча ҳузур-ҳаловат.
Шайтонга эгса ҳам бош ғаламус,
Барча режаси бўлгуси барбод!

ТОЛИБ

(ичкари киради)

Келганимга ўтган йўқ кўп фурсат.
Келдим қалбим ихлосга тўлиқ, хурсанд:
Курай дейман элда машҳур кишини,
Эл эъзозлаб тилга олган кишини.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Назокатингиз жозибали ғоят!
Каминангиз ҳам худди шундайин зот.
Муҳитни билиб олгандирсиз оз-моз?

ТОЛИБ

Ниятим — сизга шогирд бўлмоқ, устоз!
Илм учун қурбон бўлгай бор жасорат,
Бутун жону тан, барча молу бисот;
Тарк этма элинг, деб онам боеқиш —
Келар чоғимда қилганди илтижо,
Бироқжиддий бир нарса билмоқ — режам.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Тўғри муддао, эмасдир ҳеч янглиш.

ТОЛИБ

Очиғин айтсам, устоз,
Қайтсам дейман ўз элимга:
Хоналарда йўқ бир жиҳоз,
Еқмайди ҳеч таъб-дидимга.
Тор, маҳдуд бу нурсиз гўшанг,
На яшиллик, на обият
Дегандан бор бунда нишон.
Шу хоналар ичра, наҳот,
Кечажак уч чўнг жараен:
Тафаккур ва мушоҳада
Ҳам тингламоқ сизни обдон.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Азалий одат инсон боласига:
Дунега келган куниеқ дарҳол
Якин келмас у ҳатто онасига.
Очликни сезгач жажжи танасида,
Интилар она томон — табиий ҳол.
Илм даргоҳида сиз ҳам бамисоли
Энди жаҳонга келган жажмон гўдак,
Баҳраманд бўлгач илм даресидан,
Топарсиз шодлик бу диерда бешак.

ТОЛИБ

Қувончим сиғмас дилга,
Сизни қучмоқистайман;
Нечун келдим бу элга,
Шуни билмоқ истайман.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Кетмай туриб айтинг, валломат,
Қай соҳага бордир истеъдод?

ТОЛИБ

Ўрганиб замин сирин мустаҳкам,
Бўлсам дегандим олим чинакам.
Билсайдим: недир сирли самовот,
Очса тилсимин она-табиат.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Тўғри йўл танлабсиз ғоят;
Ниятдан қайтмассиз, шояд.

ТОЛИБ

Бутун жону тан фан учун бўлғай қурбон;
Шодлиқ манбаи илмдир, дарҳақиқат.
Чакки бўлмасди ҳар бир он ўтса шодон
Ҳам езги ажиб таътил пайтлари, албат.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Фурсат деганинг ўтади хўб жадал,
Ҳар дақиқасин қилгин истифода.
Ютмоқ бўлсанг гар сен вақтдан ҳар гал,
Ўрнатғин қатъий, устувор қоида.
Қадрдон дўстим, сенга бир маслаҳат:
Мантиқ илмини* эгаллаб ол, албат.
Акл жавҳаринг топади камолот,
Испан этигин кийиб олган заҳот.*
Йўқотмай асло фаросат зиесин,
Забт этажаксан тафаккур дунесин.
Ўргатур сенга ҳар кун ўз низомин,
Ҳаттоки емоқ, ичмоқ интизомин.
Берилур буйруқ» «Бир! Икки! Уч!» албат.
Инсон мияси — фикр корхонаси,
Дейсан гўеки дастгоҳ ускунаси:
Бир зарб-ла қилар минг тола ҳаракат,
Мокилар илдам югурар дам-бадам,
Бешумор тола оқар ўтмайин дам.
Гоҳ бир зарбда минг тола бўлар бунед.
Турфа тақимлар йиғилар оҳиста,
Сонсиз ҳужайра бўлади вобаста.
Нечук бўлишин бошқа бир жараен,
Доно файласуф этар сизга исбот:
Бўлмаса аввал бирламчи жараен,
Қайдан бўларди иккинчи намоен
Ҳамда учинчи, тўртинчи ҳодисот.
Бўлмасайди бир — иккинчи намоен,
Бўлмасди учу тўртинчиси тоабад.
Шогирдлар тўғри, дер барча далолат

Тўқувчилик не билмаса-да умрбод.
Қим билмоқ истар ҳает моҳиятин,
Йўқотмоқ бўлар унинг руҳиятин.
Молик бўлгач у ўлик жисмга фақат.
Дер: етишмайди жон берувчи, ҳайҳот!
Файласуф қурғур ҳеч қилмайин ҳае,
Қилар киноя ва кулади чучук:
Еппепезт паШгае* дейди буни киме,
Билмайди ўзи юз берар бу нечук.

ТОЛИБ

Тушунмадим мен фикрингиз мукаммал.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ажратган сўнг туркум — туркумга,
Неки мансуб илму фунунга
Бўлажакдир бу муаммо ҳал.

ТОЛИБ

Шу даражада қотирар бўлар бошим,
Юргизар биров гўё тегирмон тошин.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Метафизика*— ҳар жумбоқжавоби,
Унда мужассам ҳаетнинг ҳар боби.
Ундан англарсиз барчасин бинойи:
Киши аклига не экан киройи,
Нелар бўлади унга тамом маъқул,
Нелар бўлмайди унга мутлоқ мақбул.
Ақд-идрокингиз усади тобора
Ўрганиб ҳар кун гўзал сўз, ибора.
Биринчи ярим йилликдан бошлабоқ
Касб этинг аъло интизому ахлоқ!
Ҳар кун олурсиз беш соатлик сабоқ;
Киринг ичкари чалингач қўнғироқ.
Даставвал ўқинг ҳар бир дарсни обдон,
Огоҳ бўлгайсиз ўшанда ҳар бобдан.
Тинглаб муаллим сўзини ўша дам
Дерсиз, китобдан нари ўтмас ҳеч ҳам.
Майли, интилинг езишга фикрини,
Муқаддас бир рух амри билинг уни!

ТОЛИБ

Такрор айтишнинг йўқдир зарурати,
Биламан унинг нечук вожиблигин;
Сал қораланса бас оқ қоғоз бети,
Мумкиндир уйга олиб боришлигим.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Хўш, танланг, энди бирорта соҳани!

ТОЛИБ

Ҳуқукшунослик илмига йўқтоқат.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Менга мақбулдир фикрингиз баени.
Тўғри, кўпдир бу соҳада машаққат.
Ҳуқуқ ва қонун — азалий бир иллат
Ўтар авлоддан авлодга ҳамиша.
Урни алмашар — ўзи бир хархаша.
Хуллас, уруғдан-урукка бир мерос,
Гоҳо олурлар шунинг-чун ўч, қасос.
Заковат ўрнин олади сафсата,
Эзгулик ўрнин — зулм ва истибдод;
Невара бўлсанг, турмуш — фаред умрбод!
Бободан мерос ҳуқуқ борасида
Дерлар, ярашмас сенга фикрлаш, ҳайҳот,
Зеро сен ҳали ғўр ва норасида!

ТОЛИБ

Унга тағин ҳам ошиб кетди нафрат.
Бахтлидир сиздан таҳсил олган ҳар зот!
Илоҳиетдир севганим аслида.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Сизни йўлдан уриш эмас асло мақсад,
Илмнинг бу соҳаси мушкулдир бағоят.
Бундай ғалат йўлдан воз кечарсиз шояд.
Шифобахш малҳамга ўхшаса-да у гар,
^нда ниҳондир бир талай оғу, заҳар.
Яхшиси, мен айтай, сиз осингиз қулоқ:
Содиқ бўлинг устоз сўзларига мутлоқ,

Сўзингиз устидан чиқсангиз, ўша бас,
Ишончли қопқалар оша киражаксиз
Донолик қасрига собитқадам, сарбаст.

ТОЛИБ

Мазмун ила мос бўлмоғи шарт сўз.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Фикрингиз тўғри! Шартим шу фақат:
Зинҳор беҳуда тортманг азият,
Маънию мазмун бўлмаган жойда
Сўзни қилур ҳар ким истифода.
Баҳс, мубоҳаса ҳам бўлур сўздан,
Услублар бунед бўлади сўздан,
Диний эътиқод ҳам мавжуд сўздан,
Баъзан зиғирча фойда йўқ сўздан.

ТОЛИБ

Кўп савол бериб олдим вақтингиз,
Бунинг-чун узр сўрайман, устоз.
Сизни безовта қилмоқчиман боз:
Менга, эҳтимол, сўзлаб берурсиз
Илми табобат ҳақида бироз.
Уч йил — мухтасар муддат бағоят,
Афсус, масофа олис ниҳоят.
Бироқ ихтисос бўлса, албат, намоен.

МЕФИСТОФЕЛЬ

(ўзўзига)

Жонга ҳам тегди ваъзу насиҳат,
Яна иблислик қилмоғим даркор.

(овоз ниқариб)

Тибни тушунмоқ эмасдир душвор.
Дилга жо бўлгач барча мавжудот,
Иткитинг дилдан пировардида
Неки мақбулмас илоҳ олдида.
Илм оламан деб беҳуда бошни —
Қотирмоқдан, айт, борми бир фойда?
Фурсатдан фойда қилган кишини
Бахту саодат кутар ҳар жойда.

Мавжуд экан-ку сизда ҳатто жасорат.
Эътиқодингиз қатьий бўлса, бас,
Ишонар сизга кишилар сарбаст.
ўрганинг дастлаб хотинлар дилин!
Муолажани бошланг уларнинг
Оҳ-ноласидан, қўйинг муҳаббат,
Барчаси эгар ўтмай сал муддат,
Сизга бош, қисиб кўз, чимириб қош;
Сўнгра уларга бўлажаксиз бош.
Қозониб улар ҳурматин дарҳол,
Санъатингиздан топарсиз иқбол.
Касалин билмоқ бўлиб беморнинг,
Чимчилаб олинг нари-берисин,
Ушланг манглайин, гоҳо томирин.
Бўлдингиз гўё охидан огоҳ,
«Эй офатижон!» деб ташланг нигоҳ.
Хипча белидан сўнг тутиб қаранг
Боғланмаганми камари таранг.

ТОЛИБ

Арзийди танласам шу соҳани,
Сиз бердингиз унга хос баҳони.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Назария, дўстим, қуруқ, йўқ гашти,
Яшилдир ҳаетнинг олтин дарахти.

ТОЛИБ

Қасамед қиламан бу бир хаелот!
Яхшиси бошқа пайт бўлсин мулоқот,
Илмингиз ўшанда бағишлар нажот.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Неки қилдим ривоят,
Воқе бўлур ниҳоят.

ТОЛИБ

Наҳот, олмасам бирор нима
Устоздан бўлсин дея едгор?
Дарвоқе, мана, насабнома,
Қўйинг бир нишон жимжимадор!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Жуда соз!

(у езиб беради)

ТОЛИБ

(ўқийди)

ЕгШз зюи! Иекиз, заеМез Ьопит е* та1ит.

Таржимаси:

Сиз ҳам бамисли оллоҳ
Эзгулик ва золимликцан
Бўлурсиз воқиф ва огоҳ.
(у насабномани епади ва хизматга тайер эканлигини баен

МЕФИСТОФЕЛЬ

Амал қилгин илон бувим ҳақида
Ривоят қилинган кўҳна ҳикматга!
Ўщанда еқангни ўшлаб қўрқувдан,
Ўхшатмассан ўзни илоҳиетга!

ФАУСТ ИЧКАРИ КИРАДИ

ФАУСТ

Қаен борурмиз?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Сен еқтирган еққа!
Жумла жаҳонни қилурмиз саеҳат.
Эришиб чексиз саодат, шодликка,
Кўрганларикг нақл этурсан ниҳоят!

ФАУСТ

Бошга кексалик тушгаиида, ҳайҳот,
Қўл келмас менга бундай енгил ҳает.
Бу галги синов бермас бахт-саодат;
Менда дунени кўришга йўқ журъат.
Уяламан мен мудом, шўрим қурғур,
Ўзгалар аро сезиб ўзимни ғўр.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Бўлур бартараф, дуст, барча мушкулот,
Шунда биларсан не эканин ҳает.

ФАУСТ

Хўш, нечук бўлурмиз йўлга равона,
Қани отинг, қарол ва араванг?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ридомни езиб, устига ўтирсак, бас,
Бўлурмиз дарҳол булутларга ҳамнафас.
Сен собитқадам бўлмоғинг зарур бугун,
Лекин бўлмасин қўлингда катта тугун.
Мен ҳозирлаган бу оташсимон модда
Кўтарар бизни самовотга бир дамда;
Учмоқдамиз биз жасур, жадал парвоз-ла
Қутлайман сени янги ҳаетинг била!

ЛЕЙПЦИГДАГИ АВЕРБАХ ЕРТЎЛАСИ (МАЙХОНАСИ) *

ҚУВНОҚ ЙИГИТЛАР БАЗМИ

ФРОШ*

Хўш, ичмайдими ҳеч ким?
Қани кулгу, табассум?
Юзлар бунча бужмайган
Ивиган похол гўё!
Мунча баринг шалпайган
Йўқ кўзларда нур, зие!

БРАНДЕР*

Ҳаммаси сенга боғлиқ:
Қилмасанг майнавозлик
Еки масхаравозлик
Бўлмайди димоғчоғлик.

ФРОШ

(Брандернинг бошидан бир стакан винони куйиб юборади)
Иккаласи ҳам сенда мужассам:
Майнавоз ҳам сен, масхарабоз ҳам.

БРАНДЕР

Ўта кетган чўчқа экансан!

ФРОШ

Шудир, зотан, сенларнинг жазонг!

ЗИБЕЛЬ

Жанжалкашга урин йўқ бунда!
Чин юракдан куйланг баралла,
Янграсин дилрабо Рунда!*

АЛЬТМАЙЕР*

Бошим гангиди етар, бас!
Овозинг ўчир, эй шоввоз!

ЗИБЕЛЬ

Хуруж қил аркан майхонада гулдурос,
Дейсан, ҳокимдир бунда бақироқ-тўпос.

ФРОШ

Ажаб бўпти!
Кимнингки тегса гар жиғига,
Чиқсин ҳозироқташқарига!

АЛЬТМАЙЕР

Ҳой! Лай! Лай! Лай! Ҳой!

ФРОШ

Айладим куйлашга димоғимни шай.

(кўшиқ айтади)

Гўзал, муқаддас Рим диери, наҳот,
Тураркан то ҳануз вайрона бўлмай?

БРАНДЕР

Бирам жирканч қўшиқ — туриши сиесат!
Авлодир қилсанг гар худога муножот.
Ўқиб мадҳиялар ҳар тонг тила нажот,
Римни дея ғамга ботмоқдан не ҳожат?
Бу борада давлат ўзи қотирсин бош;
Бўлолмам давлатга канцлер, кайзер, ақл-бош,
Аммо зарур бизга валинеъмат, саркор.
Биласиз, берилмас ҳар кимга бу маснад,
Кўкларга кўтаргай у эрни окибат.

ФРОШ

(куйлайди)
Нолишинг, эй эрка булбул,
Тўхтатсанг не бўлур пу тоб?
Езайин минг бора салом,
Элт, ўқисин ул моҳитоб!

ЗИБЕЛЬ

Кўтар моҳитобу саломинг!
Эшиттум йўқ бундай каломинг!

ФРОШ

Элтгин бўсаю саломимни!
Ҳеч ким бўлолмас менга моне!

(куйлайди)

Оч қопқани, сокин, гўзал тунда,
Оч қопқани, еринг бедор бунда!
Еп қопқани, отмоқда гўзал тонг!

ЗИБЕЛЬ

Куйла, куйла, мадҳ эт, шарафла дилрабонг,
Менга кулгу бўлса бас айни шу чоғда.
Мен-ку қолдим доғда, сен ҳам қолгин доғда.
Иблисга йўлиқсин сенинг ул дилрабонг!
Ўшанга ишва-ноз қилсин висол чоғда,
Равона бўлганда уйга жин тоғидан!
Серка сифат иблис олсин томоғидан!*
Шундай мард йигит, аттанг-а,
Ҳайф эмасми ўша сатангга!
Унга салом бергунча ҳар гал,
Деразасин синдирмоқ афзал!

БРАНДЕР

(столга мушти билан уриб)

Қулоқ осингиз, қани, диққат! Диққат!
Биламан обдон ҳает, яшаш недир!
Бунда йиғилган, эй аҳли муҳаббат,
Тўғрисин айтсам, оҳ-дардимиз бирдир!
Гўзал тунда ишқ дардига деб дармон
Асровдим ажиб, эзгу бир армуғон:
Янги қўшиқдан дилрабо нақорат,
Куйлаб баралла, дўстлар, айланг роҳат!

(у куйлайди)

Бир каламуш бўлган экан,
Егани ғарч мой, еғ экан.
Семизликда хумпар, беғам,
Қолишмаскан Лютердан ҳам.

Ошпаз аел бергач заҳар,
Кўзлар тиниб ўша заҳот
Бўлди дуне кўзига тор
Бордек танда ишқ-муҳаббат.

ХОР

(оҳ тортиб)

Бордек танда ишқ-муҳаббат.

БРАНДЕР

Куннинг айни туш — қием палласи
Югурди мискин ошхона сари.
Заҳардан ениб бағри-сийнаси,
Боекиш урди ўзин ичкари.
Ошпаз аел-чи, куларди ҳамон:
«Олмоқда сўнгги нафасин шайтон,
Гўе танида бордек муҳаббат!»

ХОР

Гўе танида бордек муҳаббат!»

ЗИБЕЛЬ

Бефаросат анқовлардек куласиз!
Бегуноҳ бир жониворни заҳарлаб,
Шуни буюк бир санъат деб биласиз!

БРАНДЕР

Айт-чи, қачондан буен сан
Уларга ҳомий эрурсан?

АЛЬТМАЙЕР

Эй мечкай, бефаросат,
Бошга тушгач фалокат,
Бўласан хуштабиат;
Қилма афтинг фаромуш,
Сен бамисли каламуш.

ФАУСТ ВА МЕФИСТОФЕЛЬ

МЕФИСТОФЕЛЬ

Кўрсатай сенга даставвал, биродар,
Қувноқулфатлар даврасини бир бор.
Кўрарсан нечук енгил кечар ҳает,
Нечук ўтади кун шодон бағоят.
Устунлик қилмас бунда онг-заковат,
Лек истаганча бор ҳузур-ҳаловат.
Банддир ҳар ким ўз шавқсиз рақси билан
Гўе мушукча ўйнар думи билан.
Қилар шикоят тутса хумори май,
Етмаса гар пул, қарз берар хўжайин.
Улар ташвиши йўқ, яшарлар нўмай.

БРАНДЕР

Адашмасам, улар саеҳатчи эрур,
Кўзидаги ҳайрат бунга исбот эрур;
Келганига ҳатто бўлмаган бир соат.

ФРОШ

Сен ҳақлисан, дарҳақиқат!
Лейпцигим мадҳ этса бўлур!
Кичик Париж * деб саналур,
Элга бахш этар маърифат.

ЗИБЕЛЬ

Уларни ким деб ўйлайсан?

ФРОШ

Улар кўнглига бир қўл солиб курай,
Гўдак оғзидан тишни суғургандай,
Бўлайин воқиф сиру асроридан;
Ажабмас бўлса боенлар зотидан,
Афтидан хафа ва мағрур зоҳиран.

БРАНДЕР

Гаров боғлайман улар
Бозор жарчисига ўхшар!

АЛЬТМАЙЕР

Эҳтимол.

ФРОШ

Уларни майна қилай сал.

МЕФИСТОФЕЛЬ

(Фаустга)

Сезмайди авом деган ахмоқ зинҳор
Енида турса ҳамки шайтон агар.

ФАУСТ

Салом, жаноблар!

ЗИБЕЛЬ

Саломингиз учун буюк ташаккур!

(Мефистофелни четдан кўздан кечираркан, секингина)

Унинг бир оеғи оқсар негадир?*

МЕФИСТОФЕЛЬ

Бирга ўлтиришга этарсиз ижозат?
Винодан топмасак ҳам бирор ҳаловат,
Қурсак сухбат, бўлур ўша танга роҳат.

АЛЬТМАЙЕР

Дидингиз нозик экан-ку бағоят.

ФРОШ

Риппахдан кечроқ чиққансиз, эҳтимол?*
Тановул жаноб Ганс билан бўлгандир?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ҳа, уни ҳам йўқлаб ўтгандик;
Сўнгги мулоқот чоғи айтиб сир-ҳол
Ҳам вайсаганди туғишганлар ҳақда,
Салом йўллади ҳар бирига ҳатто.

(УФрошга таъзим қилади)

АЛЬТМАИЕР
Қалай, бопладими, хумпар?

ЗИБЕЛЬ
Лаънатининг тили заҳар!

ФРОШ
Тўхта, бир ҳамла қилай-чи,
Нима қиларкин баччағар?

МЕФИСТОФЕЛЬ
Янглишмасам гар, эшитилар бир сас
Хор ижросида янграб куй ва наво.
Бу гумбаз аро куйланса, ажабмас,
Тарқалса кўкка қўшиқ, куй ва наво.

ФРОШ
Қўшиқ бобида моҳир кўринасиз.

МЕФИСТОФЕЛЬ
Асло! Қўшиқни севсам-да жондан,
Ва лекин куйлаш келмас қўлдан.

АЛЬТМАИЕР
Эҳтимол, бирор қўшиқ айтарсиз?

МЕФИСТОФЕЛЬ
Майли, куйлайин гар хохласангиз.

ЗИБЕЛЬ
Энг янгисидан бўлсин-да фақат!

МЕФИСТОФЕЛЬ
Дилрабо қўшиқ ва майиноб диери —
Гўзал испан элин қилгандик зиерат.

(у қўшиқ айтади)

Бор экан-да, йўқ экан,*
Бир қирол бўлган экан.
Унинг жуда каттакон
Бургаси бўлган экан.

ФРОШ
Эшитдингми? Бургаси бормиш! Ғалати бир зот!
Наҳот, бўлса меҳмонимиз ҳам бургатабиат?

МЕФИСТОФЕЛЬ
(куйлайди)
Бир қирол бўлган экан,
Бор экан бир бургаси.
Уни жондан севаркан,
Гўё жигаргўшаси.
Чорлаб чеварин бир кун
Буйруқ берипти қирол:
«Кийим-бош ўлчаб бичгин
Бургамиз учун дарҳол!».

БРАНДЕР
Дарзига айтинг, қилмай фаромуш,
Кийим бичгани олсин қайчисин,
Азиз бўлса гар ҳаету турмуш,
Буриштирмасин шимим почасин!

МЕФИСТОФЕЛЬ
Елкасида либоси шоҳона:
Бошдан оёқзар, кимхобу барқут.
Кўксида-чи, салиб роҳибона,
Белда камар бамисоли еқут.
Тақиб олиб катта юлдуз биллур,
Уша заҳот бўлди у амалдор.
Шоҳ қасрида бор аждоди машҳур:
Ака-ука бўддилар мансабдор.
Сарой ахли — эру хотин-халаж
Дер эди бурга дастидан дод.
Ерди заҳрин чўрилару бекач,
Лек бу ҳақда бўлмасди шикоят.
Чақса ҳамки бутун сарой аҳлин,

Ўлдиришга ҳеч ким қилмас журъат —
Қани, бизга сочсин-чи заҳрин,
Янчиб гумдон қилурмиз шу заҳот!

ХОР

Қани, бизга сочсин-чи заҳрин,
Янчиб гумдон қилурмиз шу заҳот!

ФРОШ

Офарин! Балли! Заб қўшиқ экан!

ЗИБЕЛЬ

Бурга деган махлуқ тақдири
Бундан ортиқ бўлмайди, ахир!

БРАНДЕР

Бармоқ билан босиб, янчиб ташланг боплаб!

АЛЬТМАЙЕР

Яшасин ҳуррият! Яшасин майиноб!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ҳуррият учун ким ҳам ичмайди шароб?
Афсуски, майингиз дидга ёқмас, аҳбоб!

ЗИБЕЛЬ

Киноянгиз — аччиқ, эшитгум йўқ жаноб!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Қўрқаман ранжиб қолар хўжайин,
Йўқса, кўрсатардим сизга атайин,
Ўз ертўламизнингдилрабо майин!

ЗИБЕЛЬ

Сиз бизга винони кўрсатинг, тамом,
Айбни ўз зиммамга, майли, олайин.

ФРОШ

Тўлсайди майиноб ила биллур жом,
Мадҳ этардик сизни бўлиб жамулжам.
Улушимиз кичик бўлмасин тағин!
Зеро билишим-чун винонинг таъмин,
Тўлдиришим шартдир оғиз бўшлиғин.

АЛЬТМАЙЕР

Булар Рейндан чоғи.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Борми сизларда бурғи?

БРАНДЕР

Наҳот, вино бочкаси
Бўлса эшик ортида?

АЛЬТМАЙЕР

Асбобу ускунаси
Хўжайин саватида.

МЕФИСТОФЕЛЬ

(бурғуни олаетиб Фрошдан сўрайди)

Айтинг, қай хилин тилайди дидингиз?

ФРОШ

Наҳот, шунча кўп бўлса бисотингиз?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Қандай хили десангиз, бемалол!

АЛЬТМАЙЕР

(Фрошга)

Сўлакайинг оқиб кетди дарҳол!

ФРОШ

Танлаганим Рейнвейн, муҳтарам валламат,
Еқимлидир, зотан, ватан берган неъмат!

МЕФИСТОФЕЛЬ

(столнинг Фрош ўтирган томонини бурғилаб тешади)

Тешикни бекитмоқдаркор,
Мум топиб келингиз дарҳол!

АЛЬТМАЙЕР

Бу найрангвозлик нукул!

МЕФИСТОФЕЛЬ

(Брандерга)

Сизга қай хили маъқул?

БРАНДЕР

Менга бижғиган шампань
Виносидан бўлса, бас!

(Мефистофель ҳамон бурғилайди; шу аснода мум топилади, тешик бекитилади)

БРАНДЕР

Ет нарсадан зинҳор қилмас киши нафрат,
Зеро ет нарсада бўлар бисер лаззат.
Француз немисга қардош эмас қондан,
Лекин виносини сипқорамиз жондан.

ЗИБЕЛЬ

(Мефистофель унинг енига келади)

Майнинг нордони дидимга еқмас,
Ширин майдан бир қадаҳ бўлса, бас!

МЕФИСТОФЕЛЬ

(бурғилайди)

Ҳозир сиз учун токай —
Виноси оқса ажабмас.

АЛЬТМАЙЕР

Юзга айтганнинг захри йўқ, жаноблар,
фақат айерлик қилмоқ бўласизлар.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Меҳмонларимни қилмайин иззат,
Наҳот, ниятим бўлса алдамоқ!
Шунча қийинми бирин танламоқ,
Кандай вино-ла қилайин хизмат?

АЛЬТМАЙЕР

Танламоқ бизга шартмас,
Эзмалик қилманг, холос!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Серка бобонинг шохлари бўлар!
Занги бобонинг узуми бўлар!
Узуми-шира, танаси — ўтин,
Стол ҳам қилса бўлар еғочин;
Қил мушоҳада, табиат чуқур!
Турган-битгани мўъжиза нукул!
Бочка тиқинин олиб бир ена,
Қилингиз энди кайф қона-қона!

ҲАМ МАСИ

(тщинларни суғурадилар, ҳар кимнинг қадаҳига узи истаган вино оқади)

Оҳ, қандайин гўзал майиноб чашмаси!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Эҳтиети шарт! ерга бир томчи тушмасин!

(улар қайта-қайта жадилар)

ҲАММАСИ

Нақадар мўл ичкилик, егулик!
Ҳатто беш юз чўчқага етгулик!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Қараб тўймайсан киши,
Қандай яхши бўларкан
Халойиқ бўлса эркин!

ФАУСТ

Куп туришга йўқ тоқат.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Яхшилаб кўринг фақат
Ҳақиқий ваҳшийликнинг
Нечук зоҳир бўлишин.

ЗИБЕЛЬ

(эҳтиет бўлмай ичади, вино ерга тўкилиб алангага айланади)

Ердам қилинг, ўт! Ердам!
Нақ дўзах-ку бу! Ердам!

МЕФИСТОФЕЛЬ

(утни сеҳрлайди)

Тинчлан,эй дилга яқин мунис ғалаен!*

(йигитларга қараб)

Аърофдан учқун бўлди холос намоен!*

ЗИБЕЛЬ

Таъзирингизни берамиз ҳали!
Чучварани хом санабсиз чоғи.

ФРОШ

Агар бу ерда шу қилиғин
У такрорласа борми тағин!

АЛЬТМАЙЕР

Менимча, дўстлар, у жаноб ҳозироқ
Туеғин шиқиллатгани яхшироқ.

ЗИБЕЛЬ

Наҳот, жаноблари тағин кўрсатиб жасорат,
Ҳийлаю найранг-ла қилмоқчи бизни ҳақорат?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Тилингни тий, эски майхум!

ЗИБЕЛЬ

Сен-чи, шалағи чиққан супурги-таек!
Тағин дағаллик қилмоқ бўласан, саек!

БРАНДЕР

Пўстагинг қоқсак керак ҳали!

АЛЬТМАЙЕР

, тол дан бир тиқинни суғурганда бирдан юзига аланга сапчийди)

Мен енаяпман! Енаяпман!

ЗИБЕЛЬ

Жодугарлик, ахир!
Бекитинг! Нима қипти, йигит фақир?

(Улар пичоқларини суғуришиб, Мефистофелга ташланишади)

МЕФИСТОФЕЛЬ

Елғондир дунеда сўзлар ва тасаввур,
Ўзгармайин қолмас макон ва тафаккур!
Сизга гоҳ бу ер, гоҳ у ер маскан бўлур!

(ҳайратда қолиб, бир-бирларига қарайдилар)

АЛЬТМАЙЕР

Мунча гўзал диер! Мен қайда ўзим?

ФРОШ

Узумзорлар! Наҳот, алдаса кўзим?

ЗИБЕЛЬ

Гўе ўзи тушар кафтимга узум!

БРАНДЕР

Қандай ажиб, сўлим жой кўшку айвони!
Гўе маржон тизилган узум анвойи!

(Зиб< елнинг бурнидан ушлайди, бошқалариҳам бир-бирларининг УРУнларидан ушлашади ва пичоқларини кўтаришади)

МЕФИСТОФЕЛЬ
(жиддий қиефада)
Эй афсун, кўрсат ҳикмату ҳунар!
Кўрсинлар шайтон ҳазилин булар.

(Фауст иккаласи кўздан ғойиб бўлишади, йигитлар бир-бирини қўйиб юборишади).

ЗИБЕЛЬ
Нима гап ўзи?

АЛЬТМАЙЕР
Бу қанақаси?

ФРОШ
Сенинг бурнинг эди ўша, наҳот?

БРАНДЕР
(Зибелга)
Бурнингдан-чи ушлабман шу заҳот!

АЛЬТМАЙЕР
Елкага тушган бир зарбадан
Зирқираб кетди асаб-бадан!
Қани, топингиз курси тезроқ,
Чўкиб кетаман йўқса шу чоқ!

ФРОШ
Айтинг-чи, менга не бўлмоқда содир?

ЗИБЕЛЬ
Қани у йигит? Курсам тағин бир бор,
Кетмасди тирик ўша фосиқ-фожир!

АЛЬТМАЙЕР
Кўриб қолдим нобакор —
Ертўладан чиққанин,
Бочка миниб учганин;
Оеқларим зил-замбил.
(столга цараб)
Оққан виноми, сабил?

ЗИБЕЛЬ
Барчаси елғон, хиенат ва сароб!

ФРОШ
Ҳис қилдим: гўе ичмоқцаман шароб!

БРАНДЕР
Узумлар-чи, бамисли зумрад, лаъл!

АЛЬТМАЙЕР
Мўъжизот йўқ деб ким ҳам қилар хаел?

АЛВАСТИНИНГ ОШХОНАСИ*

Пастгина ўчоқ устида катта бир қозон турипти. Бурқираб кўтарилган буғ ичида ҳар хил шарпалар кўринади. Қозон енида она маймун ўтирипти, у қозон тошиб кетмасин, дебуни кавламоқда. Ота маймун эса бола/юри билан унинг енида ўтириб исинмоқда. Ошхонанинг девор ва шифтлари алвастига хос уй асбоб - ускуналари билан безатилган.

ФАУСТ ВА МЕФИСТОФЕЛЬ

ФАУСТ
Бемаъни сеҳр қилар монелик, ҳайҳот!
Сен ўйлайсан: топарман бунда ҳаловат,
Зулматда қолиб ваҳшат ҳам тортиб уввос
Ва доғули кампирдан сўраб маслаҳат?
Наҳот, исқирт алвасти бўлиб рухшунос
Ешим ўттиз йил ортга қайтаролур боз?
Наинки йўқдир бундан ўзга бир гўша?
Умидлар бўлди барбод — дард ҳамон ўша!
Наҳот, саховатли руҳ, сирли табиат
Бўлолмаса дардимга мутлоқ бир нажот?

МЕФИСТОФЕЛЬ
Қадрдон дўстим, фикринг тўғри, доно!
Яшармоғинг-чун бор табиий қудрат;

Ул борада бор бир китоб пурмаъно: *
Мужассамдир ҳар бобида мўъжизот.

ФАУСТ

Ўшани билмоқ истайман устувор!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Бир воситаки, билмоқ эмас қийин;
Бунда на пул, на ҳаким, на сеҳр даркор:
Чиқиб далага ернинг бағрин ергин,
Экин учун жой оч, ҳозирла ўтин,
Онг-заковатинг ростлаб ишга солгин!
Бўлсин одми, камтарин овқатинг.
Ҳайвон-ла ҳайвон каби кечир ҳает,
Жирканма сассиқ экан дея ахлат.
Экин жойингни ўғитга қондиргил!
Яшарай десанг дафъатан саксон йил,*
Шудир энг яхши дармон-восита, бил!

ФАУСТ

Белкурак-ла ишлаш бўлмаган одат,
Шунинг-чун дейманки, йўқ унга тоқат;
Бундай маҳдуд ҳает менга ет эрур.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Демак, алвасти сари бормоғимиз зарур.

ФАУСТ

Нега энди у шум кампирга фақат?
Ясай олмасанг ўзинг дори, наҳот?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Кошкийди бўлса шундай бир овунчоқ!
Қанчалар куприк қурар эдим шу чоқ.*
Кифоя бўлмас фақат илму санъат,
Бу ишда, билсанг, вожиби — матонат.
Ҳар не вақтида етар поенига,
Вақт ўтгач май ҳам етар қиемига;
Гоҳо киши йил бўйи бўлар машғул.

Бундай дорини қилмоқ дарҳол бунед —
Эмасдир осон, ниҳоятда мушкул.
Ясаш усулин шайтон билса-да ед
Ва лекин ўзи қилолмайди бунед.

(ҳайвонларни кўздан кечираркан)

Қара, қандайин ажойиб махлуқлар!
Бу — оқсоч аел, униси — хизматкор!

(ҳайвонларга қараб)

Кампирнинг ўзи уйда йўқдир чоғи?

ҲАЙВОНЛАР

Ўтирганди базмда чоғи,
Кўтарилиб уй тўридан
Чиқиб кетди мўридан!

МЕФИСТОФЕЛЬ

(Фаустга қараб)
Қалай, маъқулми бу жажжи махлуқлар?

ФАУСТ

Таъвия-тараққос экан аблаҳлар!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Йўқ, сен айтгандек эмас тасқара,
Улар суҳбати еқимли, қара!

(ҳайвонларга қараб)

Қани, айтинг-чи, падари қусур,
Қозонда қайнаб турган не бўлур?

ҲАЙВОНЛАР

Бу фақирона бир емак бўлур.*

МЕФИСТОФЕЛЬ

Хўранда ҳам бир талай.

ЭРКАК МАЙМУН

(Мефистофелга эркаланиб, унга суйкалади, уни лото (со Кк ўйнашга даъват этади)

Ташласанг-чи соққанг, ҳой,
Ютиб бўлайин мен бой.
Ютқиз менга бир карра!
Оз пул тикибсан, қара;
Кармонда бўлса пулим,
Ошади, албат, ақлим.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Билсайди агар соққа ўйинин,
Маймун ҳам бахтли санарди ўзин!

(Шу аснода маймуннинг болалари катта бир шарни юмалатиб ўйнайдилар)

ЭРКАК МАЙМУН

Бу дуне деган хилқат
Қилар турфа ҳаракат:
Гоҳ баланд, гоҳ пастда у
Чарх урар тинмай, мангу.
Шишадек жаранглайдир, -
Гоҳ шишадек синадир!
Ичи бўшдир гўе ғор.
Бир жойи шаффоф, порлоқ,
Бир жой жилодор бироқ.
Мен гувоҳман, о шунқор,
Бошингда бордир ўлим!
Тупроқдан бўлмиш бунед
Эҳтиет бўлгин, ўғлим,
Бир кун бўлади барбод!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Мана бу ғалвир нечун даркор? *

ЭРКАК МАЙМУН

Башарти бўлсанг ўғри, маккор,
Ўша қилади дарҳол ошкор.

(У ан а майм У нш ғалвир орқали Мефистофелни кўздан кечиришга ундайди)

Ғалвирдан қараб кўй сен бундоқ!
ўғриҳ таниб қолдинг бешак,
Номин айтишга кўрқцинг бироқ!

МЕФИСТОФЕЛЬ

(ениб турган ўтга яцинлашиб)

Хўш, нечун бу тувак?

ОТА ВА ОНА МАЙМУН

Эй соддадил тентак!
Билмас нечун тувак?
Қозон нечун керак!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Эй нодон махлукдар!

ЭРКАК МАЙМУН

Мана, қозон, мана, бу супурги,
Артгин боплаб, ўтир, ана курси!
(У Мефистофелни ўтиришга ундайди)

ФАУСТ

(сеҳрли кўзгуга гоҳяқинлашиб, гоҳо ундан узоқлашиб бот-бот боқаркан)



Қандай илоҳий тимсол ногаҳон
Сеҳрли кўзгуда бўлди намоен!
О муҳаббат, бер қанотинг, тез бўл!
Олайин ўша малак сари йўл.
Қолурман мен бу масканда, наҳот,
Наҳот, кўрмасам жонон висолин!
Кощюшди шу он кўролсам жисмин!
Ает жисмида шунча малоҳат,
Мунча фусункор унда латофат!
Наҳот, шунча мўъжаз танда мужассам —
Ьўлмиш илоҳий гузаллик, наҳот,
Б°РДир жаҳонда шундайин санам?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Дарвоқе, илоҳ дунени яратган он
Ўзига-ўзи офарин деган экан.
Ақлу донишдан эмасми шу далолат?
Ҳозир-чи, дўстим, шунга бўлгин махлие !
Кўрсатурман бир соҳибжамол - ганж гўе,
Бахтли муқаддар кулиб боқса у заҳот,
Қайтарсан уйга бўлиб шонли бир куев!

(Фауст ҳамон кўзгу олдида. Мефистофель курсида ўтириб, супурги билан ўйнаб, сўзида давом этади)

Бамисли қирол — тахтда ўтирибман соз,
Қўдда салтанат таеғи — тож йўқ, холос.

ҲАЙВОНЛАР

(Улар ўзаро ҳар хил ғалати ҳаракатлар қилиб бўлгач, Мефистофелга кучли қийқириқлар билан тож келтирадилар)

Яхши бўларди киши —
Аввал қон ва тер тўкса,
Сўнгра тож талаб қилса!*

(Улар бесўнақай ҳаракатлар қилиб, тожни иккига бўлиб юборадилар, тож: синиқларини ушлаб сакраб айланадилар)

Шундай экан езмиши!
Ўтган ишга саловат,
Қайтиб келмас у минбаъд!

ФАУСТ

(кўзгу қаршисида)

Шўрим қурсин! Аклдан озсам наҳот?

МЕФИСТОФЕЛЬ

(махлуқларни кўрсатиб)

Оғиб аклим, бош айланур шу заҳот.

ҲАЙВОНЛАР

Кошки кулиб бахт-саодат,

Бўлса фикримиз киройи,
Бўларди ажиб, бинойи!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Тўхтаб бирпас, қилгин эътибор,
Анчайин шоир экан баччағар.*

Она маймун қўзғаб турган қозон эътибордан четда қолиб, тоша майди; бирдан зўр аланга ҳосил бўлади ва мури орқали ташқарига тади, аланга ичидан мастон кампир даҳшат солиб пастга тушади.

АЛВАСТИ

Ҳой! Ҳой! Ҳой! Ҳой!
Лаънати ҳайвон!
Ҳой, чўчқа, ифлос!
Айт, нечун қозон
Қаровсиз қолган?
Қайдан аланга?
Олмоқбўлдинге
Кампирдан қасос?

(Фауст билан Мефистофелни кўргач)

Бу неси тағин?
Хўш, кимсиз, айтинг?
Мақсадингиз не?
Келурсиз қайдан?
Ҳап, сенларними,
Солиб қатронга,
Утда еқаман!

(Учўмични олиб, қозонга яқинлашади, Фауст ва Мефистофелга Ҳамда ҳайвонларга қарабўт сочади. Махлуқлар чийиллашади)

МЕФИСТОФЕЛЬ

Зил кетди! Зил!
Иўқолсин бўтқанг!
Синсин қозон,
Шишалар чил-чил!
Вуниси ҳазил,

Куйингга куй —
Бу билиб қўй!
Айер азозил!

(алвасти ғазаб ва даҳшат ичида орқага тисарилади)

Танимай қолдингми, қоқ суяк гўрсўхта?
Хўжа ва устозинг — танимайсан? Тўхта!
Синдириб ҳар нарсанг — килажакман абгор,
Маймунлар ҳам, ўзинг ҳам бўласан нобуд!
Қизил камзул солмас даҳшат сенга еҳуд?
Кўрмас кўзинг бошда хўроз патин магар,
Наҳот мен яширган бўлсам сендан юзим,
Еҳуд таништирмоқ лозим сенга ўзим?

АЛВАСТИ

Узр, беадаблик қилдим мен олчоқ!
Сизда от оеғин кўрмадим бироқ,
Иккита қарғангиз қани, дарвоқе? *

МЕФИСТОФЕЛЬ

Нима бўлса ҳам бу гал бўлдинг халос;
Қанча замонлар ўтди, дарҳақиқат,
Бўлмади бирга суҳбат ва мулоқот.
Дуне, маърифат ўзгарди беқиес.
Ўзга шамойил касб этдим асрга мос.
Шимол шарпаси дегандан йўқ нишон,*
Шох, туек, думдан ҳам қолмади нишон.
Бўлса-да боис жанжалга неча бор,
От оеғидан кечолмайман ҳеч воз.
Неча йилдирки, гўе еш бир шоввоз
Сохта этикни қилганман ихтиер.

АЛВАСТИ

Шодман, ақлу ҳуш учди бошимдан,
Зероки шайтон турар қошимда!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Номим айтишни, кампир, қиламан ман.

АЛВАСТИ

Хўш, не емонлик кўрдингиз ундан?

МЕФИСТОФЕЛЬ

У ривоят бўлиб қолган аллақачон;
Инсон емонликка йўяр буни ҳамон.
Евуз руҳдан улар бўлсалар-да халос,
Доғули кишилар эмас-ку ҳали оз;
Мени «жаноб барон» де, шунинг ўзи бас.
Мен аслзодалардек аслзода, холос.
Насл-насабим менинг олий, сенга аен.
Мана шу нишоннинг ўзи этар баен.

(Уножўя бир ишора килади)

АЛВАСТИ

(хахолаб кулади)
Хи! Хи! Хи! Ҳамон ўша-ўшасиз!
Шўх, айер одатингиз бор ҳануз!

МЕФИСТОФЕЛЬ

(Фаустга)
Ана, кўрдингми, дўстим, феълу атворим:
Нечук бўлар алвасти била рафторим!

АЛВАСТИ

Хўш, муддаолари не эди, жаноб?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Берсангиз бир шиша ичимлик ноеб!
Тағин бир илтимос — пухтароқ бўлсин,
Токи қудратидан умр узайсин.

АЛВАСТИ

Бажони дил! Бир шиша бор бисотимда,
Ичиб тураман гоҳо дилгир пайтимда.
Иўқцир заррача ҳиди — мусаффо ва соз,
Лутфан ўзлари таъмин билсалар оз-моз.
(секингина, Фаустга ишора қилиб)

Ана у киши ичса тобламай ўзин,
Яшамай бир он, ҳаетдан юмар кузин.

МЕФИСТОФЕЛЬ

У мунис дуст иши ўнгир ичса, бас;
Бергин бисотингда неки бор аъло.
Доира чиз, афсун кетмасин абас,
Косанг бўлсин, холос лиммо-лим, тўла!

(Алвасти ғалати имо-ишоралар қилиб, доира чизади, унинг ўртасига ҳар хил ажойиб-ғаройиб нарсаларни теради; шу аснода шишалар жаранглай бошлайди, қозон ҳам овоз чщаради, ҳаммасининг овози биргаликда мусиқага айланади. Сўнгра у катта бир китоб олиб чщади маймунларни доира ичига ўгщазади, улар қўлларида машъал ушлаши ва пульт вазифасини бажаришлари зарур. Умуштлари билан ишора қилиб маймунларни ўз енига чорлайди).

ФАУСТ

(Мефистофелга)

Хўш, айт бу нимани қилар ифода?
Телба-тубан қилиқ, имо-ишорат,
Жазава қилмоқдан бормикан фойда?
Елғон ила килиб бўлмас башорат.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ҳазил! Сал кулги бўлсин деб шунчаким;
Ранжима дўстим, қилма сен монелик,
Ҳийла-найрангсиз ким бўлипти ҳаким?
Афсунсиз таъсир қилмайди ичимлик.
(У Фаустни ҳам доирага киришга ундайди)

АЛВАСТИ

(Укўтаринки ҳаяжон билан китобдан нималарнидир ўқий бошлайди)

Гапимга қулоқ сол, ҳой!
Бирдан ўнни ясаб ол,
Ўндан икки сонин ол,
Бўлурсан сен шунда бой.
Сўнгра тўртни кил гумдон,
Қара, бешу олтидан,

Гап эшит алвастидан,
Ясагин етти, саккиз,
Бирпасда бўлар тўкис:
Тўққиздан бирнинг ўзи,
Ўндан-чи, йўқнинг ўзи.
Алвастининг ҳисоби
Акс этар шу каби.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Буниси гагшинг ибтидосидир, холос.
Маълумдир менга ундаги ҳар бир сатр:
У китоб бошдан-охир нуқул асотир.
Сарфлаб талай вакт ўқиб олганман паққос.
Доною нодон ўқиб чекар азият,
Чун ҳар бобида мужассамдир зиддият.
Ҳам янгидир, ҳам кўҳна, дўстим, бу санъат.
Азалдан бўлмиш шу тахлит, қолур минбаъд:
Ваҳқат ўрнини олгандир учюзлилик,
Ҳақиқат ўрнин эса ғалат юзсизлик.*
Донолик қилмоқ бўлар вайсаб баъзилар,
Айт, ахмоқ билан ким килар мулозамат?
Таҳлил қилмай сўз маънисини кишилар
Эшитса борми, килар унга эътиқод.

АЛВАСТИ

(давом этади)

Донолик ва коинот —
Кони қудрат ва ҳикмат,
Я ширин бўлур фақат.
Ким бўлса беўй, беғам,
Ўшанга бўлур инъом
Тамоман бемашаққат.

ФАУСТ

Нима деб алжир бу жодугар?
Бошим ерилай деди, шоввоз.
Бутун бир давра куилаб турар
Чиқаргандек минг телба овоз.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Етар, саховатли эй Сивилла!*
Бергин ичимлигинг, токи косанг
Сўнгги киррасигача бўлсин тўла!
Дўстимга келмайди бундан зиен:
Оддий киши эмас у қатъиян,
Майдан кўп сипқорган қайтмай бир он.

(Алвасти сертакаллуф бир ҳолатда шишада Фаустга ичимлщ узатади; Фауст уни оғзига теккизганда енгилгина ааанга ҳосил бўладщ)

МЕФИСТОФЕЛЬ

Қани, тез сипқор, то тубига қадар!
Дилингга шодлик бахш этар шу заҳот.
Наҳот иблис-ла бўлиб дуст, биродар,
Жиндай аланга солса сенга даҳшат?

(Алвасти доирани тилсимсизлантиради, Фауст ундан чиқади)

МЕФИСТОФЕЛЬ

Тез чиқ, фурсат ўтмасин,
Юриб тургин олмай тин!

АЛВАСТИ

Ҳар қултум қилгай сизни дарҳол сармаст!

МЕФИСТОФЕЛЬ

(алвастига)

Илтифотинг кетмас зинҳор, зинҳор абас!
Вальпургий тунида сал имо қилсанг, бас.*

АЛВАСТИ

Бу бир қўшиқдир! Куйлаб аҳен-аҳенда,
Сўнг сезарсиз не сир борин бу дармонда.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Англагил, эзгу фурсат ғанимат.
Қани, юр сайр қилайлик обдон,
Сирқираб чиқсин теринг танангдан,

Токи дорида бўлган куч-қудрат
Турфа жиҳатдан килгай таъсирот.
Севги илоҳи қилганда лоҳас,
Қўярсан балки ҳаетга ихлос.

ФАУСТ

Ўз ҳолимга қўй шу заҳот, шу онда!
Қарай тағин бир бор ўша кўзгуга,
Ўша дилрабо, ўша ой юзлига!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ҳозир бўлар намоен аел тимсоли,
Афсус, мажҳулдир сенга унинг мисоли.

(секингина)

Бу ноеб ичимликни қилсанг истеъмол,
Ҳар аел Еленадек тилинг қилар лол.*

К У Ч А *

ФАУСТ

(Маргаританинг олдидан ўтаетиб)
Соҳибжамол хоним, этсангиз ижозат,
Кузатиб уйгача, кўрсатсам илтифот.

МАРГАРИТА

Мен на хонимман, на соҳибжамол,
Кузатишнинг йўқҳожати тамом
Узим бораман уйга бемалол.
(ўгирилиб кетади).

ФАУСТ

Онт ичаманки, сулув экан чунон!
Бундай гўзални кўрмаганман, инон.
Одоб-тавозеъ, назокатли, маъсум,
Ақлимни олди у ширин такаллум.
Лаъли лаб, юзлар қирмиз, гўе алвон.

Токи тирикман, унутмам ҳеч қачон.
Кўзи кўзимга тушганда баногоҳ,
Бағримни тидди оташин у нигоҳ.
Мухтасар жавоб айлаб ул жилвакор,
Асиру мафтун этди мени такрор!

МЕФИСТОФЕЛЬ КИРАДИ

ФАУСТ

Ошна кил менга дарҳол ўша қизни!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Хўш, қайси қизни?

ФАУСТ

Енингдан ўтди-ку!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ўша! Зиерат килиб руҳонийни,
Бор гуноҳидан халос бўлмоқда-ку!
Саждагоҳ оша кўрдим уни шу он.
Унда мужассам: маъсумлик, диенат.
Борган қилай деб гуноҳини баен,
Йўқ унда гарчи бунга мутлоқ ҳожат;
Унинг устидан бўлолмайман ҳукмрон!

ФАУСТ

Унинг еши ўн тўртдан ошган.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ҳар гули раъно ишқида енган беор
Бир шаҳватпараст янглиғ сурасан хаел.
Ғурур-ла ўйлар ул: узилмаса шу гул,
Иззату нафс, виждон, ор бўлар бир пул;
Доимо чалпак емайди киши, хўб бил.

ФАУСТ

Мухтарам жаноб магистр Лобезан,*
Рисола, қонун! Уларни қўй бир ен!

Гапни қилаиин мухтасар ва лўнда:
Ўша ишвакор, ширинзабон жонон
Гар оғушимда бўлмаса бу тунда,
Орани очиқ деб билгин ўша он.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Нима ҳам қилиш мумкин, ўйлаб кўр!
Қулай бир фурсат топмоғим учун
Камида икки ҳафта вакт зарур.

ФАУСТ

Бўлсайди менда етти соатлик бардош,
Шу махлиқони мафтун этмоғим учун
Зинҳор бўлмасдим мен сен шайтонга сирдош.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Французни эслатар килиғинг, ошнам.
Илтимос, бўлмагин бунча беқарор,
Лаҳзалик лаззатдан келгай дард, озор.
Кўп чўзилмас қувонч, келтирар дашном.
Сайр қилсанг аввал боғ, хиебонда,
Сўзласанг саргузашт аҳен-аҳенда.
Ҳикоя қилгандек ажнабий қисса,
Хўб бўларди — жонон мафтун этилса.

ФАУСТ

Эҳтиросим шусиз ҳам хўб жойида.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Энди тамоман беҳазил ва жиддий:
Ул махлиқога дарҳол бўлмоқ восил
Тўғрисин айтсам, тезда бўлмас насиб.
Зўравонликни кўрмайман муносиб,
Айерлик билан бўлур мурод ҳосил.

ФАУСТ

Келтир бир нарса жонон хазинасидан!
Бўлайин воқиф е унинг хонасидан!
Жилла бўлмаса келтир кўкрак боғичин,
Келтир лоақал, жонон, пайпоқ боғичин!

Бамисли гўдак қилиб ноз-табассум,
Ўпган бобосин қўлидан, қолиб лол.
Сенда мужассам, фариштам, фаросат!
Гиламлар нозик дид ила езилган,
Сепилган қум ҳам бўлсин деб тароват.
Наҳот барчасин ўргатганди онанг?
Қўлларинг мангу дард кўрмасин, паризод!
Жаннат айлабсан сен бу кулбахонанг.

(Учойшабни кўтарибқарайди)

Қандай нафосат, мафтун этди алҳол!
Мангу қолишга ҳозирман мен бунда.
Ҳассос табиат, яралмиш қўйнингда
Ва топмиш камол шундай соҳибжамол!
Ҳает даззатин тотиб мисли гўдак,
Тўлишган роса нозик-ниҳол кўкрак!
Маскани бўлиб майин, момиқтўшак,
Балоғат топмиш шу илоҳий тимсол!

Айт, келишдан бу ерга недир ният?
Босмоқда мени ботин бир ҳаяжон!
Юрак сиқилди — эздими е уят?
Наҳот сен бўлсанг бу Фауст, нотавон?
Наҳот сеҳрли бир ҳид қилар сархуш шу чоқ?
Бардош тугаб завқ қилгум келур шу заҳот;
Қурғур муҳаббат хаели бермас роҳат!
Эсган ҳар елга наҳот бўлсак ўйинчоқ?

Кириб келса шу заҳот ногаҳон,
Нечук ювардинг дағаллик доғин?
Ҳоврингдан тушиб сен ботир шу он
Ўпардинг балки унинг оеғин!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Тезроқ бўл! Ана, у келаетир!

ФАУСТ

Қайтмайман зинҳор! Бор сен! Боравер!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Мана қутича — жавоҳир тўла;
Сени деб уни киритдим қўлга,
Олиб қўй, жойла дарҳол жавонга!
Ақлин олар у тегса жононга;
Бўлсин деб унга эрмак, овунчоқ,
Олгандим гавҳар била ўйинчоқ.
Нима ҳам дердик азалий одат:
Ўйинчоқ гўдак учун саодат.

ФАУСТ

Наҳот мен бунга этолсам журъат?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Мунча беқарор бўлмасанг, шоввоз!
Ганждор бўлмоқни қилдингми ҳавас?
Минбаъд, қилайин сенга маслаҳат:
Сезганда нафсу шаҳват дардини,
Билгин бебаҳо вақтнинг қадрини.
Токи чекмайин сен учун заҳмат.
Имоним комил — эмассан хасис!

(у қутичани жавонга жойлаб, уни қайта бекитади)

Урдим нафсинг деб ўзимни ҳар ен,
Қиддим-ку, ахир қўлларимни қон!
Тез жўна, кўрсатмай из!
Маъсума бир гўдакни
Ўйласанг-чи, бундоқ,
Диенатданми, ахир,
Эс-ҳушидан оздирмоқ?
Ўйлайсан е бу остона
Сенга маърузахона?
Турибсан солиб салобат,
Уқимоқ бўлдингми е
Бунда метафизикани
Е кутар илми табиат?
Туеғинг шиқиллат, қани!
(кетади)

МАРГАРИТА

(кўлида чироғи билан)

Мунча димлик, мунча диққинафас,

(деразани очади)

Тишда, ахир, унча иссиқ эмас.
Менга шундай туюлар, эхтимол,
Онам келиб қолсайди шу маҳал.
Нечук титроқ босар бутун жуссам,
Не ҳам дердим — бир муштипар бўлсам!

(у ечинаетиб қўшщ айта бошлайди)

Бўлган экан Фуледа бир қирол,*
Севгисида экан чин вафодор.
Маҳбубаси унга ўлар маҳал
Берган экан олтин жом жилодор.

Сипқорганда май зиефат чоғи
Эзгу нарса ўшал экан фақат.
Қалққанида кўзга еш булоғи,
Қона-қона ичаркан бетоқат.

Машъум ажал олганда еқадан,
Бисотида бор шаҳрин қария
Аямаяпти бола-чақадан,
Лек ҳеч кимга бўлмапти жом ҳадя.

Ғамин езмоқ бўлиб у, аслида,
Берган экан зиефат шоҳона
Уммон еқда — боболар қасрида.
Навкарлари-чи, бўлмишлар парвона.

Шунда қирол — ўша кекса улфат
Сипқорипти қадаҳин сўнгги дам.
Итқитипти сўнг бўлиб ҳижолат.
Жом бўлипти тўлкинларга ҳамдам.

Жом ортидан қарабди нигорон,

Лекин денгиз қилганди уни ғарқ.
Юмиб кузин, чол берди шунда жон
Ҳам ичишни қилди мангуга тарк.

(у кийимларини жойлаштириш учун жавонни очади ва унда қутичани кўриб колади)

Қайдан келди бу қутича, қизиқ ҳол?
Ахир, жавонни бекитгандим дарҳол.
Ажабо! Нелар бор экан қараб ол!
Гаров деб қўйган бирон киши балки,
Онам-чи қабул қилган уни алҳол.
Ана калит ҳам унинг енида-ку!
Очсаммикан е қутини бемалол?
Бу не ҳол? Қара! Зеб-зийнат! Е раббим!
Бунақасини зинҳор кўрмагандим!
Бу аслзода хонимларга-ку хос,
Байрам кунлари тақса бўларкан соз.
Ярашармикан менга занжир мунчоқ?
Кимники экан бу зийнат, ўйинчоқ?

(у ясаниб-тусаниб ойна олдига келади)

Меники бўлса исирға, лоақал!
Бўларди ҳусним янада мукаммал.
Сохта ҳусндан не суд, эй норасида?
Шусиз ҳам ҳусну чиройинг жойида!
Ростин айтсам, йўқбизда қаноат;
Ҳам мани этар жал б олтин деган зот.
Гоҳида қилиб шафқат,
Ўқирлар мадҳ, олқишлар.
Ҳамма нарса аслида
Олтингадир вобаста.
Олтинга ҳирс ҳар касда.
Не қилолур айт, биздек боеқишлар?!

САЙРДА

(Фауст хаел су риб нари-бери кезмокда. Мефистофель унга якин келади)

МЕФИСТОФЕЛЬ

Рад этилган муҳаббат ҳаққи!
Дўзах ўти даҳшати ҳаққи!
Билсайдим гар ботишинг ғамга,
Ҳар балони солардим ишга.

ФАУСТ

Не бўлди сенга? Нечун юзинг абгор?
Бунақа юзни кўрмаганман зинҳор!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Шайтонга бўйин эгардим бегумон,
Агар мен ўзим бўлмасайдим шайтон!

ФАУСТ

Миянг жойидами ўзи, эй шайтонзот,
Бедаво жиннидек соласан дод-фарёд?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Гретхенга деб топганим зеб-зийнат
Руҳоний учун бўпти бойлик, бисот!
Зийнатни курай деб олгани заҳот
Онани чулғаб олди ботин даҳшат;
Онаси ўткир каромат соҳиби
Унга ед бўлмиш дуолар китоби.
Аше ҳидидан гар бўлса у воқиф,
Ҳалол е ҳаром қилади у таъриф.
Зебу зийнатни кўргач сезди равшан,
Қилди шикоят, келтирмас деб бахт, шаън.
Ҳаром бу бойлик — қилса-да дилни банд,
Бундай бойликдан бўлмас руҳ баҳраманд.
Биби Марямга ҳадя бўлсин зийнат,
То насиб бўлгай ул самовий неъмат».*
Боқма гишига, совға қилинса от,
Кўрсатди Гретхен норози қиёфат:
«Даҳрийдир, наҳот, бўлмаса адолат
Буни қолдирган касда, дарҳақиқат».
Мушкул жумбоқдан бўлсин деб хабардор,
Руҳоний сари йўл олди тақводор.
Руҳоний келди зудлик ила дарҳол.

Зийнатни кўриб йўқотди у ўзин,
Онага қараб давом қидди сўзин:
«Тўғри қарорга келгансиз сиз алҳол.
Кимки борига гар қилса қаноат,
Унга бахт, толе ер ҳар вакт, ҳар соат.
Черков деганинг тубсиз бир жиғилдон,
Бутун давлатни ҳам киладир гумдон.
Черков шундайин очофат, азизим,
Ҳар қандай ҳаром молни қиладир ҳазм».

ФАУСТ

Юлғичлик кўплар учун муштарак одат:
Яҳудий ва қиролда ҳам шудир одат.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Шу аснода исирға, узук ва маржон
Кераксиз бир чақадай бўлдилар гумдон.
Лаънати айтмай ҳатто бирон ташаккур,
Гўеки енғоқ тўла сават шу заҳот
Юлиб кетди зийнатни очкўз, ношукур.
Ваъдалар қилди бўлур дея шафоат.
Боекишлар шунга ҳам қилди қаноат.

ФАУСТ

Гретхен-чи?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Йўқ танида ором,
Не киларин билмайди нотавон,
Фикри-зикри ўша зийнат-ла банд.
Ўйлар: кимдир уни келтирган мард?

ФАУСТ

Юрагим эзар маҳзун маҳбубам,
Топгин тағин бир зийнат ўтмай дам!
Аввалгисидан ҳам бўлсин оғир.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Зеб-зийнаттопмоқэрмакмас, ахир!

ФАУСТ

Интил, қалбим амрин келтиргин бажо,
Қўшнисин ишга сол, сендан илтижо!
Бўлма ношуд, кўрсат шайтонча санъат,
Ўтмасин фурсат, топ янги бир зийнат!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Бўпти! Бажонидил, жаноби тақсир!

(Фауст кетади)

МЕФИСТОФЕЛЬ

Маҳбубаси-ла сайр учун бир бора
Арзимас баҳога сотишга қодир
Юлдуз, қуеш, ойни ҳам у бечора.
Маъшуқ йигит телба бўлгач не чора?
(кетади)

ҚЎШ Н И ХОТИН УЙИ*

МАРТА

(елғиз)

Кўрмаган бўлсам ҳамки бир эзгулигин,
Асрагил, эй худойим, у суюклигим!
Мардона кириб жангга, ўлгандир алҳол,
Бева-боеқиш қолдим мен афтодаҳол.
Вафо қиддим куймасин деб ғам-аламдан.
Илоҳ ўзи гувоҳдир: севардим жондан.

(йиғлайди)

Теккандир балки ажал ўқи баногоҳ!
Ўлимидан кошкийди бўлолсам огоҳ!
(Маргарита келади)

МАРГАРИТА

Вой, Марта хоним!

МАРТА

Нима, Гретхен — жоним?

МАРГАРИТА

Йиқилай дедим, кетиб тиззамдан мадор!
Не кўзим билан курай боз ўша жавон
Бахш этди зийнат тўла қути жилодор.
Унинг ичида: ашелар алвон-алвон,
Аввалгисидан зиедадир минг чандон.

МАРТА

Онангизга айтиб қўймангиз зинҳор,
Тағин руҳонийга килмасин ошкор.

МАРГАРИТА

Қаранг, қандай ажойиб, қандай антиқа!

МАРТА

(уни ясантираетиб)
Бахтлисан, хурлиқо!

МАРГАРИТА

Бу либосу зийнат ила афсус, ҳайҳот
Чиқарман на черков, на кўчага умрбод!

МАРТА

Енимга тез-тез келиб тур фақат.
Майли, тақиб кўр безагинг пинҳон,
Ойна олдида кил сайр, марҳамат.
Ает шодлиги шундадир, инон;
Байрамлар келар, чиқарсан сайлгоҳ,
Узук, исирғанг, қўрқма, тақиб юр,
Қўшнилар бўлсин майлига, огоҳ.
Онанг, эҳтимол, кўрмай ҳам қолур,
Кўрса башарти, илож топилур.

МАРГАРИТА

Қизиқ, ким экан у соҳиби зийнат?
Ажабмас, бўлса бунда бир хиенат?

(биров эшикни тациллатади)
Е Парвардигор! Онам бўлса наҳот?

МАРТА
(парда орасидан цараб)
Аллақандай ет бир киши! Марҳамат!

(Мефистофель киради)

МЕФИСТОФЕЛЬ
Хонимлар, мени авф этинг, илтимос,
Зеро ташрифим бўлди ғоят бехос.

(Маргарита бош эгади)

Марта Швердтлейнни кўрмокчийдим, холос.

МАРТА
Менман, хўш, жаноб нима демоқ истар?

МЕФИСТОФЕЛЬ
Сизни танидим шунинг ўзи етар;
Меҳмонингиз бор экан — киборий зот.
Мақсадга унча мувофиқмас фурсат,
Майли, бошқа пайт қилурмиз мулоқот.

МАРТА
(қаттиқ)
Кўрдингми, болам, жаноб меҳмон
Сени хоним деб қилар гумон!

МАРГАРИТА
Мен боеқиш — еш бир ниҳол,
Жаноб-чи, қандай баркамол!
Меникимас бу зеб-зийнат.

МЕФИСТОФЕЛЬ
Оҳ, гап зеб-зийнатда бўлсайди фақат!
Сендаги у нигоҳ, у самбит қомат
Қувонтирар кўзни, қолганим бўлсин!

МАРТА
Сўйланг бир ахбор, дил чигилин езсин!

МЕФИСТОФЕЛЬ
Келтирмоқ эди ниятим хушахбор!
Эрингиз мушфиқ тарк этди оламни,
Келтирдим сизга унинг саломини.

МАРТА
Ҳайҳот! Ўлдими ул вафодор?
Яшашдан не суд, бўлмаса ер?

МАРГАРИТА
О, қадрдоним, бўлма дилпора!

МЕФИСТОФЕЛЬ
Қайғули қиссани тингланг муфассал!

МАРГАРИТА
Севгисиз яшамоқ авло минг бора;
Жудолик чеккандан, ўлганим афзал!

МЕФИСТОФЕЛЬ
Ҳар шодликнинг бир азоби бор,
Ҳар азобнинг бир шодлиги бор.

МАРТА
Сўзланг, нечук юмди кўз ул диловар?

МЕФИСТОФЕЛЬ
Авлие Антоний ила енма-ен,*
Падуа шаҳрида дафн қилинган.
Етипти муқаддас, гўзал даргоҳда,
Илалабад захкаш бир оромгоҳца.

МАРТА
Келтирмадингизми ундан бир нишона?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Қилганди илтимос — мушкул ҳамда масъул:
Ўқитасиз унга уч юз бор жаноза!
Афсус, чўнтагимда йўқ бир чақа ҳам пул.

МАРТА

Наҳот, бўлмаса тиллақош е болдоғ?
Шогирд йигит ҳам ерга деб армуғон,
Недир асрармиш ҳаменида ҳар чоқ;
Қолса оч, ичса ҳамки оби евғон,
Тиланса-да, у бамисли нотавон.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Бунинг учун, хоним, ачинаман қалбан;
Тўғри, исрофгарчилик эмасди унга хос.
Сал янглишса агар, қиларди пушаймон,
Нолирди бахтсизман, дея тортиб уввос.

МАРГАРИТА

Оҳ, наҳот мунча бахтсиз инсон деган зот?
Арзир бояқиш учун минг бор муножот.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Қурсангиз турмуш сизга хўб ярашур,
Хонадон учун бўлурсиз зўр ғурур.

МАРГАРИТА

Йўғ-е! Ҳали эрта бағоят!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Шартмас эрга тегиш — жазман топинг аввал!
Оғушингизда бўлса шундай соҳибжамол,
Шунинг ўзимасми фирдавсий фароғат?

МАРГАРИТА

Юртимизда йўқ бундай одат.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Одатми еки йўқ — шу инсоний тийнат!

МАРТА

Сўзлангиз — қиссангиз!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Внида бўлдим то бергунча жон —
Чириган похол устида нотавон.
Ўлим тўшаги қилмасди гўнгдан фарқ,
Лекин Исодек этди дунени тарк.*
Недандир бўлиб хуноб, қилди баен:
«Наҳотки, қилиб шунча нафрат, кечган —
Бўлсам тамоман санъат ва еримдан!
Уни эсласам, жигар бўлар пора;
Қолмасди армон, кечирса сўнг бора!»

МАРТА

Ўшанда кечгандим барча гуноҳингдан,
Эҳ мўмин бечора!

МЕФИСТОФЕЛЬ

«Ундан ўтганди кўп гуноҳ», деб тортди оҳ.

МАРТА

Алдаган у аблаҳ!
Ўлим тўшагида сўзладими елғон?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Қайдам, сўнгги нафас чулғаб бошин хаел,
Алаҳсирагандир ҳар нени эҳтимол:
«Бўлсин деб ошу нон, бўлсин деб зурриет,
Лаҳза ҳам ўтмаган беҳудак* бекор.
Манглай терим билан топган нонни, ҳайҳот,
Қилмадим истеъмол осойишта зинҳор!»

МАРТА

Эссиз вафодорлик ва муҳаббат,
Тун-кун тортган азоб ва уқубат!
Унутилган бўлса дарров наҳот?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Асло! Самимий қилганди сизни ед:

«Мальтадан йўлга равона бўлган он,*
Дея қилганди боеқиш ҳикоят,
Қилдим муножот оилам-чун обдон.
Бахш этди илоҳ бизга ўз эҳсонин:
Асир этгандик султон хазинасин —
Юклаган улкан бир турк кемасин.
Кўрсатдик шунда биз беҳад жасорат.
Ўлжа тушганди катта бойлик, бисот.
Олгандим мен ҳам ўз улушим албат».

МАРТА

Қани, ўша? Қайда?
Бирор жойга кўмгандир, эхтимол?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Уни топиш энди амримаҳол.
Неаполда сайр қилган замон*
Уни мафтун этганди бир жонон.
Бутун ишқин ўша соҳибжамол
Эрингизга қилганди армутон.
Сўнг дамгача яйради беармон.

МАРТА

Чин эр қиларми ерига хиенат?
Нечун бўлмади моне фарзанд, хонумон?
Нечун эзмади уни виждон, диенат?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Озор тортманг! қучди уни совуқ лаҳад!
Сизнинг ўрнингизда бўлсайдим мен агар,
Мотамин тутардим бир йилгина фақат,
Топардим сўнгра янги бир вафодор.

МАРТА

Ўша эди илк бор севган ерим, ҳайҳот,
Топилса наҳот жаҳонда ўшандай зот?
Енгилтаклиги бор эди унинг, зотан,
Саеҳатни кўп севарди ҳақиқатан.
Фахш ва майхўрлик ила чиққанди оти
Бермасди ором қимор деган лаънати!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ўкинманг, хоним, ўтган ишга саловот.
Боеқиш берган экан изн-ижозат,
Ийманмай қилинг эди ҳузур-ҳаловат!
Узутим бўлгай аҳдимизга шаҳодат,
Не дейсиз, қайлиқ бўлишга онт ичайин?

МАРТА

Эҳ жаноб, мазах қилмоқ бўласиз тағин!

МЕФИСТОФЕЛЬ

(ўзича)

Энди жуфтакни ростламоқ зарурдир шояд!
Сўзамол экан шайтонга қилмас иноят.

(Греткенга)

Қалбинг топмаган, шекилли, ҳали улфатин?

МАРГАРИТА

Сизга қолдими ўйламоқ биров кулфатин?

МЕФИСТОФЕЛЬ

(ўзича)

Еқимлисан-да, маъсума!

(овоз чщариб)

Яхши қолинглар, хонимлар!

МАРГАРИТА

Соғ бўлинг!

МАРТА

Айтсангиз тезроқ шу заҳот!
Олсам дегандим сиздан аниқ ахбор:
Қайда ва қачон этганди у вафот,
Нечук кўмилган экан ул дилафкор?
Одат бўйинча ҳафталик варақда
Уқисам унинг ўлганлиги хақда.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Хоним, азаддан мавжуддир расму одат:
Икки гувоҳсиз очилмайди ҳақиқат.
Бир фаҳмли дўстим бор воқеадан воқиф,
Ҳакам бўлурсиз — қўрганин қилар таъриф.
Бошлаб келурман.

МАРТА

Шундай қилинг, албат!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ещ хоним бунда бўлурми ўша он?
Дўстим кўп кезган, ўткир зеҳн, билимдон
Ҳам мужассамдир унда, дарҳақиқат,
Сулувлар севган тавозеъ, фаросат.

МАРГАРИТА

Ийманиб турсам жаноб олдида лол.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Тортинманг, бўлса ҳамки шоҳ е қирол!

МАРТА

Уйимиз ортидаги хушҳаво боғда
Кутамиз жанобларни биз оқшом чоғда.

К У Ч А

ФАУСТ ВА МЕФИСТОФЕЛЬ

ФАУСТ

Хўш? Қани, айт-чи, топдингми бирор имкон?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Оббо, азамат! Кор қилдими ишқ-ҳасрат?
Сеники бўлур Гретхен ўтмай кўп фурсат!
Қўшниси Марта хонимга бўлсак меҳмон,
Маҳбубанг васлин кўражаксан ўша он;
Совчиликка у пихини ерган аел,
Лўлидек тилга кирса, иш битар дарҳол!

ФАУСТ

Балли!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Эвазига даркор қилмоқ эзгулик.

ФАУСТ

Ахир, яхшиликка жавоб бўлур яхшилик.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Боеқиш эрининг жасади, дарҳақиқат —
Падуа шаҳрида Антоний-ла енма-ен
Дафн этилган деб келтирсанг, бас, шаҳодат!

ФАУСТ

Тўғри тадбир! Демак, қиламиз боз саеҳат?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Гап шуни қилмасликда!
Фақат донолик қилмасдан исботлашда!

ФАУСТ

Тегмаса нафи, барбод бўлур ният.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Мунча соддасиз, эй мурувватли зот!
Умрингиз ўтиб биринчи бор, наҳот,
Баен этарсиз қалбаки шаҳодат?
Наҳотки, одам ва мавжудот ҳақца,
Инсон қалби ва тафаккури ҳақца
Бермагансиз ҳеч бир елғон тафсилот?
Сиздан бир хизмат: гувоҳ бўлмоқ, холос
Ҳам Швердтлейн ўлди, деб иқрор бўлмоқ, бас!

ФАУСТ

Сен-ку азаддан каззоб,
Шундай қолурсан қаллоб!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Шундай туюлар сенга, эҳтимол,
Кимлигим теран билмаган чоғда!
Ваъдангни қилиб суиистеъмол,
Севги ҳақи деб қилиб қасамед,
Сафил Гретхенни қолдирма доғда!

ФАУСТ

Чин қалбдан холос!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Жуда соз!
Мангу деб ўйлайсан, наҳот:
Садоқат ҳамда муҳаббат
Ва жушқин, елқин эҳтирос?
Урармн туғен қалб ҳар он?

ФАУСТ

Бас, етар! Шундай бўлади бегумон!
Севгидек туйғу этгач қалбим асир,
Васфин қиларга топилмас ном, тасвир.
Чўмиб хаелга кезганда ҳам жаҳон
Топиб бўлмас сўз унинг мадҳига хос.
Мени ўтларга солган бу эхтирос
Дейман: чексиздир, мангудир ва мангу!
Наҳот, шайтоний сохта ўйиндир бу?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Мен ҳақман ҳарҳолда!

ФАУСТ

Тингла сўзимни,
ҳақлигин қилмоқ бўлса агар исбот,
Сўзлар сўзини тили бор ҳар бир зот
Е тияр ўзини.
Тўғриси, жонга тегди бу сафсата;
Ҳақсан, чун ишим сенгадир вобаста!

БОҒ
МАРГАРИТА БИЛАН ФАУСТ, МЕФИСТОФЕЛЬ БИЛАН МАРТА ҚЎЛТИҚЛАШИБ, НАРИ-БЕРИ САЙР ҚИЛИШМОҚДА

МАРГАРИТА

Кўрсатиб сиз менга нозик илтифот,
Қилмоқцасиз мени чиндан ҳижолат.
Саеҳатчиларга хос бундай одат
Улар-чун эзгулик бўлур кифоят;
Хўб биламан, сиздек омилкор бир зот
Оддий суҳбатимга қилмас қаноат.

ФАУСТ

Сен ташлаган нигоҳ ва айтган сухан
Барча доноликдан мароқли, билсанг.
(Маргаританинг қўлидан упади)

МАРГАРИТА

Қўйинг, беҳуда тортмангиз заҳмат!
Дағал, қадоқли қўлларим, наҳот,
Сиз этолдингиз ўпишга журъат?
Қўлим тегмаган борми бир юмуш? —
Куп тартибсевар онам боеқиш.
(Олдинга ўтиб кетишади)

МАРТА

Нечун бир умр қилмоқ саеҳат, жаноб?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ҳа, бурчимиз шуни қилади талаб!
Баъзан чекиб қанча ҳасрат, надомат,
Не-не қароргоҳлар қолади ортда,
Тақозо қиларкан шуни зарурат!

МАРТА

Ешлик йилларин ўтказиб бепарво,
Жаҳон кезади инсон қайта-қайта;
Келар евуз пайт — ажал деган юҳо,
Оламдан ўтар сўққабош дилсўхта,
Зеро танҳолик бермайди тасалло!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ўша замон алҳол солмоқца даҳшат.

МАРТА

Алҳазар! —денг, жаноб, ўтмайин фурсат!
(олдинга ўтиб кетадилар)

МАРГАРИТА

Ҳа, кўздан нари — кўнгилдан нари!
Хуштавозеълик сизга бир одат;
Дўстларингиз ҳам куп сизнинг ғоят,
Улар бефаҳммас менинг сингари.

ФАУСТ

Маҳбубам, сўзимга инон!
Кимни фаросатли деб қилсалар фаҳм,
Сўнг чиқади донғи: мағрур ва калтафаҳм.

МАРГАРИТА

Хўш, нечун?

ФАУСТ

Афсус, камтарлик, маъсумлик ҳеч қачон
Топмас ҳаетда ўз қадрини зотан!
Гўе тобелик, тубанлик армуғон —
Эмиш баъзилар учун табиатан.

МАРГАРИТА

Бир лаҳза қилсангиз агар мени ед,
Ишонинг, едимда бўлурсиз умрбод.

ФАУСТ

Танҳо қолган онлар кўп бўлар шояд?

МАРГАРИТА

Ҳа, унча катта эмас бизнинг рўзғор
Ва лекин уни бошқармоқ ҳам даркор.
Бўлмаган бизда чўри деган бир зот;
Менинг бурчимдир: тайерламоқ овқат

Ҳамда тўқимоқ ва уйни супурмоқ;
Мен мажбурдирман кийим-бош тикишга,
Хуллас, вазифамдир туну кун югурмоқ;
Онам бағоят пухтадир ишига:
Ўрнида бўлсин дейди ҳар бир нарса.
Хасислик эмас асло унга одат. —
Кечмоқда бизда эл қатори ҳает;
Отам қоддирган кўп бисот — нимарса:
Шаҳар четида кичик боғ, хонадон.
Кунлар ўтмоқца тинч ва дориломон.
Акам-чи солдат,
Синглим боеқиш қилган эди вафот.
Гўдак тушмагур берарди кўп азоб;
Бўлсайди ҳает,
Майлига, ютсам унинг учун зардоб.
Суюмли эди сингилгинам гоят.

ФАУСТ

Сенга ўхшаса бўларкан моҳитоб!

МАРГАРИТА

Эркалаб уни қилардим парвариш,
Шу-чун севарди мени у боеқиш.
Туғилганди у вафот қилгач отам.
Онам етарди гамгин, тутиб мотам,
Кўринмас эди ҳеч нарса кўзига,
Енгиб дард-ғамни келганди ўзига.
Сал бўлмаса шум қисмат соларди чанг.
Мен-чи ўхшаб бир нотавон дояга,
Сут ва сув ила етказдим вояга.
Тиззаю сийнам бўлди унга маскан,
Улғайди гўдак яйраб, қийналмасдан.

ФАУСТ

Ҳақиқий бахтни шунда ҳис этгансан!

МАРГАРИТА

Ҳар соат, ҳар оним ўтарди ғуссадор.
Тўшагим енида турарди тун-саҳар —
Бешиги; тиқ этса, бас, бўлардим бедор;

Талпинса сабий мен томон сезиб наҳор,
Уйқуни этардим тарк йиғлаб турса гар.
Унинг-чун айтардим тун бўйи аллалар.
Тонг-саҳардан бошлаб жомашовда қўлим,
Гоҳ ўчоқ, гоҳ бозор сари тушар йўлим.
Алҳосил, эрта-кеч такрор бўларди шу.
Ҳает шундай, тақсир, бахт кулмайди мангу,
Шунинг-чун таъмлидир ош, ширириндир уйқу
(сайр цилишни давом эттирадилар)

МАРТА

Сўққабош мардумни аел муштипар
Сололмас ҳақиқат йўлига зинҳор.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Бўлсайди сизга ўхшаган ўртоғим,
Жон деб олардим эзгулик сабоғин.

МАРТА

Тўғрисини айтинг, сир тутмай асло,
Наҳот бермас биров сизга тасалло?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Халқ донолиги шундай ўргатаркан:
Ўз ўчоғинг ва ўз жонажон беканг
Шода олтину дурдан қиммат экан.

МАРТА

Сезмабсиз ҳеч қачон шодлик нелигин.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Кўрганман эҳтиром, қаен бормайин.

МАРТА

Истардим билмоқ: бўлмаган наҳот,
Юрагингизда жиддий бир ният?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Аел зоти-ла ҳазилга йўқ майлим!

МАРТА

Тушунмадингиз тағин менинг фикрим!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ачинаман гоят!
Англаб турибман, сиз хўб серилтифот.
(юришда давом этадилар)

ФАУСТ

Мен боққа қадам қўйганим ўша он
Танигандирсан мени, сен-малакзот?

МАРГАРИТА

Уялдим роса, сезмадингиз, наҳот?

ФАУСТ

Адабсизлигим кечирасанми, сан?
Эсингдами, сен чиққанда собордан
Қилгандим қўпол, ножўя ҳаракат?

МАРГАРИТА

Бўлмаганман хижил бунчалик ҳеч қачон;
Емонлигим тилга олмаган ҳеч бир зот.
Ўйладим ўшанда: наҳот курган экан
Менинг тийнатимда тубан бир ҳаракат,
Мени бир чўри қиз дея қилиб хаел,
Мақсадга етарман деб ўйлар, эҳтимол?
Тегмайин деб иззат-нафсингизга, жаноб,
Тўғрисини айтсам, бўлдим чунон хуноб.
Солмадимми, дея дилингизга ғубор,
Койидим ўзимни ўшанда неча бор.

ФАУСТ

Ширин дилбарим!

МАРГАРИТА

Қўйиб юборинг!
Шаргарита юлдузчечаклардануэиб, уларнинг баргларини бирин-кетин юла бошлайди)

ФАУСТ

Бу нима, гулдастами?

МАРГАРИТА

Бу бир ўйин шунчаки!

ФАУСТ

Ҳа, шунақами?

МАРГАРИТА

Боринг! Мазах қиляпсиз!

ФАУСТ

Не деб ғўнғиллаяпсан?

МАРГАРИТА

(сап овоз чиқариб)

Севади, йўқ, севмайди. —

ФАУСТ

Сен менинг маъбудамсан!

МАРГАРИТА

(давом эттиради)

Севмайди, йўқ, севмайди. —

(сўнгги япроқни узаркан, севинчга тўлиб)

Мени севади!

ФАУСТ

Ҳа, майли, гўдагим, бу гул ўйини
Бўлсин башорат! У севади сени!
Укдингми ниятим? Севаман сени!

(Маргаританинг қўлларидан ушлайди)

МАРГАРИТА

Титроқ босмоқца мени!

ФАУСТ

Бўлмагин хавотир! Майли, бу нигоҳ

Ва бу қўлсиқишлар айласин сени
Юракда яширин сирлардан огоҳ!
Майли, мангу бўлсин юксак ҳиссиет,
Ихлосу муҳаббат, ҳузур-ҳаловат!
Умид бўлур барбод, бўлса у адо,
Мангу бўлсин деймиз бахту саодат!

(Мйргаритаунингқўлларинисщади, сўнгқўйворибцочади. фауст бирпас хаелга чўмгач, унинг ортидан цувиб кетади)

МАРТА

(келаетиб)

Қўнмоқда оқшом.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ҳа, кетсак ҳам бўлар.

МАРТА

Қилсак дегандим бунда андак ҳангом;
Ва лекин ғоят хатарли бу жойлар.
Йўқдир гўеки кишилар юмуши,
Улар қўшнисин қадамини санар,
Йўқ гўе бошқа ғам-андуҳ, ташвиши.
Ерга қоқилган бир қозиқдек турар,
Сира тугамас уларнинг миш-миши.
Қани бизнинг бир жуфтимиз дарвоқе?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Боғ ора чоғи қилди улар парвоз,
Гўеки эркин, озод қўш капалак!

МАРТА

У қизга қўйди чоғи ростдан ихлос.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Қиз ҳам инчунин. Шу гардиши фалак.

БОҒДАГИ УЙЧА.
МАРГАРИТА БИР САКРАБ ЭШИК ОРКАСИГА ЯШИРИНАДИ, ЬАРМОҒИНИ ЛАБЛАРИГА БОСИБ, ЭШИК ТИРҚИШИДАН МЎРАЛАЙДИ.

МАРГАРИТА

Ана, келяпти у!

ФАУСТ

Ҳа, зумраша, мазах қилдингми мени?
Тўхта, ҳали сени!
(Маргаритани ушлабупади)

МАРГАРИТА

(Фаустни цучади ва упади)
Соҳибдил зот, жондан севаман сени!

(Мефистофель эшикни қоқади)

ФАУСТ

(аччиғланиб)
Ким у?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Яқин дўстинг!

ФАУСТ

Ҳайвон!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Хайрлаш энди, дўстим!

МАРТА

Ҳа, кеч бўлди, жаноб.

ФАУСТ

(Маргаритага)
Ҳожати йўқ, онам кўрса... Хайр!

МАРТА

Хайр!

МАРГАРИТА

Кўришгунча, хайр!

ФАУСТ БИЛАН МЕФИСТОФЕЛЬ КЕТАДИ.

МАРГАРИТА

Е тавба! Киши ҳам бўлурми шунча доно?
Неки чигал бўлса жавоб топар ҳамоно!
Унинг олдида мен тортаман истиҳола,
Барча саволига бераман бир жавоб «ҳа».
Нодону нотавон, содда гўдак бўлсам ман,
Унинг дидига мос не бор менда, ҳайронман?!

Ў Р М О Н Д А Г И Ғ О Р

ФАУСТ

(елғиз)
Эй сарбаланд арвоҳ, инъом этдинг менга
Ҳар нимарса — неки қилгандим илтижо.
Қўрдим нурли сиймонг, лек кетмади бекор:
Бахш этмишсан менга куч-қудрат, онг-шуур,
Табиат ҳуснидан бўлгум мен бахраманд.
Ахир, эмасман мен тумшайган бир меҳмон;
Дўстим қалби нечук бўлса менга аен,
Табиат сирини шундай этдинг баен.
Барча тирик жонзот сафин кўз олдимга
Этдинг сен намоен; эмикдошларимнинг
Англатдинг яшашин сокин ўрмонгоҳда,
Долгалар қаърида, зангори самода.
Гувиллаб ўрмонда бўрон қилса хуруж,
Қулайди қарағай беролмайин бардош,
Қанчасин қилади унинг зарби поймол.
Унинг қулашидан гумбирлаб кетади
Қуруқ, хувиллаган, гунг тепалик ҳатто.
Сўнгра бошлаб мени бехатар ғор сари,
Қалбим сир-асрорин айладинг сен ошкор;
Узимни ўзимдан қилганда сен воқиф,
Кўз ўнгимда сирли манзара қилдинг кашф.
Кўрсатиб рухсорин самода тўлин ой
Эркалаб ҳисларим, еритар дилимни.
Рутубатли ўрмон ва қоялар оша
Парвоз этиб гўё ўтмиш ахбобларим,
Аллалар фикрларим — туғенкор қувончин.

Камолот иксонга бўлмас экан насиб,
Ишондим тамоман! Сен берган ҳаловат
Евуқ этмиш мени илоҳга батамом.
Ҳаловат ичра мен бўлганда маст-аласт,
Бахш этдинг бир ҳамроҳ, жирканаман ундан,
Зероки у олчоқ, такаббур бир иблис,
Хўрлар мени чунон ҳам килар киноя.
Сен берган истеъдод — пуч, унинг наздида.
У туфайли гўзал бир жонон ишқида
Енади кўксимда эҳтирос бетиним.
Йўқдир қарорим: гоҳ ишқ бўлар ҳаловат,
Гоҳ ҳаловат ичра енади эҳтирос.

МЕФИСТОФЕЛЬ КИРАДИ

МЕФИСТОФЕЛЬ

Талай вакт ўтди чоғи узлатда?
Елғизлик дилни шод этар наҳот?
Синаб курган ҳам яхши ҳаетда,
Сўнг фаолият асқотар шояд!

ФАУСТ

Истардим: бўлса сенда ҳам ташвиш,
Қилмасанг мендан зинҳор шикоят.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ана холос! Сен бўлма кўп серташвиш,
Кутмовдим сендан бунчалар жиддият.
Зиқна, кўрнамаксан, зотан, биродар,
Шу тийнатингдан воз кечмоғинг даркор.
Олай деб кўнглинг уринмайин ҳарчанд,
Унинг ташвиши ила бўлсам-да банд,
Билиб бўлмайди жаноб дидин зинҳор.

ФАУСТ

Бу килиғинг,иблис, ғирт такаббурлик эрур!
Жонга тегдинг, шу-чун дейинми ташаккур?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Замин фарзанди, эй нотавон, нонкўр,

Қилмасайдинг мен билан гар ошнолик,
Айт, топармидинг жаҳонда рўшнолик?
Кўрмайин сенга ғалат йўлни раво,
Бўлгандим ҳар чоқ мен дардингта даво;
Гар бўлмасайдим ғамхўру ғамгусор, ,
Умринг беҳуда бўлмасмиди нисор?
Ғору қоялар ора бойқушсимон
Нечук тополдинг сен ўзингга макон?
Сассиқ ботқоқ ва тошлар намин, наҳот,
Бақадек ялаб қилсанг тамадди-зот?
Эсиз бу дамлар қандайин сафоли!
Сени-чи эзар донолик касали.

ФАУСТ

Кошки тушунсанг, қандай куч, нашъу намо
Бахш этмоқда бу хилватгоҳ шу заҳот?
Бу дамлар завқин тушунсанг, шайтонзот,
Бу бахтни менга кўрмасдинг сен раво!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ўткинчи бу лаззат!
Тоғ-тошлар ора лайлу наҳор сарсон.
Хушбахтсан бўлса дилга жо ер, осмон.
Узни илоҳга тутмоқ бўлиб яқин,
Башорат бирла ўрганар ер қаърин.
Роҳат не қилсин бу жафокаш танда —
Ҳафталаб заҳмат айлаган инсонда?
Инсон фарзандин қучса-да саодат,
Лек тарк этажак дунени тоабад.
Бўлади гоҳо теран туйғу пайдо,
(ножўя шиоралар қилиб)
Билолмайман не деб этгум ифода!

ФАУСТ

Ҳайф сенга!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Маъқул тушмайди сизга бу;
Сизга одатдир солмоқ дилга ғулу.
Номусли зотга отилмас таъна —тош,

Чун ориятли қалб бўлмайди саркаш.
Тўғрисин айтсам,сўзласанг ҳам елғон,
Қилганман сенга мен эзгулик ҳар он
Ва лекин узоқ қилолмайин тоқат,
Бор қудратингдан бўлиб сен мосуво,
Боз оқим бўйлаб сузардинг бепарво.
Қолайлик энди жим, баҳсингни тўхтат!
Гретхен боеқиш бир ўзи дилафгор,
Аламдан бўлмиш дуне кўзига тор.
Сени ўйлашдан йўқдир фикри дигар,
Унинг учун сен — буюк бир ифтихор.
Чулғаб танин илк муҳаббат ноласи,
Жўшгандинг гўе баҳор шалоласи;
Гретхен қалбига солиб сен ишқ ўтин,
Хасдек ловуллаб сўндинг дам ўтмайин.
Қуриб ўрмонда тахт, топдинг қарор,
Емон бўлмасди, эй муҳтарам жаноб,
Гретхен ишқига қилсанг бир эътибор,
Қилмай бир умр унинг дилин хуноб.
Ўтириб уйда боеқиш кун-саҳар,
Самода булут кўчишин кузатар,
«Бўлсам гар қушча!» қўшиғини куйлар.
Гоҳ бардам, бедор, гоҳ ғамгин, ғуссадор,
Гоҳ кўзда еши бўлади шашқатор.
Ўйлайсан гоҳо: топган дили ором,
Афсус, муҳаббат дарди бермас ором!

ФАУСТ

Илонсан! Илон!

МЕФИСТОФЕЛЬ

(ўз-ўзига) -
Бас, қўлга тушдинг сан!

ФАУСТ

Йўқол кўзимдан, лаънати шайтонзот!
Ул моҳитобон номин қилма такрор!
Шаҳвоний севги хиссин қилма ошкор,
Мажнунсифат бир киши олдида бот!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Сени қочди, деб хаел қилар ул,
Тўғрига ўхшар хаели буткул.

ФАУСТ

Жисман узоқман, рост, қалбан яқинман чунон,
Унутмайман уни, йўқотмайман ҳам зинҳор!
Исо жасадига қиламан ҳавас ҳар он,
Зероки севгилим бўлар ундан баҳравар!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Фикринг тўғри, дўстим! Ҳасад қилардим ҳар чоқ
Маҳбубанг-ла қилсанг гуллар аро сайри боғ.

ФАУСТ

Йўқол, фасодчи!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Майли, сўкавер! Мен кулмоғим даркор.
Йигит ва қизни яратган ул халлоқ
Ваъдаю висол учун он яратмоқ —
Олийжаноблик, деб бўлганди иқрор.
Қани, бўл тезроқ, ботасанми ғамга?!
Ачингил, ахир севганинг — санамга!
Йўлингга муштоқ сўлим соҳибжамол,
Кутмайди сени зулм е ўлим алҳол!

ФАУСТ

Унинг оғуши-ку мен-чун беқиес жаннат!
Қўй, унинг кўксидан олайин мен ҳарорат!
Ул жонон ҳажрида мен бунда афтодаҳол.
Унга мунтазиру муштоқман мен бедаво,
Мен эмасми ўша разил, қочқин, бенаво?!
Мен эмасми ўша — урган ўзини ҳар ен,
Телбадек беқарор ва югурган саргардон?
Гирдобга итқитар мени жўшқин эҳтирос!
Севгилим, бояқиш, ботар унда хаелга
Эзғилаб дилини гўдакона ишқ-нола.
Ую рўзғорига қўйиб муҳаббат, ихлос,
Кичик дунесига бўлмишдир банди бола.

Илоҳ нафратига бўлганман дучор,
Етмадими шунча тошлар қучганим
Ҳам уларни чил-чил қилиб эзганим?
Наҳот, бўлсам шунча мункиру ночор?
Маъсума ишқини қилдим-ку поймол,
Мамнундирсан энди, эй шайтон, дажжол?
Шу аснода, иблис, бўлгин сен имдод!
Майли, курай неки бордир қисматда,
Барбод бўлгай неки бор сўнг ниятда!
Қўшилсин тақдирим ерга умрбод!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Тутақиб кетди тағин, ўртанар боз!
Бергин тасалли, бор, қилма ҳамоқат,
Ўзлигинг билдир, бўлгин унга ҳамроз,
Боеқиш гангиб боши, излар нажот.
Бўлса йигит мард — жоним бўлгай фидо!
Шайтон таълимин қилгин истифода. —
Иккиланса гар иблис бирор жойда,
Ақлсиз зот билгум уни мен дунеда.

ГРЕТХЕННИНГ ХОНАСИ

ГРЕТХЕН

(чиғириқ енида, елғиз)
Ҳижрон ичра сўнмиш дил,
Йўқтанимда фароғат.
Таскин топмас бу кўнгил,
Туну кун беҳаловат.

Ер бўлмаса енма-ен,
Кўзга тор бўлур жаҳон.
Мен ғарибга бу дуне
Бўлур шунда зим-зие.

Гангиб бечора бошим,
Селдек оқар кўз ешим.
Ақлу шуур-таҳайюр,
Қолмади дилда сурур.

Ҳижрон ичра сўнмиш дил,
Йўқтанимда фароғат.
Таскин топмас бу кўнгил,
Туну кун беҳаловат.

Дилда гирен ҳар саҳар.
Келурми деб баногоҳ,
Деразадан ҳар сафар
Ташлайман ғамгин нигоҳ.

Маҳобат-ла қилар хиром,
Жон олур юз, такаллум.
Жазбкор нигоҳи бирам,
Лабда дилбар табассум.

Ўзи чунон сухандон
Гўе ҳикмат дареси.
Оғуши — роҳатижон,
Қандай ширин бўсаси!

Ҳижрон ичра сўнмиш дил,
Йўқтанимда фароғат.
Таскин топмас бу кўнгил,
Туну кун беҳаловат.

Фикрим чулғар бир хаел:
Ер томон борай дейман,
Ушалсаю армоним,
Мен ерни қучсам дейман.

Муштоқ бўлиб қўмсар дил:
Уни тўйиб ўполсам,
Зарра қолмасди армон,
Ер бўсасидан ўлсам!

МАРГАРИТАНИНГ БОҒИ
МАРГАРИТА ВА ФАУСТ

МАРГАРИТА

Генрих, ваъда бергин менга!

ФАУСТ

Жоним фидо бўлгай сенга!

МАРГАРИТА

Айт-чи, нечук сенда динга эътиқод?
Сен гарчи ажойиб кишисан қалбан,
Биламан, йўқ сенда динга ҳеч тоқат.

ФАУСТ

Қўй буни, малагим! Майлим-ку аен:
Сендек маъшуқам-чун бўлгай қурбон,
Эътиқодингдан ким маҳрум қилолур?

МАРГАРИТА

Динга ишонмоқ фарз ва вожиб эрур!

ФАУСТ

Наҳот, вожибдир?

МАРГАРИТА

Не ҳам дердим, ахир!
Тақдис удумларга йўқ сенда ихлос.

ФАУСТ

Уларга ҳурматим билсанг, беқиес!

МАРГАРИТА

Расмият-чун, холос.
Қилмагансан кўпдан буен ибодат,
Илоҳга эътиқод йўқ сенда наҳот?

ФАУСТ

Айт-чи, эй севгилим, ким ҳам айтолур:
Қатъий ишонаман худога дея?
Сўрагин авлие, донолардан е,
Сўрғувчини улар ҳам, билсанг, қилур
Киноя.

МАРГАРИТА

Эътиқод йўқ, дегин ҳали?

ФАУСТ

Янглишма, хурлиқо,
Йўқ ишкал шубҳали!
Ким уни айта олур
Унга ишонаман деб,
Ким ҳам иқрор бўлолур?
Топиларми шундай зот
Худога ишонма деб
Айтишга қилса журъат?
Ўша — соҳиб ул-олам,
Борлиққа истинод ҳам!
Сенга, менга, ўзига
Ҳам ўша азиз, эга!
Эмасми ўз ўрнида фалак, самовот?
Эмасми ўз ўрнида замин баркарор?
Ташлаб биз томон назар,
Мавжудмасми юлдузлар абадул-абад?
Кўзим кўзингга тушган шу ажиб заҳот
Истамасми мавжудот
Сидқидилдан қилишга бизга назора?
Кирар қалбингга сенга жўровоз
Ва абадий қилмасми у эркин парвоз
Сен ила гоҳо пинҳон, гоҳо ошкора?
Самимий бўлса туйғу — шунинг ўзи бас,
Нима дея атасанг уни атайвер!
Ҳоҳласанг, қалб! Ишқ! Илоҳ! Ва бахт номин бер
Ва лекин топол'мам мен унга лойиқ от,
Зероки ҳис-туйғудир барча мавжудот;
Оддий ун ва тутундир биз берган исм,
Ўшандан туманлашар осмон деган жисм.

МАРГАРИТА

Мулоҳазанг тўғри ва соз,
Руҳоний ҳам шуни қилар ваъз,
Сўз, ибора бошқадир, холос.

ФАУСТ

Ҳар жойда шундай экан унга ихлос,
Ҳар бир кишининг қалбию дилида,
Ҳар киши этар баен ўз тилида,
Мен нега айтмай она тилимда?

МАРГАРИТА

Қулоқ солсанг гўе бардош бергудак,
Бироқ бўлмоқца содир тағин елғон,
Тарсоликдан чунки йўқ сенда нишон.

ФАУСТ

Суюмли гўдак!

МАРГАРИТА

Йўқолур ҳаловат,
Ўша улфатинг-ла қилсанг мулоқот.

ФАУСТ

Нега энди, жоним?

МАРГАРИТА

Ҳа, у сенга улфат,
Ундан ич-ичимдан қиламан нафрат.
Иблисона турқи даҳшатли чунон,
Ҳаетимда ҳеч ким ўшандай зинҳор
Солмаган дилимга раҳнаю озор.

ФАУСТ

Чўчимагин ундан, суюкли жонон!

МАРГАРИТА

Кўринса кўзимга, қўзийди жиним,
Ҳолбуки ҳеч кимга йўқ менинг киним;
Сени кўрайин деб бўлсам нигорон,
Келиб мудом ўша турқи совуқ зот
Солади танимга пинҳоний даҳшат.
Шунинг учун дейман уни доғули!
Кечир банданг, илоҳ, бўлса уволи!

ФАУСТ

Ғалати зотларсиз бўлмайди дуне.

МАРГАРИТА

Ундайлардан мудом қиламан ҳазар!
Эшигинг олдида бамисли соя
Кайфиятинг бузар қилиб киноя,
Ҳасад ва пичинг-ла ташлайди назар.
Қилмаган умрида мутлоқ илтифот,
Афтидан бўлади маълум дилозор.
Йўқ унда бировга севги-ҳиссиет. —
Оғушинг мен учун сафоли, ширин,
Сезаман ўзимни бахтли ва эркин.
У кўринса кўзга, сиқилар юрагам.

ФАУСТ

Башоратсоҳибсан, маҳваш малагим!

МАРГАРИТА

Машъум хаел чулғайди мени тамом,
У бу даргоҳда пайдо бўлган замон.
Сўниб севгим бўламан бесаранжом,
Ўйлайман: наҳот сени севмаганман!
У иблис қўйганда бу ерга қадам,
Боргам келмас саждагоҳ сари бир дам.
Унинг қараши, билсанг, дил кемирур,
Буни билмоғинг, Генрих, албат зарур.

ФАУСТ

Демак, нафрат қиласан?

МАРГАРИТА

Менинг кетмоғим зарур.

ФАУСТ

Оҳ, насиб бўлармикан
Оғушингда мен, жонон,
Бир зум ором тополсам,
Тўшни тўшга босиб ман,
Сени бир он қучолсам?

МАРГАРИТА

Кошкийди тунасам танҳо бир ўзим,
Очиқ қолдирардим дарчани тунда.
Онам сергак жуда, ҳеч юммас кузин,
Кўриб қолса борми бизни у бунда,
Ҳаетдан мен алҳол юмаман кўзим!

ФАУСТ

Зарурати йўқдир бунинг, эй пари.
Мана сенга ноеб бир уйқу дори!
Таомига жиндак томизиб қўй, бас.
Тонг отгунча ухлаб қолар гўе маст.

МАРГАРИТА

Сен учун қилурман мен жонни нисор!
Айт, қилмасми унга бу манфий асар?

ФАУСТ

Қилмасдим маслаҳат ундай бўлса гар!

МАРГАРИТА

Узолмайман сендан нигоҳим, бироқ —
Билмам нечун сендан кетолмам йироқ;
Сен-чун урдим ўзим ҳар сари, ҳар он,
Қолмагандир энди бошқа имтиҳон.

КЕТАДИ

МЕФИСТОФЕЛЬ КИРАДИ

МЕФИСТОФЕЛЬ

Даф бўлдими мишиқи гўдагинг?

ФАУСТ

Айғоқчилик қилдим дегин тағин?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ҳа, тингладим сизни мен бошдан-оеқ:
Доктор эътиқоддан олди зўр сабоқ:
Маъшуқанг сабоғи бўлур мададкор.

Қизлар, билсанг, бўлур кўп манфаатдор,
Чандон эгармиш бош бўлиб фидокор,
Қайлиқлари бўлса мўмин, тақводор.

ФАУСТ

Тушунсанг-чи, эй азозил, авбош,
Ахир суюкли у дилкаш жонон
Иқболбахш динин эъзозлаб чунон,
Ҳар азиятга беради бардош;
Бўлмасин дея қадрдони гумроҳ,
Истайди бўлмоқ унга дуст, ҳамроҳ.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Сен сўққабош, бир шаҳват бандаси,
Сендек овсарни лақиллатади
Ўша енгилтак қизнинг хандаси.

ФАУСТ

Олчоқ, лаънати, разил ашаддий!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Туркдеганни моҳирона қиларкан таҳлил:
Келсам билмас не қиларин, асроринг аен,
Олддан сезар ниқобим, эй бандаи ғофил;
У ўйлайди, гўеки мен даҳо бегумон,
Балки мен ғирт шайтондирман, бўлма тағофил!
Қани, шу кеча?

ФАУСТ

Хўш, не дахли бор унинг сенга?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Буюк шодлик келтирур менга!

ҚУДУҚ ЕНИДА

ГРЕТХЕН ВА ЛИЗХЕН, ҚЎЛДА КУЗАЛАРИ БИЛАН

ЛИЗХЕН

Эшитгандирсан Бербельхен ҳақда?

ГРЕТХЕН

Йўқ. Кам бўламан кишилар ичра.

ЛИЗХЕН

Сивилла нима дейди-я,қара:
Бербельхен елғиз қолган сўнг чоқца!
Гердайган эди ўзи қурғур-а!

ГРЕТХЕН

Наҳот?

ЛИЗХЕН

Иш расво!
Икки жон учун еб-ичар беҳае.

МАРГАРИТА

Эҳ!

ЛИЗХЕН

Ажаб бўпти — қилмишига яраша.
Тинчитмасди ҳеч йигитни у зумраша!
Қилмай тавозеъ айларди у сайри боғ,
Югурарди рақс дея қишлоқма-қишлоқ.
Биринчи бўлса бас — шу зотан муддао,
Вино, паштет-ла қилиб ўзин тарбият,
Ҳусн-тароватли бўлмоқ истарди ғоят.
Йўқ эди унда номус, виждон ва ҳае,
Йигитдан совға оларди бениҳоя.
Ўзи-чи эди улфат, дилкаш, дилнавоз,
Шу боис — гулдек иффатдан ҳам кечди воз!

ГРЕТХЕН

Эҳ, бечора қиз!

ЛИЗХЕН

Тағин ачинасан!
Бўлганда бизлар дастгоҳ енида жам,
Куча сайрини ман этарди онам.
У-чи, яйради бўлиб кўчахандон;

Хилват хиебон ва сўлим масканда
Вақтнинг ўтгани ҳам билинмаскан-да!
Ботиб гуноҳга юргунча шармисор,
Черков номига қилсин ўзин нисор!

ГРЕТХЕН

Ўз никоҳига олар уни, эҳтимол.

ЛИЗХЕН

Ақлин ебдими! Йигит қурғур доғули!
Бошқа жойда ҳам илинжи бор шекилли!
Кетиб ҳам қолди дарҳол.

ГРЕТХЕН

Яхшимас бу қилиғи!

ЛИЗХЕН

Қилса никоҳ талаб ўзига емон:
Йигитлар юлқийди гултожин шу он,
Поендоз ўрнига сочарлар сомон!

КЕТАДИ

ГРЕТХЕН

(уйга бораетиб)

Йўлидан озган бўлса бирор қиз сал,
Ўлардай ғийбат қилар эдим ҳар гал!
Гуноҳин қилмоқ учун таъриф дарҳол,
Тополмайин сўз бўларди тилим лол.
Туюларди қиз менга баттар доғдор,
Боз қораласам дердим мен димоғдор.
Чўқинган оним бўлардим пурвиқор,
Энди ўзим ҳам доғдор, қабоҳаткор!
Мени бу йўлга ундаган у туйғу
Ераб, эди-ку нашъали ва эзгу!

ШАҲАР ДЕВОРИ
ДЕВОР ТАХМОНИДА МАТЕВ 00ЮВ05А
(лотинча: «ДАРДКАШ ОНА») ҲАЙКАЛИ, ОЛДИДА
ЭСА ГУЛТУВАК

ГРЕТХЕН

(гултувакка янги узилган гуллар келтириб қўймоқда)

Мен муштипарга шафқат
Қил, эй жафокаш хилқат,
Меҳрибон чеҳранг бўлгай дардимга дармон!
Ханжар қадалмиш нотавон кўкрагангга,
Ғам-андуҳ соя солмишдир юрагингга,
Ўғлинг ўлимин кўриб қиласан армон!
Отага ташлаб нигоҳ,
Тортмоқдасан оҳу воҳ.
Унда ҳам, сенда ҳам қолган аччиқ армон.
Айтгин, ким ҳам сезади,
Мени нечук эзади
Танимдаги бу аччиқ дарду надомат?
Чўчир юрак бечора,
Истайди балки чора
Аендир сендек меҳрибон зотга фақат!

Кезарман дидда нола,
Билмам, борурман қаен.
Оҳ, не қилай мен бунда танҳо бечора?
Йиғлайман нукул, бўлурми дея чора,
Йиғламай нетай, бўлса қалб пора-пора!
Сен учун деб субҳидам
Узганимда гул
Кўз ешим гўе шабнам
Қилди уни жиққа ҳўл.
Ўтирсам ботиб ғамга
Тўшак узра тўкиб еш,
Нурлар сочиб хонамга
Кирди жонажон қуеш.
Шарму ўлимдан кил халос, бўл нигоҳбон!
Мен муштипарга шафқат
Кил, эй жафокаш хилқат,
Меҳрибон чеҳранг бўлгай дардимга дармон!

ТУН.
ГРЕТХЕНЛАР ЭШИГИ ОЛДИДАГИ КЎЧА.
ВАЛЕНТИН, АСКАР — ГРЕТХЕННИНГ АКАСИ

ВАЛЕНТИН

Фахрланса арзигулик бир қиефатда
Ўтирсайдим серҳашам бир зиефатда,
Ўз қаллиғларин атаб йигитлар гулшан,
Ўқирдилар уларга мақтов, шараф-шон,
Сипқорганда ғурур-ла шароб тўла жом;
Суяниб тирсакка мен деелмасдим лом.
Ўтирардим ўзимча суриб ҳаел гоҳ
Ва маддоҳлар фикридан бўлардим огоҳ.
Андак қилиб табассум, силаб соқолим,
Дер эдим шароб тўла қадаҳим қўдда:
«Ҳар кимники ўзига» менинг мақолим.
Ягонамасми Гретхен бизнинг бу элда,
Топиларми қиеси бирор жононда,
Тирноғига арзир ким бор бу жаҳонда?»
Жомлар жарангги айни авжга чиққан он:
«У ҳақли мутлоқ! — дерди баъзилар алҳол,
Гретхен бутун бир эл фахридир ростдан!»
Ўшанда маддоҳлар лол бўларди дарҳол.
Энди-чи, энди ўтди фурсати, ҳайҳот!
Бошни тошга уришдан йўқ асло ҳожат!
Отса таъна тошин эл, чидарми киши?
Лаънатлар мени энди ҳатто малъунлар,
Наҳот юрсам мен гўе олчоқ, гуноҳкор,
Наҳот сўз ила тилса бағрим ҳар киши?
Қилай дейман уларни ер била яксон,
Лекин ким айтар, сўзлар деб улар елғон?
Тўхта! Кимдир келмоқца, ана, мен томон.
Булар ўша махлуқлар бешак, бегумон.
Шу заҳот тутиб улар гирибонидан,
Маҳрум этмоғим даркор ширин жонидан!

ФАУСТ ВА МЕФИСТОФЕЛЬ

ФАУСТ

Ридохона ойнаси оша нурафшон
Ташланар кўзга мангу чироқ еғдуси
Ва йироқ-йироқларда еришмоқда тонг,
Аммо атрофда машъум зулмат ҳукмрон!
Шу тонгдек берўшнодир қалбим зиеси.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Менда-чи, мов бўлиб деворма-девор
Шеригин ортвдан эҳтирос ила
Қувган мушуксимон қолмаган қарор;
Шундай пайт мен учун ғоят нашъали,
Ўғринча шаҳватнинг ҳам ўз гашти бор.
Гўзал Валпургия тунига ҳар он
Мушток бўлиб жўшар фикру асаб-тан.
Кўражакмиз индин базм тағин бир бор,
Шу-чун билар ҳар ким нечун у бедор.

ФАУСТ

Шуъла бирла наҳот самога шу асно
Кўтарилар ўша мен курган хазина?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ўйланма, шодлик қучажак сени,
Кўтаргач ердан ганждор қўзани.
Ажиб тангалар мавжуддир унда;
Сенга деб топдим уни яқинда.

ФАУСТ

Маҳбубамни безаш учун бир сира
Йўқми жиға, узук ехуд исирға?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ашелар ичра кўргандим, дарвоқе,
Ноеб бир гавҳар, лаъл, ақиқ мунчоқни.

ФАУСТ

Заб иш бўпти-да! Наҳот қилмайди алам,
Ер ҳузурига борсам бесовға-салом!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Наҳот дилингиз тортса шунга ҳам озор,
Не бўпти текин сафо қилсангиз бир бор?
Юлдузлар чақнар тўлдириб само бағрин!
Кўрсатайин шу аснода бир мўъжизот:
Куйлай жонон-чун нафис ахлоқ қўшиғин,

Токи бўлсин ул маҳбубанг девоназот.
(у цитра чалиб куйлайди)
Катрин, нечун шу замон,
Борурсан маҳбуб томон,
Не истак-ла, қил баен,
Кутарсан бунда сен саҳар пайтин?
Майли, майли, қилма ор!
Унинг сенга майли бор,
Қизсан бамисли баҳор,
Қолмайди, афсус, энди иффатинг!

Унутманг шуни, зинҳор,
Сиздан кетгач ифтихор,
Хайр, энди, дер нобакор.
Наҳотки номус кетади абас?
Шундай, боеқиш қизлар,
Ўзни хўб севасизлар,
Ўғирлик билмайсизлар
Ва лекин қўлда узук бўлса бас!

ВАЛЕНТИН

(олдинга ўтиб)

Кимни йўлдан урмоқ бўласан, эй ер ютқур?
Ўқимоқ бўлдингми ҳатто нафрат, эй васвос!
Парчалансин цитра деган ул сабил қолғур!
Йўқолсин кузимдан сендек қўшиқчи, шоввоз!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Синса-синсин, майли! Битирмайди у ҳожат!

ВАЛЕНТИН

Бировнинг бошида синмоғи шартдир фақат!

МЕФИСТОФЕЛЬ

(Фаустга)

Жадал бўлгин, ҳаким, ўтмасин хаел!
Маҳкам ендош менга, жасур бўл, жасур!
Шамширни суғургин қинидан дарҳол,
Жазосин топади падари қусур!

ВАЛЕНТИН
Зарбамга бер-чи жавоб!

МЕФИСТОФЕЛЬ
Нега бермасман жавоб?

ВАЛЕНТИН
Бунга-чи, борми жавоб?

МЕФИСТОФЕЛЬ
Олурсан беиштибоҳ!

ВАЛЕНТИН
Шайтондек қилич урар бебок!
Қандай фалокат! Кетди мадор.

МЕФИСТОФЕЛЬ
(Фаустга)
Қада найзангни, чўзма зинҳор!

ВАЛЕНТИН
(йщилади)
Эвоҳ!

МЕФИСТОФЕЛЬ
Мана, битди умринг энди, мурдор!
Тез бўл, дарҳол кўздан йўқолмоғимиз шарт;
Зеро чиқиб қолар ҳозир унга ҳамдард.
Миршаблардан осон — бўлмоғимиз халос,
Афсуски, хун учун қатлдан қочиб бўлмас.

МАРТА
(дераза олдида туриб)
Бу еққа чиқинглар! Бу еққа!

ГРЕТХЕН
(дераза олдида туриб)
Чироқни келтиринг бу еққа!

МАРТА
(юқоридагидек)
Бир-бирин қилурлар чунон ҳақорат,
Уввос соладилар қийқириб бот-бот.

ХАЛОЙИҚ
Мана, кимдир ўлган аллақ£.чон!

МАРТА
(олдинга ўтиб)
Қотиллар-чи, қайгадир қочишган!

ГРЕТХЕН
(олдинга ўтиб)
Вой, ўлиб етган ким бўлди экан?

ХАЛОЙИҚ
Туғишган аканг!

ГРЕТХЕН
Е парвардигор! Қандай фалокат!

ВАЛЕНТИН
Мен ўламан энди! Айтишга осон.
Ўлим деган бало берармн омон?
Намунча додлайсиз, хотину жувон,
Эшитингиз сўзим, келинг мен томон!
(ҳамма уни ўраб олади)
Гретхеним, қулоқ сол! Сен ҳали содда,
Топмагансан камол ҳам ғўрсан жуда,
Қилмишларинг бунга далилдир яққол.
Қолмасин дилда сир, қилай ошкора:
Турган-битганинг фаҳш экан, маккора!
Минбаъд билганингни қилгин бемалол!

ГРЕТХЕН
Нима дединг, жигар? Е парвардигор!

ВАЛЕНТИН

Худо номин олма тилингга зинҳор!
Не ҳам дердик: ўтган ишга салавот,
Ўтганни қайтариб бўлмайди, ҳайҳот.
Бердингми — бировга хуфиена тил,
Унинг ортидан боз кўплар келур, бил.
Жазманларинг еони бўлгач ўн нафар,
Воқиф бўлур бундан бутун бир шаҳар.
Олуда домон деб ном олсанг ногоҳ,
Пинҳонона жаҳон бўлади огоҳ.
Махфий тутган билан бермас тасалли,
Барибир охири бўлар ғуссали;
Доғ кетар кучса-да ўлим дафъатан,
Фаҳш доғи бўлмайди беҳтар ҳеч қачон.
Унинг оқибати — бадномлик зотан.
У кун сайин баттар бўлар намоен.
Шундайин бир замон келар оқибат:
Ўзин олийжаноб тутган ҳар бир зот
Сассиқ бир мурдадан ўгиргандек юз,
Сен бузуқидан ҳам ўгиради юз!
Кишилар кўзига тушганда қўзинг,
Эзилиб дил, олиб қочарсан ўзинг.
Олтин уқа бўлмас сенга муносиб!
Саждагоҳ ҳам сенга бўлмайди насиб!
Ўйлама, тақаман деб зийнат тағин,
Ман этилар ҳатто ракс тушмоғинг!
Қоронғу хазингоҳ бўлиб оромгоҳ,
Қасанғилар ичра топарсан паноҳ.
Гуноҳингдан кечса ҳам парвардигор,
Қолурсан дунеда малъун, шармисор!

МАРТА

Яхшиси, тилангиз Тангридан эҳсон!
Истарсиз е қолсин сизда бир нуқсон?

ВАЛЕНТИН

Бўл сайди танамда заррача мадор,
Тортардинг жазонгни, фосиқ, бадкирдор!
Имоним комилки, бўлардим шу заҳот
Барча қабоҳат ва гуноҳдан озод!

ГРЕТХЕН

О, биродаргинам! Бу қандай азоб!

ВАЛЕНТИН

Қилма кўз ешингни бунчалик сероб!
Сен тилинг кесилгур, бешарму уят,
Солдинг-ку танимга азоб, изтироб.
На чора, юз тутдим машъум ўлимга
Солдатлик шаънига келтирмай иснод,
Илоҳ сари равон бўлдим йўлимга.

ЎЛАДИ

ЧЕРКОВ
ИБОДАТ, ОРГАН ВА АШУЛА. ГРЕТХЕН ХАЛОЙИҚ ИЧИДА. ЖИН ГРЕТХЕННИНГ ОРҚАСИДА ТУРИПТИ.

ЕВУЗ РУҲ

Гретхен, ўзга эди сенда кайфият
Барча гуноҳлардан холи бўлган он.
Қўлда алмисоқий кўҳна бир китоб,
Меҳроб узра маъсум чўкардинг сен тиз,
Қалбингда гоҳ эрмак болаликка хос,
Гоҳ худога қўйиб сен дилдан ихлос,
Пичирлаб килардинг турфа муножот!
Гретхен!
Қайда қолди ўша фикру онг?
Билмайман қалбингда нелар яширин?
Борми е хаедда тағин жиноят?
Балки шарму хае доғин юволмай
Дастингдан дунени тарк этган мушфиқ
Онанг-чун қиларсан бунда муножот?
Бўсағанг доғ этган кимнинг қонидир?
Ҳомиланг е берар сенга азият,
Чўчитар, эҳтимол, сени ва ўзин
Дунега келишдан қилиб башорат?

ГРЕТХЕН

Ҳайҳот! Ҳайҳот!
Кошки эди таним чулғаган

Ўша машъум фикру хаелдан
Бир умрга бўлсайдим халос!

ХОР

Б1е8 пае, сИез Ша,
8о1уе1заесшит &уША.

Таржимаси: Келса рўзи маҳшар,
Дуне кулин кўкка совурар.

ОРГАН ОВОЗИ

ЕВУЗ РУХ,

Сени чулғайди даҳшат!
Исрофил чалса сурнай!
Жунбишга келур ахди қубур!
Сенинг жасадинг ҳам ўшанда
Тарк этажак ўз оромгоҳин,
Барча жонзот тик турар, вале
Маҳкум этилар таган
Мангу ғазаб ўтига!

ГРЕТХЕН

Кошки даф бўлсам даргоҳдан!
Нафасим бўғмоқ бўлар гўе
Орган — даҳшатли уни,
Унинг мунгли куйлари
Тамоман қамраб олар таним.

Зидех епзо сит $ecieиЧ,
ри1дди1с! lalel офагеЬЛ,
N11 тиПит гетапеЪИ.

Таржимаси: Эгаллагач тахтин ул Парвардигор,
Неки бўлмиш ниҳон бўлади ошкор
Ва тортар жазосин барча гуноҳкор.

ГРЕТХЕН

Нафасим тиқилди, воҳ!
Исканжага олар мени

Бу девору гумбазлар!
Ҳаво беринг менга, ҳаво!

ЕВУЗ РУҲ

Ўзни яширмоқ мумкин!
Аммо шарм доғин
Яшириб бўлмас!
Етишмайдими сенга
Рўшнолик, ҳаво? —
Аҳволингга вой!

ХОР

С)шс18шп гшзег Шпс сИсШшз?
С>иет па1гопит го§аШш8?
Сит \ох]и$Ш8 я! зесигш.

Таржимаси: Не деб йиғлайин мен бахти қора?
Қайси бир ҳомий қилолур чора?
Тақводор қилмас зинҳор назора.

ЕВУЗ РУҲ

Акли расо кишилар
Ўгирар сендан юзин.
Авлиелар сенга қўл —
Беришдан қилар ҳазар.
Ҳайҳот!

ХОР

Ошга* §ит т1зег Шпс сНсШпш?

Таржимаси: Не деб йиғлайман мен бахти қора?

ГРЕТХЕН

Қўшнижон! Мана сиз берган шиша!
(беҳуш бўлиб йщилади)

ВАЛЬПУРИЯ ТУНИ. ГАРЦ ТОҒИ. ШИРКЕ ВА ЭЛЕНД ЯҚИНИДАГИ ЖОЙ.
ФАУСТ ВА МЕФИСТОФЕЛЬ

МЕФИСТОФЕЛЬ

Супургига миниш истагинг қалай?
Бўлсайди бир қўпол серкам шу заҳот,
Борар манзил-йўли бир талай.

ФАУСТ

Яев юрмоқ этар бахш танга роҳат.
Чўқмор таеғимнинг узи бир мадад.
Наҳотки қисқа йўл бўлолса нажот
Ҳузурмасми водий қўйнида кезмоқ,
Ўзни қояларда бургутдек сезмоқ?
Мавж уриб оқади зилол булоқлар,
Нақадар сафоли сўлим сўқмоқпар!
Кўкламдан кўкарган ана у қайин
Ҳамда савлатдор, ҳу, кекса қарағай
Касб этаркан янги чирой кун сайин,
Наҳот шу пайт танга таъсир қилмагай?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Тўғриси,топмас дил кўкламдан рўшнолик!
Танимда кезар қиш қаҳратон, изғирин,
Илкдан йўлда қорга сезаман ташналик.
Ой ҳам нечук ғамгин сочмоқца ўз нурин.
Ҳарорат дегандан йўқ ҳатто бир нишон,
Унинг нур-зиеси, дўстим, хира чунон,
Дарахту тошларни еритар зўр-базўр!
Ижозат бер, чорлай, ҳу, дайди шуълани,
Ана еритмоқда у бутун далани!
Ҳой дўстим, сочгунча унда беҳуда нур,
Кел биз томон, сайр килайлик, ҳамроҳ бўл,
Кўрсатиб илтифот, йўлимиз еритгил!

ДАЙДИ ШУЪЛА

Азбаройи иззат имоним комилдир,
Шунга мажбур этар енгил табиатим;
Афсус, эгри-бугри еритиш — одатим.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Инсонга таклид қилмоқ бўласан, маккор,
Қани, юр, ҳозир сенга шайтондир саркор!
Бўлмаса бир пуфласам бўласан гумдон.

ДАЙДИ ШУЪЛА

Биламан хўб, сиз бунда соҳиб хонадон,
Майли, мен ҳам касб этай сизга хос одоб.
Унутмангки: тоғда зўр бугун тантана.
Дайди шуъла кўрсатар йўл холисона,
Бўлманг асло домангир ундан, эй аҳбоб!

ФАУСТ, МЕФИСТОФЕЛЬ ВА ДАЙДИ ШУЪЛА
(навбатма-навбат куйлашади)

Оғушига олур бизни, эҳтимол,
Ҳадемай фусункор у хилват гўша.
Бошла бизни йўлга, топмассан завол,
Токи бўлсин бизга бу оқшом ўша —
Олис чўл, биебон жойлар манзилгоҳ!

Тўкиб маҳобат-ла савлат ўрмонгоҳ,
Ям-яшил дарахтлар-ла кўздан йўқолди,
Улкан харсанг тошлар орқада қолди.
Қара, дуру дароз қоялар шу он
Хуррак отиб, нафас олмоқда чиндан!

Тонгу майсаларни ювиб дам-бадам,
Оқади жилғалар, сойлар шўх, равон.
Қулоққа чалинган шовқинми, оҳанг?
Наҳот бўлса маъсум севги ноласи
Е фаришталарнинг мунгли садоси?
Ҳа, умидвор инсон ишқдардига маст!
Балки ишқ дардидир ривоят мисол
Бериб акс-садо, янграр гўзал сас.

Уккилар сайрашар мастона, сархуш,
Уларга жўр бўлар тўрғай ва бойқуш.
Наҳот улар туни ўтипти бедор?
Ташланади кўзга буталар аро
Турфа калтакесак ва турли жондор —
Қорни - йўғон, дароз — оеғи, қара!
Бамисоли илон — дарахт томири
Ериб чиққан қоя, тошлар бағрини.
Гўеки ғаройиб кишану занжир
Ваҳм солар дилга этгудек асир;

Бутоқлар устида чўзилган жангал
Йўловчига солмоқ бўлади чангал.
Бўлиб тўда, ғуж-ғуж, мўрмалахсимон
Изғишар сичқонлар мингтурли-туман.
Яйрашар ўтлоғу майсалар ичра!
Йўлдан уриб бизни гоҳ, ора-чура
Касб этиб самода жўшқин эҳтирос,
Олтин қўнғизчалар қилади парвоз.

Айт-чи, не ҳолат юз берар шу дам,
Наҳотки турибмиз тебранмай ҳамон?
Йўқса этмоқдамиз сайрда давом?
Мавжудот гўё гар айланар шу он:
Кўз илғамас ўрмон, тошу қоялар,
Гоҳ енар, гоҳ сўнар дайди Шуълалар.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ушлагин баримдан, қўрқмаган зинҳор!
Ҳукм сурар бу тоғда — чўққи пурвиқор,
Ташлар нигоҳ қолиб тонг, солиб савлат,
Ловуллар гўё Маммон — соҳиби давлат.

ФАУСТ

Жилосиз тонг нури хўб ажабтовур,
Милтиллаб ейилар сайҳон, адирга!
Етади гирдоблар қаърига довур,
Етиб борар ҳатто тубсиз жар, қирга.
Бир енда қалқиса парқусимон буғ,
Бир енни қоплайди қоп-қора туман.
Зулмат бағрин ериб елқин гўё чўғ,
Тарқалар нур-зие нозик ипсимон.
Жўш уради гўё ўйноқи булоқ.
Ердуга чулғанар бутун бир гўша
Водийлар бағрида оққандек ирмоқ.
Бу жўшқин увада ўзини ўша —
Нур узлатга тортмоқ бўлар ногаҳон.
Учқунлар сочилар тинмай ҳар томон
Сепилгандек олтин кумнинг донаси.
Қарагин, тоғнинг қоқ бошида ҳамон
Енади ловуллаб чўққи-қояси!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Шу улуғ айемда нурга тўлмас наҳот
Жаноб Маммон молик бўлган муаззам тахт?
Ўшани кўрганинг — сен учун буюк бахт;
Аминман, келади меҳмонлар тумонат.

ФАУСТ

Увлаб самода тўфон солади даҳшат!
Зўр зарб ила урилар гарданга бот-бот!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Қоялар дўмбоғин тутмоғинг даркор,
Билъакс тубсиз жар ўз қаърига тортар.
Зулматга чўмади тун тушгач туман.
Эшитдингми, нечук гумбирлар ўрмон!
Бойқушлар учишар бўлиб паришон. —
Гўё маҳобатли қаср ҳашамдор —
Кўм-кўк ўрмон нечук мағрур шовуллар!
Эгилиб шох-шабба, қарсиллар чунон!
Дарахтлар танаси солади уввос,
Илдизлар ғирчиллар олгандек нафас!
Остин-устун бўлиб улар шу тобда,
Даҳшат солиб қулаб етар гирдобда.
Ҳувиллаб қолган бу даралар ора
Ўшқиради бўрон, тортади наъра.
Эшитдингми, келур баланддан овоз?
Йироқдами чиндан? Яқиндами е?
Тоғу тошлар саҳнин янгратиб боз,
Жаранглар фусункор қўшиқ ва наво!

АЛВАСТИЛАР ХОРИ

Мастонлар йўл олган Брокен сари,
Экинлар яшилдир, анғизлар сариғ,
Бўлурлар йиғилиб тоғда бир талай,
Жаноб Урян тахтга чиқар ҳадемай.
Уларни кучар тоғ, тошлар ва осмон,
Така деган сасир, ел қўяр мастон.

ОВОЗ

Она чўчқа миниб яккаю елғиз
Елмоқда Баубо кампир — ялмоғиз.

ХОР

Таҳсину офарин сенга, Баубо!
Ташриф буюрсинлар, қани, мархабо!
Она чўчқа минмоқ — қандайин шараф!
Мастонлар ахди-чи, тортиб турар саф.

0 В 0 З

Қаердан келурсан тортиб хархаша?

0 В 0 З

Ильзенштейн оша!
Бойқуш ошенига ташласам нигоҳ,
Боеқиш ҳайратда қолди баногоҳ.

ОВОЗ

Жўна, дўзахингга бор!
Мунча елмасанг, маккор!

О В О З

Қара, бойқуш деган махлуқот
Солди танга нечун жароҳат!

АЛВАСТИЛАР. ХОР

Йўлимиз кенг, равон, узоқдир у бироқ.
Айтинг-чи, не ҳожат бировга чанг солмоқ?
Супурги-латуртар, тиқар паншахасин,
Эзғилаб туширар она — ҳомиласин.

МАСТОНЛАР. ХОРНИНГ ЯРМИ

Олға кетишди-ку бир талай аел,
Биз бўлсак ортдамиз тошбақа мисол.
Бир аел минг одим кетди илгари,
Зеро у йўл олган азозил сари.

ХОРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ

Наҳотки олсак биз шуни кўнгилга!
Хўш, не бўпти кетса бир аел олға;
Қанчалар кетмасин узоқ аелзот,
Бир сакраб ўзади ундан эркакзот.

ОВОЗ

(юқоридан)

Юринг биз билан,
Мангу кечинг воз,
Қоялар бағридан!

ОВОЗ

(пастдан)

Жон деб қилай деймиз баландга парвоз,
Бунда танимиз соғ, покиза чунон;
Қолурмиз бесамар, афсус, бегумон.

ҲАР ИККАЛА ХОР

Шамол тинар,юлдуз учар ногаҳон,
Осмонда ой ҳазин бўлади ниҳон.
Шовқин-ла таралар оҳанг фусункор,
Сочилар ҳар ен ўт, учқун бешумор.

ОВОЗ

(пастдан)

Тўхта! Тўхта!

ОВОЗ

(юқоридан)

Ким экан у чорлаган —
Бизни қоялар бағридан?

ОВОЗ

(пастдан)

Қилингиз мени бу даргоҳдан халос!
Нақ уч асрдирки, танда азият,
Ушалмайди ва лек эзгу бир ният.
Мақсад — тенгқурлар-ла бўлмоқцир, холос.

ХАР ИККАЛА ХОР

Элтмоқда-ку бизни супурги, таек,
Шоха ва така ҳам йўртар ҳозироқ;
Ўз вақтида агар ошмасанг довон,
Мангу қолажаксан пастда нотавон.

ЯРИМ АЛВАСТИ

(пастда туриб)

Вақт ўтмас, жадал ташласам-да қадам;
Нечук олға кетди аҳли мастон шу дам!
Бўлолмайман уйда ҳам тинч, осойишта,
Чўққига чиқолмай мен ҳамон саргашта.

АЛВАСТИЛАР ХОРИ

Малҳам бахш этармиш алвастига қудрат,
Жулдир-чи, бўлармиш унга елкан, қанот,
Жомашов-чи, қайиқ бўлармиш унга соз;
Учмасанг бугуноқ, етдир сен-чун парвоз.

ХДР ИККАЛА ХОР

Ўша кўринган чўққига чиққан он
Қилурсиз сайр тоғни айлаб макон.
Топарсиз роҳат кенг сайҳонлар аро,
Сиз аҳли мастон суриб гашт якбора.

(улар пастга тушадилар)

МЕФИСТОФЕЛЬ

Атрофда ҳукмрон: қий-чув, шовқин-сурон!
Оғизга келганин вайсар ҳар ким шу он!
Сасир ҳар ен, қилса лаънатилар ишрат!
Шудир мастонларга хос ҳақиқий тийнат!
Маҳкамроқ ушлагин,
Билъакс ажралиб қолурмиз шу заҳот.
Қаердасан ўзинг?

ФАУСТ

(узоқда туриб)

Мен шу ердаман!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Мафтун қиддими биров аллақачон?
Бунда мен ўзим бўлмоғим шарт ҳукмрон.
Пўшт, эй халойиқ, келмоқда шайтонзот!
Маҳкам ушлагин, ҳаким, шу заҳотда,
Ҳозир бўламиз бу авомдан озод,
Екмас бу ғавғо ўзимга ҳам ҳатто!

Негадир тортар диққатим, ҳу, ўша
Кўм-кўк буталар ўсган хилват гўша.
Юр, ўша ерда қилайлик сал нашъа!

ФАУСТ

Бу зиддият — мантиққа хилофона!
Бўлганди илк фикринг хўб оқилона:
Брокен сари қилмокчийдик саеҳат,
Ярим йўлда ниятдан қайтсак наҳот?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Қарасанг-чи, атроф қандай чароғон!
Фароғатга чўммиш кексаю жувон.
Даврамиз кичик, лек эмасмиз елғиз.

ФАУСТ

Баландда бўлсак хуш ўтарди вакт сўзсиз!
Кўзга ташланар: тутун, аланга, гирдоб,
Шайтон сари шу он интилар оломон;
Олажак ундан минг бир жумбоққа жавоб.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Жумбоқдар бўлиши турган гап беҳисоб.
Қўй, ўша оламни, солаверсин шовқин,
Юр, хилватга ўтиб, олайлик бироз тин.
Азалдан мавжуддир, ахир, шундай одат:
Бу буюк оламда кичик дуне бўлур
Айни чоқда бунед;
Қара, еш мастонни нечук луччак турур,
Кексалар епиниб роса, қурар суҳбат;
Кўнглим учун шу он бўлгин менга улфат!
Йўқ заррача заҳмат, лек авжида сурур.
Қулоққа чалинар мусиқий бир овоз!
Жонга тегса ҳамки лаънати ул садо,
Кўникмоқзарур, йўқўзгача муддао.
Қани, юргин, ўзим бошлайин олға боз,
Янги манзил, янги маҳлиқолар томон.
Фикринг қалай, дўстим? Мана гўзал сайҳон!
Накадар бепоен! Назар сол ҳар томон,
Турфа гулхан енар — атрофинг чароғон!

Бир енда дилнавоз рақс, гурунг қандай соз!
Ҳар ким пиширмоқда ошин ўзига хос;
Ишқ дардида улар тун-кун бўлиб бехоб,
Дуст, ерон — жамулжам ичарлар майи ноб.
Не экан дунеда, айт, шундан соз, ноеб?!

ФАУСТ

Айт-чи, бошлаш учун бизни у томон
Бўлурсан афсунгар е тағин шайтон?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Махфий ном олмоқ менга азалий одат;
Байрамда зотан, билинар даража, зот.
Тиззабоқ мен-чун бўлса-да гар номатлуб,
От оек, билсанг, бунда шарафлидир хўб.
Ҳў, ана, пешвоз чиқиб келар биз томон,
Кўрдингми, дўстим, ўрлаб жажжи чиғаноқ;
Қанчалар тутмай ўзлигим бунда пинҳон,
Ва лекин сезди кимлигим ту ондаек.
Гулханлар аро, юр, ўтайлик бир бора,
Мен совчи-ю, сен эса куевхон тура.
(ловуллаб турган аланга олдида ўтирганларга қараб)
Жаноблар, ортда қолибсиз ғарибона,
Ўқирдим сизга шонли бир мадҳу сано,
Кўрсайдим сизни гар ҳузур-ҳаловатда.
Яхши бўлурди курсам сизни узлатда!

ГЕНЕРАЛ

Авом халққа ким ҳам қилар эътиқод,
Унинг-чун қанча жон тортса-да жафо?
Аммо авом ғайри йигитга вафо —
Қилғувчи хотиндек ҳийлагар бир зот.

МИНИСТР

Ешларда адолат бўлмайди, ишон,
Қобил кексаларга дейман шараф-шон;
Ҳар нени қилардик иззату ҳурмат,
Олтин пайт экан у пайт, дарҳақиқат.

МАНСАБПАРАСТ

Дарҳақиқат, қилмай мутлоқ ҳамоқат,
Кўрсатардик сабот келганида гал.
Росмона киришсак битарди ишкал.
Ҳар нарсанинг акси юз берар фақат.

МУАЛЛИФ

Ким ҳам шу замон китобга қўйиб меҳр,
Ақл кўзи-ла уқар унинг маъносин!
Ҳамаср ешлар ила бўлсангиз ҳамфикр,
Топиб бўлмайди зинҳор оқил-доносин.

МЕФИСТОФЕЛЬ

(даъфатан кексайган ҳолда пайдо бўлади)
Кўпдан сезганман: халқ етгандир камолга;
Сўнгги бор қучди мени мастонлар тоғи,
Зеро умрим ҳам юз тутгандир заволга,
Кекса дуне ҳам адо бўлмоқца чоғи.

ЛАТТАФУРУШ МАСТОН

Эй жаноблар, четлаб ўтмангиз бундоқ!
Кетмасин беҳуда фойдали фурсат!
Нигоҳ ташлаб ўтинг: ранг-баранг бисот.
Ашелар забт этар дидингиз мутлоқ.
Дўконда мавжуд ҳар нарса аслида,
Билсангиз, беқиес эрур оламда.
Унутманг, то ҳануз улар дастидан
Инсоният ҳамон доғу аламда.
Қон тўкмаган ханжар йўқдир хонамда,
Топилар бунда турфа қадаҳ, жом —
Неча бор оғу ва заҳарга тўлган
Узилмиш улардан қанча ширин жон.
Мана бу фусункор безагу зийнат
Қанчалар жононни йўлидан урган.
Бундаги қиличлар олган интиқом,
Рақиблар танига солиб жароҳат.
Уларнинг заҳридан бўлмишдир ноком
Қанча аҳду паймон, севги, муҳаббат.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Боеқиш! Билмас недир вақт деган жараен.
Неки мозийга ўтмиш — салавот дер моқол.
Янгилик борасида фикрингни қил баен!
Янги ашелар, билсанг, жал б этади дарҳол.

ФАУСТ

Ўзлигим фаромуш қилмасдан бурун,
Дейман, шунда экан бозору гурунг!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Баландга интилар оломон-гирдоб;
Олға кетаман деб қилмагин хаел,
Олға суриласан бегумон шу тоб.

ФАУСТ

Ким бўлди анави?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Обдон қараб ол,
Ахир, у Лилит-ку!

ФАУСТ

Ким эди дединг у?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Одам Атога бўлмиш дуст ул илк аел.
Гўзал сочидан унинг қилгин ҳазар;
Зеб-зийнатига унинг сол бир назар,
Ишвасига банд бўлмиш қанча хаел.
Тегсанг сочига, қутулмассан зинҳор.

ФАУСТ

Кампир ва қизи ўтиришди, ана;
Ўзлари ҳам рақс қилишди ростмана!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Зумрашалар рақсга бунчалар ташна!
Юр, жуфт-жуфт бўлиб рақс тушайлик, ошна!

ФАУСТ

(еш қиз билан рақс қилаетиб)

Кўргандим бир вақт сеҳрли, ширин бир туш:
Олдимда олма дарахти турганмиш,
Анвойи икки олмага тушмиш кўз,
Оғочга чиқиб олганмишман шу кез.

СОҲИБЖАМОЛ ҚИЗ

Олма қадрин биласиз чунон,
Тарки жаннат қилгансиз шундан.
Шодликдан бор дидда тасалли,
Бизнинг олма ҳам гуллар ҳали.

МЕФИСТОФЕЛЬ

(кампир билан рақс қилаетиб)

Қачондир кўргандим ғалати бир туш:
Олдимда қулаган дарахт етармиш,
Унинг даҳшатли бир каваги бормиш,
У катталиги-чун менга еқармиш.

КАМПИР

Сенга бўлсин самимий салом,
От туеқли баҳодир ўғлон!
Агар унга бўлолсанг пайванд,
Дилни қилай дилингга мен банд.

ПРОКТОФАНТАСМИСТ

Лаънатилар! Шундай дейишга наҳот
Қилолсангиз бунда бунчалар журъат?
Қилинган-ку, ахир азалдан исбот:
Турмас оддий оеқда руҳ деган зот,
Рақс этасиз тағин гўе одамзод!

СОҲИБЖАМОЛ ҚИЗ

(рақс қилаетиб)

Нима бор экан унга бизнинг балда?

ФАУСТ

Парво қилманг, у тентирар ҳар қайда!
Рақс қилса биров, ташлаб тунд бир нигоҳ,
Қилмоқ бўлади ҳар қадамин изоҳ.
Бўлмайди мақбул ташланган ҳар қадам,
Олға кетсангиз, тортади ғам,алам.
Айлансангиз бир жойда — хуллас калом —
Тутгандек кўҳна тегирмонда ўзин.
Мадҳу санолар билан бошлар сўзин,
Бермоқ бўлсангиз эҳтиром-ла салом.

ПРОКТОФАНТАСМИСТ

Негадир сира қилмас аклим бовар:
Нечук бўлдингиз бунда тағин пайдо?
Йўқолинг! Наҳот сўзим қилмайди кор?
Шайтонга, зотан, ўгитдан йўқ фойда.
Фаросатсоҳиб бўлиб дер одамзод:
Тегедда руҳлар бўлармиш намоен.
Инсон-чун ҳоким боз эски эътиқод.

СОҲИБЖАМОЛ ҚИЗ

Бас, етар, тегаверманг жонга!

ПРОКТОФАНТАСМИСТ

Руҳлар, айтайин энди юзингизга:
Беролмам бардош истибдодингизга!
Тўғрисин айтсам, кучсиздир иродам,
Юришмас бугун, зотан, омадим ҳам;
Одатим — қилмоқ саеҳатдам-бадам.
Қўйганда сўнг бор бу ерга қадамим,
Шоиру шайтон бўлар менга таслим.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Қараб тур, расвоси чиқади ҳали:
Қилгандек кетида зулук кайф-сафо,
Бунда у жўнгина топар тасалли,
Топгандек руҳ ва жин туфайли шифо.
(ўйиндан чиққан Фаустга)
Рақс куйин куйлаган жононга, наҳот,

Рақсни тарк этишга бердинг ижозат?

ФАУСТ

Қуй айни авжига чиққан чоғида
Қип-қизил бир сичқон кўрдим оғзида!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Шуми, холос? Қилма унга эътибор!
У кулранг бўлмаса бўлгани, хумпар!
Севгинг қилмоқ бўлсанг гар унга изҳор,
Унут барчасин, пайт ўтмасин-бекор.

ФАУСТ

Кўрдим сўнг...

МЕФИСТОФЕЛЬ

Хўш, нени?

ФАУСТ

Қара, Мефисто,
Қути ўчган дилбар қиз турар ҳанг-манг!
Жилмоқца жойидан секин-оҳиста,
Қилмишкан гўдакни гўё занжирбанд.
Шундай туюлмоқда, бўлайин иқрор,
Эслатар у сулув Гретхенни такрор.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Тураверсин! Эзгулик бахш этмайди у.
Гўё фусункор санам жонсиздир мангу.
Кимки ташласа унга ҳавас-ла нигоҳ,
Танида қони қотиб қолар баногоҳ.
Ўзи-чи? Тошдек бўлиб қолади дарҳол;
Эшитгансан Медузаҳақца,эҳтимол?

ФАУСТ

Дарҳақиқат, кўзлари унинг мурдага хос,
Ва лек очиқ қолдирган уларни қадрдон қўл.
Уша ширин жон мен-ла бўлганди-ку ҳамроз,
Ахир, мен эркалаган Гретхеннинг кўкси-ку ул.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Тентак, қилма ҳамоқат, бу сир-афсундир,
Ҳар кимга ўз еридек этади зуҳур!

ФАУСТ

Қандай ҳузур-ҳаловат! Қандай изтироб!
Тарк этолмай нигоҳин, бўламан бетоб.
Унинг самбитгул янглиғ чиройли бўйни
Қаеб этарди қандайин ажиб латофат
Ўша алвон каби лаъл, гавҳардан албат!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Тўғри! Кўриб турибман шу заҳот уни.
Бощин кўтариб юрар ҳатто қўлтиқда;
Персей қилмишдир уни бошидан жудо.
Сени алдар хаелий бир шодлик ҳамон!
Юр-чи, тезроқ елайлик тепалик томон.
Дил хушнуд бўлгай дарҳол гўе Пратерда.
Мўъжизотнинг мафтуни бўлибман наҳот?
Барчаси бўлур содир гўе театрда!
Бу не ҳолдир этмоқца бунда зуҳурот?

СЕРВИБИЛИС

(серилтифот киши)

Бошларлар ҳозир тағин янгисини,
Етти қиссанинг энг сўнг-сўнггисини;
Қисса чўзилар — шу ҳар жойда одат,
Уни булҳавас шоир қилмиш ижод.
Ижро этганлар ҳам зотан, булҳавас.
Узр, жаноблар, агар ғойиб бўлсам,
Парда очмоқ мен учун завқу ҳавас.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ҳар гал Блоксбергда сизни кўрар бўлсам,
Суюнаман хўб; сизга дастерлик хос.

ВАЛЬПУРГИЙ ТУНИДАГИ ТУШ (ХАЕЛ) ЕКИ ОБЕРОН ВА ТИТАНИЯНИНГ ОЛТИН ТЎЙИ

ИНТЕРМЕДИЯ

ТЕАТР ДИРЕКТОРИ

Мидингнинг жасур эй авлодлари,
Бугун росмона қиламиз роҳат:
Кўҳна бу тоғнинг кенг водийлари
Биз учун саҳна бўлажак, албат!

ГЕРОЛЬД

Олтин тўй десанг тўй,
Ўтмоғи зарур эллик йил;
Баҳсни йиғиштириб қўй,
Олтин бўлса тўй, мен мойил.

ОБЕРОН

Рухлар, мен сари ташлангиз нигоҳ,
Айтганингиз келсин шу соат!
Қарол ва қайлиқ янгилар никоҳ,
Хизматда бўлингиз шу заҳот!

ПУК

Судраб оеғин зўрға атрофда
Айланиб Пук ҳам туради сафда;
Унга эргашар киши бешумор,
Токи дил бўлсин шодон, беғубор.

АРИЭЛЬ

Касб этиб самовий бир оҳанг,
Ариэль қўшиғи янграр;
Унга мафтун бўлар кўп сатанг,
Жононлар ҳам мафтун бўлишар.

ОБЕРОН

Ешлар, турмуш қурмоқ бўлсангиз агар,
Кексалардан олинг ўрнак ва ибрат!
Ерни чиндан севмоқ бўлсангиз агар,
Унутманг: зарурдир айрилиқ, албат!

ТИТАНИЯ

Инжиқ бўлса эр, рашк қилса аел,
Тутиб уларни ўтмайин хиел,
Аелин итқит жаҳаннам сари,
Эрини эса шимолдан нари!

ОРКЕСТР

(фортиссимо — даҳшат билан)

Пашшаю чивин бўлиб биродар:
Қурбақа билан сайрар ботқоқда,
Ниначи билан яйрар ўтлоқда,
Улар-чи, эмиш созанда донгдор!

СОЛО

Қўшнайчи келмоқда, қаранг!
Совунпуфакнинг нақ ўзи.
Тошбақа таратар оҳанг,
Тўпос бурни — унинг сози.

ШАКЛЛАНАЕТГАН ЖИН

Мен қундузқорин, ўргимчакоеқ
Ва қанотларга бўлайин молик!
Чиқмайди мендан бир тахлит махлуқ,
Жажжи бўлса-да, чиқар шеър бироқ.

МАҲБУБ ВА МАҲБУБА

Муаттар ҳидлар ва соф шудринг ичра
Баланд сакраб, калта қадам ташлайсан,
Чопасан, жадаллик — касбинг ҳамиша,
Наҳот мени само сари бошлайсан!

СИНЧКОВ САЙЕҲ

Ҳажв эмасмикан бу маскарадга хос?
Мен учун бир нарса бўлмоқда тугун:

Наҳот гўзал маъбуд Оберон нохос
Базмда бўлажак намоен бугун?

ОРТОДОКС

На панжаси бор, на думи, инон
Ва лекин йўқдир мутлақо гумон:
Бор бўлганидек маъбуди юнон,
Эҳтимол, у ҳам аслида шайтон.

ШИМОЛЛИК САНЪАТКОР

Неданким бўлдим то ҳануз огоҳ
Хом деб ўилайман мен, дарҳақиқат;
Лек Италия сафарин гоҳ-гоҳ
Кўриб тадбирин бўламан диққат.

ПУРИСТ

Қаранг, рўй берур қандай фалокат!
Ким ҳам берилмас бундай фаҳшликка?
Бутун бир тўда мастондан фақат
Иккови ботган упа-эликка.

ЕШ АЛВАСТИ

Упа-элик ҳам танга бир оройиш,
Унга муҳтождир барча хотин-халаж.
Ўтириб шу-чун панада яланғоч,
Қиляпман турку танамни намойиш.

ОНА АЛВАСТИ

Айтишмоқ учун сиз билан сиру ҳол
Бордир тажрибамиз билониҳоя;
Бўлсангиз ҳамки еш ва соҳибжамол,
Сизга ҳам кексалик ташлайди соя.

КАПЕЛЬМЕЙСТЕР

Бурундор пашша ҳамда чивин мўйловдор,
У яланғочга бўлманг асло парвона!
Бақага — ботқоқ, ниначига — майсазор,
Эттиринг давом мақомни фориғона!

ФЛЮГЕР

(шамол кўрсаткич)

Кўнгилга хўб ярашиқ бунда халойиқ,
Сайласа бўлур ҳар ким ўзига қайлиқ!
Йигитларки, биридан бири диловар,
Мадҳу санога улар бўлмиш сазовор!
(иккинчи томонга айланиб)
Кошкийди ерилиб ер,
Ютса уларни бир-бир;
Тез-тез босиб илгари,
Ўтолсам тамуғ сари.

ЭПИГРАММАЛАР

Бизлар бамисоли турфа ҳашарот:
Қўлда ўткир қайчи турибмиз тайер;
Эзгулик-чун мадҳга бўлур муяссар
Ўз қиблагоҳимиз — ўша шайтонзот.

ГЕННИНГС

Нечук топишиб тил улар ўзаро,
Кишидан кулмоқ бўларлар элора!
Кўрсатиб чиндан ўзларин билағон,
Моликмиз дерлар соф кўнгилга тағин.

МУЗАГЕТ

Бу алвастилар ичида шу он
Ажаб эмасдир бўлишим гумдон.
Кошки билсайдим бошламай бурун
Базмгоҳга илҳом маъбудаларин.

ЎЗ ДАВРИНИНГ ДАҲОСИ

Чин инсонлар-чун кил жонни нисор.
Ушла баримдан, бўлмайди чакки!
Блоксберг немис Парнаси мисол,
Зеро унда ҳам бор баланд чўққи.

СИНЧКОВ САЙЕҲ

Не деб вайсар ана у маҳдуд киши?

Алланечук калон экан димоғи;
Писмиқ қилиқ, балки жосуслик — иши.
«Сезди маккорларнинг борлигин чоғи».

ТУРНА

Балиқ овини боплайман бемалол,
Сув тиниқми е лойқа бермас халал;
Сиздек аслзода жаноблар-чун ехуд
Диндору шайтон аро йўқтафовут?

РИНД (ДУНЕВИЙ КИШИ)

Тақводор мардум бўлади устомон,
Қулай фурсатни севади чунон.
Бунда диндорлар тузган махфий ҳайъат,
Бир ҳайъатки, бор-битгани разолат.

РАҚҚОС

Наҳотки, хор куйи янграр тағин?
Қулоққа чалинар бурғу овози. —
«Карнайга жўровоз қулоқ осинг!
Сайроқи мушгирнинг баайни ўзи».

РАҚС МУАЛЛИМИ

Ҳар ким судрайди оеғин, қаранг!
Қўлдан келгунча ҳар ким ўйнар, бас!
Лек букри, маймоқ сакрашар гаранг,
Нечук деб ўйин зинҳор сўрашмас.

ҒИЖЖАКЧИ

Уларни эзади пинҳоний нафрат,
Ўлгудек ғажимоқ истар бир-бирин;
Орфей лираси бахш этгандек шафқат,
Қўшнайчи юмшатар уларнинг дилин.

АҚИДАПАРАСТ

Танқиду шубҳалар қилмас менга кор,

Беҳуда солмайман шовқин ҳеч қачон.
Шайтон ҳам нимадир бўлмоғи даркор,
Қайдан келди, йўқса, жаҳонга шайтон?

ИДЕАЛИСТ

Хаелотга ботмиш бутун онгу шуур,
Алалхусус, бу гал бўлмиш ҳоким сарбаст.
Дарҳақиқат, борлиқ этса менда зуҳур,
Телбалик дардига йўлиққаним рост!

РЕАЛИСТ

Моҳият дегани, бўлайин иқрор,
Қилиб дилимни ғаш, берар азият;
Қилиб бўлмас қатъий бир азму қарор.
Илк бор эзар мени шундай вазият.

СУПЕРНАТУРАЛИСТ

Бунда ҳаетнинг ўзга гашти бор,
Суюнаман шунга қилиб қаноат;
Зеро тарк этиб шайтонни минг бор,
Фаришталар сари боргайман минбаъд.

СКЕПТИК

Бир жинчироққа қўйиб чиндан ихлос,
Излашади ганж боекишлар аъло.
Шубҳаю шайтон қофиядош, хол'ос,
Демак, мен тутган йўл эмас бемаъно.

КАПЕЛЬМЕЙСТЕР

Ботқоқда бақа, ўтлоқца ниначи —
Шу лаънатилар шоирмиш ҳаваскор!
Пашшаю чивин, зувилланг бетиним,
Сизлар-ку, ахир, созанда, бастакор!

АБЖИРЛАР

Одамзоднинг қувноқ фарзанди
Беғам дея аталар зотан;
Юриб бўлмас оеқ-ла энди,
Бош-ла юриб қолдик дафъатан.

НОТАВОНЛАР

Ризқу рўзимиз ҳам кетди беҳуда,
Бундан буен бизга ер бўлгай ҳудо!
Оеғимизда қолди эскирган бошмоқ,
Капакида қолдик биз ялангоеқ.

ДАЙДИ ШУЪЛА

Тарк этиб ботқоқ сассиғин,
Йўл олдик энди сиз томон.
Серилтифотмиз анчайин
Даврангизда биз енма-ен.

УЧГАН ЮЛДУЗ (МЕТЕОР)

Узилиб тушдим юксакдан бағоят.
Поймол бўлмишдир самовий ҳур ҳает,
Сассиқ алафзор бўлмиш менга макон;
Тағин ростлашга қаддим борми имкон?

БЕСЎНАҚАЙЛАР

Пайсалга солмай берингиз бизга жой!
Билъакс бўлади еш гўдаклар поймол;
Пайдо бўлажак ҳали қанча жин, ҳой!
Бари жуссадор, "бир-биридан қўпол.

ПУК

Бесўнақай айиқ сингари
Интилмангиз нуқул ичкари!
Пук, ниҳоят ўзинг кела қол,
Бугун энг қўпол зот була қол!

АРИЭЛЬ

Руҳ ва севимли она табиат
Инъом этмишдир сеҳрли қанот,
Юринг, қилайлик бир нашъу намо
Ҳам гуллар ичра гўзал ҳангома!

ОРКЕСТР

(пианиссимо — жуда секин)

Тарқалиб туман, булутлар оқими,
Секин еришар арзу само саҳни.
Тун таровати ва карнай хушовоз —
Бари бўлипти дафъатан гойиб боз.

БУЛУТЛИ КУН. ДАЛА

ФАУСТ ВА МЕФИСТОФЕЛЬ

ФАУСТ

Етлар ичида! Яна мушкул аҳволда! Вечора неча йиллар азоб-уқубат тортгани етмагандек, қамоққа олингани нимаси! Нотавон маъсумазот, наҳот жиноятчи сифатида даҳшатли маҳбуслик азобига дучор этилса! Ҳайҳот! Хотин, олчоқ шайтон, бу балолаларнинг барчасига сен сабабчи, буни мендан махфий тутгансан! Евузлик еғиб турган кўзларингни пирпиратиб туравер энди, иблис! Мен тоқат қилолмайдиган турқингни кўз-кўз қиласан тағин!

У чексиз ғам-алам исканжасида! Инсонча ҳис-туйғудан маҳрум бўлган евузлар ҳукмига ҳавола қилибсан уни! Энди билсам, сен мени шу вактгача жирканч эрмаклар билан овутиб, бечоранинг қайғусини мендан сир тутибсан ва унинг нотавонликда нобуд бўлиб кетишини хохлабсан!

МЕФИСТОФЕЛЬ

У биринчиси эмас!

ФАУСТ

Ит! Жирканч махлуқ! Олампаноҳ парвардигор, ўшанда, тун сониясида соддадил бир саеҳатчига еқай деб унинг оеғи остида думини ликиллатиб, юмалаб етган бу лаънати ваҳшийни яна ўзининг ит қиефасига қа#тар! Бу разилни яна ўзининг севимли қиефасига киритгил, токи у яна кум устида қорнини ерга бериб, менинг оеғим остида ўрмаласин! «Биринчиси эмас!», эмиш. Маъсума бир зотнинг бунчалик бало-қазоларга гирифтор бўлганини тасаввур қилиб бўлмайди! Наҳотки, биргина шу боеқиш мангу раҳмдил парвардигор олдида даҳшатли ўлим исканжасида туриб, бошқалар гуноҳини юволмаса! Мана шундай елғиз бечоралар бошига тушган бало-фалокат менинг бағри-дилимни эзиб юборади; сен бўлсанг минглаб шундай мазлумаларнинг тақдиридан куласан!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Биз — шайтонлар ҳали ҳам одамларни ақлдан оздирадиган қудратга моликмиз. Охиригача чидай олмас экансан, мен билан битим тузиб нима қилардинг? Учишни истайсану бош айланишидан ҳадиксирайсан. Ким кимнинг пинжига кирди — биз сенингми еки сен бизнингми?

ФАУСТ

Менга қараб, баднафс, тишларингнинг оқини кўрсатаверма! Жонимга тегдинг! Ўшанда қаршимда зуҳур этган улуғ ва қудратли рух, менинг қалбу дилим сенга аен-ку, нега мени шу шармисор қаллоб билан ошна қилдинг? Бировлар заволи унинг учун қувонч бўлса, бировлар ўлими — ҳузур-ҳаловат!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Хўш, гапинг тамоммми?

ФАУСТ

Уни халос эт! Билъакс ҳолингга вой! Бир умр алайҳиллаъна иблис бўлиб қолгур!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Қасоскор тугунларини ечишим амри маҳол, ҳибсхона тамбаларини очиш қўлимдан келмайди! «Уни халос эт, эмиш», уни ўлим оғушига итқитган ким? Менми е сен?

(Фауст чўчиб, атрофга назар ташлайди)

МЕФИСТОФЕЛЬ

Момақалдироқдан мадад тилаяпсан, шекилли? Афсуски, ўлимга маҳкум нотавон инсон фарзанди бундай мададдан маҳрум. Айбсиз саркашларни гумдон қилиш — мустабидларга хос одатдирки, аҳвол танг бўлдими, бас, ягона нажот — золимлик!

ФАУСТ

Бошла мени ўша еққа! У озод бўлиши зарур!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Ўзингни хавф остида қолдираетганингдан хабаринг борми? Билиб қўй, шаҳарда қолдирган қонли изларинг ҳали йўқолгани йўқ!

Қотиллик содир бўлган жойда қотилнинг қайтиб келишини пойлаб қасоскор фаришталар парвоз қилиб юрипти.

ФАУСТ

Яна нималар демоқчисан? Сен махлуққа дунеда ўлим ва лаънатдан бошқа нарсани раво кўрмайман! Қани, юр, мени ўша еққа бошла!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Сени бошлаб борганимда қўлимдан нима иш келарди, ахир?! Тушунсанг-чи! Еру кўкнинг қудрати менда деб ўйлайсанми? Мен ҳибсхона назоратчисини беҳуш қиламан, сен дарҳол очқичларни олиб, уни ўз қўлинг билан олиб чиққин! Мен соқчилик қиламан, сехрли отлар тайер туради, сизларни чиқариб юбораман. Қўлимдан келадигани шу.

ФАУСТ

Тур, кетдик ўша еққа!

ТУН. ОЧИҚ ДАЛА.
ФАУСТ ВА МЕФИСТОФЕЛЬ ҚОРА ОТЛАРГА МИНИБ, КАМОҚХОНА САРИ КЕТМОҚДАЛАР.

ФАУСТ

Нималар бўлмоқда қатлгоҳ еқда?

МЕФИСТОФЕЛЬ

Қатл қилмоқдалар е овқат, қайдам?

ФАУСТ

Гоҳ паст, гоҳ баландга қилишар парвоз,
Гоҳ энгашиб, ортга чекинарлар боз.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Алвастилар қурар базм ўзаро.

ФАУСТ

Ниманидир сепиб нари ва бери,
Эски бир удумни қиларлар ижро.

МЕФИСТОФЕЛЬ

Кетдик! Қўй, қарама, мастонлар сари!

КАМОҚХОНА

ФАУСТ

(бир даста калит ва чироқ билан темир эшикча олдида)

Жисмимни чулғар боз ўзга бир даҳшат,
Одамзод ғами урин олмиш дилдан.
Шу зах зиндонда тортар ер азият,
Ширин бир хаел бўлди боис чиндан.
Мунча қўрқмасанг ичкари киргани,
Йўқми истагинг маҳбубанг кургани?
Қўрқоқ бўлсанг гар, ўлим келур зимдан.
(Укулфга епишади. Ичкаридан қўшиқ янграйди)
Менинг фоҳиша онам
Ҳаетим қилди хазон!
Менинг доғули отам
Эзди мени тамоман!
Менинг жажжи сингилжоним
Йиғиб бутун устухоним,
Кўмганида солиб уввос,
Гўзал бир куш бўлиб бехос,
Само сари қилдим парвоз!

ФАУСТ

(эшикни очаетиб)

Сезмас боеқиш ерининг келганин
Ва эшитганин зил кишан жарангин.
(у ичкари киради)

МАРГАРИТА

Келмоқца жаллод ва ажал бешафқат!

ФАУСТ

(секин)

Секин! Бу менман, бўлажаксан озод!

МАРГАРИТА

(унинг олдида тиз чўкиб)

Инсон бўлсанг, кил менга раҳм-шафқат!

ФАУСТ

Секин, соқчилар уйғонар шу заҳот!
(у занжирларни узишга киришади)

МАРГАРИТА

(тиз чўкиб)

Қилишга мени қатл шу заҳот,
Айт-чи, тошюрак, эй евуз жаллод,
Ким берган сенга бундай фармойиш?
Ўлимим тунда бўлур намойиш!
Раҳм қил, эй инсон, узма ҳаетим!
Наҳот кундузи бўлмаса вақтинг?
(ўрнидан туради)
Ахир, мен жуда еш-ку, еш!
Наҳот ўлимга эгсам бош!
Менда ҳам бор эди ҳусну тароват,
Ҳусним зотан қилмиш ҳаетим ғорат.
Маҳбубим бор эди — қолган йироқца,
Сўлди гул гултожи бирла фироқца.
Зўравонлик қилма, илтимос сендан!
Раҳм қил! Не емонлик кўргандинг мендан?
Ялинтирма мени ҳуда-беҳуда!
Кўрмаганман, ахир, сени умримда!

ФАУСТ

Чидаб бўлурми бу дардга, е раббий!

МАРГАРИТА

Бўлганман ҳукмингга тамоман тобе.
Рухсат бер, боламни эмизай бир бор!
Сўнг нима қилсанг ҳам сенда ихтиер.
Туни билан суйдим эркалаб фақат;
Олдилар оғушдан, чексин деб ҳасрат.
«Онаси ўлдирган! —деб соларлар жар,
Шодликка тўлмайди дил энди зинҳор.
Шаънимга қўшиқлар ҳам тўқилур!
Халқ ичра евуз номим ўқилур!
Дерлар: шундай тугайди ривоят,
Лек беролмаслар унга изоҳот.

ФАУСТ

(тиз чўкади)

Узмоқ бўлиб қўлда занжиринг,
Чўкиб турар тиз вафодоринг.

МАРГАРИТА

(ўзини унга ташлайди)

Руҳлардан сўраб нажот,
Чўкайлик тиз шу заҳот!
Зина сари сол бир разм,
Қайнар дўзахи азим!
Солмоқ-чун танга азоб
Иблис турар дарғазаб!

ФАУСТ

(қаттиқ)

Гретхен! Гретхен!

МАРГАРИТА

(диққат қилиб)

Бу дўстона сас!
(Сакраб туради. Занжирлар узилиб тушади)
Чорлаганин унинг эшитдим нохос!
Бўлмам энди маҳбус! Энди озодман!
Мен севгили ерим сари учарман,
Ўзимни кўксига ташлаб мастона,
Қучарман еримни мен қона-қона!
Зиндон даҳшатини қилмайин писанд,
Чорлади «Гретхен!» —дея у дилбанд.
Қилса-да гар шайтон уни ҳақорат,
Унинг саси гўе гўзал нақарот.

ФАУСТ

Менман, жоним!

МАРГАРИТА

Бу сен! Тағин айт бир бор!
Қолмади танимда азо'бдан асар!
Қани у қамоғу занжир даҳшати?
Келибсан! Чанг солмас золим ваҳшати!

Мен халос бўлибман! —
Эсимда ҳамоно ўша бахтли он,
Учрашгандик ногоҳ бизлар икковлон.
Эсда ўша куча, ўша сўлим боғ,
Марта ва мен сени кутган тунги чоқ.

ФАУСТ

Кетдик! Кетдик, юр!

МАРГАРИТА

О, кутгин бир нафас!
Сен ила бўлмоғим келтирур сурур.

ФАУСТ

(эркалаб)
Хаяллама, бас!
Шошилмасанг агар,
Қимматга тушади гуноҳ бадали.

МАРГАРИТА

Бошқа ўполмайман дегин сен ҳали?
Унутилдими е, эй севгили ер,
Лаҳзалик ҳижронда ширин бўсалар?
Айт-чи, нечун сени қучганим заҳот
Бутун вужудимни чулғайди даҳшат?
Сенинг нигоҳларинг ва ҳар бир сўзинг
Ваъда қилганди нақжаннатнинг ўзин.
Упар эдинг мени бўлиб сархуш, маст,
Дилингни дилимга қилгандинг пайваст;
Энди-чи, лабларинг совуқ ва бешан,
Дилкашликдан йўқдир мутлоқ бир нишон.
Олгин мендан бўса!
Кел, ўзим ўпайин сени бўлмаса!
(уни қучади)
Қани ўша ишқу ўша муҳаббат,
Қани у жўшқинлик, ўша ҳарорат?
Е шум тақдир қилур менга хиенат?
(Фаустдан юз ўгиради)

ФАУСТ

Севиклим, юр энди, кўрсат жасорат!
Сеники бўлгай бу қалбу ҳарорат!
Юр ортимдан, шудир сендан илтимос!

МАРГАРИТА

Чиндан ҳам сейми бу? Наҳот бўлса рост?

ФАУСТ

Бу менман! Кетдик, юр!

МАРГАРИТА

Еринг эркаламоқ бўлиб сен сўнг чоқ
Қилмоқцасан уни кишандан халос.
Айт, нечук турибсан енимда бебок?
Биласанми ўзинг, маҳбуби ҳассос,
Кимни қилмоқцасан сен озод шу он?

ФАУСТ

Юр, кетдик бирга, бас!
Чекиниб зулумот, еришмоқца тонг.

МАРГАРИТА

Онам умрин қилдим хазон,
Болам қилдим сувга ғарқ,
Шуни ҳануз қилолмам фарқ:
Эмасдмиди у ширин жон
Сену менга бир армуғон?
Ҳа, сенга ҳам! Наҳот сенсан?
Қўлинг узат! Тушиммас бу!
Дилбар қўлинг! Воҳ, ҳўлдир у!
Артгин уни, сездим, инон,
У қонлидир рост, бегумон!
Парвардигор! Бу қандай ҳол?
Шамширингни яшир дарҳол,
Утинаман сендан алҳол!

ФАУСТ

Қўй, ўтган ишга дейдилар салавот!
Келмасанг тушар бошимга фалокат.

МАРГАРИТА

Ва лекин сен тирик қолмоғинг зарур!
Қабрлар таърифин қилай бирма-бир,
Пайсалга солма ҳеч, чорасини кўр:
Онам учун жойнинг яхшисин танла,
Укам қабрин онам енидан кавла.
Мен учун кавла сал ундан наридан,
Кўн узоқ бўлмасин онам қабридан!
Боеқиш болам жой олсин бағримдан!
Ким етар, зотан, мен ила енма-ен!
Кощкийди отилсам яна сен томон;
Бахту сафога ер эдик у замон!
Мангу эмаскан-да бахт-толе, ҳайҳот!
Тадпиниб сенга, сезардим ўзни шод.
Жеркиб қилсанг ҳамки мени ҳақорат,
Хумор боқишингда бордир ҳарорат.

ФАУСТ

Кимлигимдан бўлдинг огоҳ,
Юр энди, бўл менга ҳамроҳ!

МАРГАРИТА

Ташқарига?

ФАУСТ

Эркинликка!

МАРГАРИТА

Тишда ўлим қутар мени шу заҳот,
Пичоғин қайрайди жаллод бетоқат!
Кетарман уйқуга энди тоабад,
Бундан ғайри чора йўқ менга минбаъд!
Кетдингми, азизим Генрих?
Бирга бўлсайдим, эй дариғ!

ФАУСТ

Эшик ланг очиқ турар шу он
Истак бўлса бас, қадрдон!

МАРГАРИТА

Кетишга қилолмам мен азму қарор,
Зеро умидларим бўлгандир вайрон.
Қочиш? Не суд? Тишда — соқчи бадкирдор.
Осонми гадолик азобин тортмоқ
Елкага орият юкини ортмоқ?!
Осонми бир умр ет элда кезмоқ,
Ҳар жойда тутқинлик дахшатин сезмоқ?!

ФАУСТ

Бўл маса сен билан бирга қолурман.

МАРГАРИТА

Қани, тез бўл! Тез отлан!
Қутқаз боеқиш боланг!
Оғишма йўлдан фақат,
Сойга етганинг заҳот
Сўқмоқ-ла чиқ юқори,
Сўнг бурил ўрмон сари.
Чапда бор четан девор
Унинг ортида ҳовуз,
Ўшанда гўдак елғиз.
Чиқмоқ бўлиб ул ночор
Типирчилар эҳтимол,
Халос қил уни дарҳол!

ФАУСТ

Ахир, ўйласанг-чи бундоқ,
Илгари боссанг бир қадам,
Озод бўлажаксан мутлоқ!

МАРГАРИТА

Бўлсайдик тоғдан нари шу дам!
Тош узра онам унда маҳзун,
Ғамдин тирқирар кўзим еши!
Тош узра онам унда маҳзун,

Чайқалар фақат ҳолсиз боши;
Сил кий олмас бош, йўқ ишорат,
Умри мангуга бўлмиш ғорат.
Яшасин дея бизни шодон,
Боеқиш қидди умрин хазон.
Бахтли эканмиз ўша замон!

ФАУСТ

Илтижо, насиҳат қилмаяжак кор,
Сени куч-ла олиб кетмоғим даркор!

МАРГАРИТА

Қўй! Кучингни килма сен менга пеша!
Ушлама мени сен гўеки жаллод!
Тавозеъ одатдир менга қамиша.

ФАУСТ

Юрсанг-чи, азизим! Еришмоқда тонг!

МАРГАРИТА

Тонг! Ҳа,тонг отмоқда! Мен-чун сўнгги тонг!
Туй куним бўлмоғи зарурди шу тонг!
Гретхенни кўрдим, деб айтма ҳеч қачон.
Хоки туроб бўлди гултожим, эсиз!
Учрашурмиз тағин икковлон сўзсиз,
Аммо рақс пайти бўлмас у замон.
Халойиқ йиғилар, бироқ не фойда?
Кўчаю майдон, хуллас, ҳар жойда
Тўп-тўп бўлажакдир сонсиз оломон.
Жаранглаб қўнғироқ, синади таеқ!
Аҳди жаллод банди килган замоноқ
Элтажаклар мени қатлгоҳтомон.
Ҳар бир қалбни шу он босади ваҳм,
На чора килсалар гар менга раҳм.
Лол бўлар дуне ҳам бамисли тобут!

ФАУСТ

Насиб бўлмасайди менга бу жаҳон!

МЕФИСТОФЕЛЬ

Тез бўлинг! Билъакс бўласиз гумдон!
Нақот нажот бўлур бехуда гумон?

Отларни эзмоқда тишда изғирин,
Еритмоқда, ахир, тонг само бағрин.

МАРГАРИТА

Недир ер қаъридан чиқар ғавғоли?
Ўша! Ўша! Даф кил уни, тез ҳайда!
Не бордир унга бу муқаддас жойда?
Келмоқда у умрим хазон қилғали!

ФАУСТ

Йўқ! Йўқ! Севиклим, сен яшамоғинг зарур!

МАРГАРИТА

Ераб! Ўзчи сенга бахш этдим бир умр.

МЕФИСТОФЕЛЬ

(Фаустга)

Юр! Билъакс, қолурсан, у билан доғда!

МАРГАРИТА

Бандангман, раҳм қил менга, эй худо!
Қилманг эркдан жудо, эй фаришталар!
Йиғилинг теграмда, азиз ҳомийлар!
Генрих! Недир қутқу солар дилимга!

МЕФИСТОФЕЛЬ

У маҳкумдир ўлимга!

ОВОЗ

(юқоридан)

Халос этилди!

МЕФИСТОФЕЛЬ

(Фаустга)

Қани, бўл, кетдик!

(Фауст билан Мефистофель ғойиб бўлишади)

ОВОЗ

(ичкаридан жарангдор овоз)

Генрих! Генрих!

ИЗОҚЛАР

«Бағишлов» - 1797 йилнинг 24 июнида езилган. *Беқарор сиймолар* — «Фауст» трагедиясининг персонажлари кўзда тутилади.

«Эсга солиб ўша шод онлар жамолин,

Этасиз намоен аҳбоблар сиймосин...» Гете бу ерда синглиси Корнелия Шлоссер, ешликдаги дўсти Мерк ва шоир Ленцни назарда тутади; шоир ва езувчилардан Клопшток, Клингер ва бошқалар ўша вақгда тирик бўлсалар-да, Гетедан узоқлашиб кетган эдилар.

«Бўлмайди баҳравар ашъоримдан, хайхот,

Кимкизавқ олмишдир куйимянграганда...» «Фауст» езилган пайтда Гетенинг ешликдаги дўстларидан купи оламдан ўтган эди, шоир юқоридаги мисралар орқали ўшаларни қўмсайди.

«Нетай, етлар ора соламан оҳ, фаред!» - деганда шоир театр жамоатчилигини назарда тутади. Бу ҳақдаги фикр «Театрдаги пролог» саҳнасида давом этгирилади.

«Эол арфаси...» - Эол қадимги юнон афсоналарида шамол худоси сифатида таърифланади, арфа — торли чолғу асбоби. Афсонага кўра, унга шамол текканда нозик садолар чиқарармиш.

«Бор бисотим йирок-йирокда қолгандек,

Неки бўлмиш ғойиб, боз бунед бўлгандек...» — деганда Гете «Фауст»ни тугаллаш учун илҳом ва кайфият бахш этган оиласини, замондош дўстларини, ўзи эгаллаган мансаб ва лавозимини назарда тутади, чунки шоир «Фауст»ни тугаллаган пайтида кексайган бўлиб, оиласи ҳам, дўстлари ҳам, лавозими ҳам йўқ эди.

ТЕАТРДАГИ ПРОЛОГ

Бу саҳна тахминан 1797 йилда «Бағишлов»дан сўнг езилган; Гете бу саҳнани яратишдан аввал V асрда яшаб ижод этган ҳинд гуманист шоири Калидасанинг «Шакунтала» (инглиз тилидан немис тилига Георг Форстер таржима қилган) драмаси билан танишганлиги, табиийдир (1791). Унинг муқаддимасида бир бараҳманнинг фотиҳа бериши ҳамда директор билан актриса ўртасидаги ўзаро суҳбат келтирилади, ўшанда саҳнага қўйиладиган асар номининг баен қилиниши томошабинларнинг диққатини ўзига жалб қилади. Гете яшаган даврда доимий саҳналар бўлган, черковда ибодат кунларида эса махсус кассалар ишлаб турган. Постановкалар соат олтидан бошланган, лекин кўпинча билет олиш учун оломон икки соат олдин келган.

«Айтинг-чи, немис саҳнаси бу гал

Нени қилолур намойши тугал...» - деганда Гете саҳнада қўйиладиган асарга нисбатан кишиларнинг қарашларини билмоқчи бўлади.

«... Ўткир, сафоли бодай ноб» - чуқур мазмунли, кишиларда катта гаассурот қолдирилган асар назарда тутилади.

«Даркор бўлса гар сизга осмон еғдуси...» - ой билан қуеш назарда тутилади.

ОСМОНДАГИ ПРОЛОГ

Трагедиянинг бу саҳнаси 1800 йил арафасида езилган, 1808 йилда босилган. Бу саҳнада Гете ўрта аср черкови тасаввурларидан фойдаланади'-

Самовот қўриқчилари — христианлар тасаввурича, қадимги қироллар ўз қўшинларига эга бўлгандек, Тангри ҳам ўзига тобе кишилар устидан ҳукмронлик қилиш учун қўшинга эга эмиш.

Уч мутасадди малоика — Исрофил (Рафаэль), Жаброил (Гавриил) ва Микоил (Михаил) христианлар эътиқодича, худога энг яқин малоикалар эмиш. Диний ривоятларга кўра, уларнинт ҳар бири маълум вазифани бажарармиш: Исрофил — охират куни сурнай чалувчи, Жаброил — хабарчи, Микоил — коинот тасарруфчиси (соҳиби) эмиш.

«Мангу чарх урадн самода қуеш

Сайералар ила бўлиб оҳангдош...» - қадимги юнон файласуфи Пифагор (шарқий транскрипцияси Фишоғурас) фикрича, ўнта планета (сайера) бир-бирига ўхшаш орбиталар бўйлаб қуеш атрофида айланармиш, ҳар бир сайера айланиш доирасининг катталиги ва тезлигига қараб, ўз оҳангига эга эмиш, шу оҳанглар қўшилиб, сайералар оҳангдошлигини вужудга келтирармиш, лекин инсон аҳли буни сезиш қобилиятига молик эмас эмиш.

МЕФИСТОФЕЛЬ — христиан (насроний) динига мансуб кишиларнинг Фауст ҳақидаги китобида шайтон шу ном билан машҳурдир; бу ном МЕФИСТОФЕЛЬ, МЕФИСТОФИЛЕС ва МЕФОСТОФИЛЬ каби эски шаклларга ҳам эгадир. МЕФИСТОФЕЛЬ сўзи қадимги яҳудийча «мефис» (бузғунчи, вайрон қилувчи), ва «тофель» (елғончи) сўзларидан олинган бўлса керак. Лекин бу сўзнинг юнонча «ме-фото-филес» (еруғликни севмайман) ва «ме-фаусто-филес» (мен Фаустни севмайман) деган маънони англатади, дегад фикр шубҳалидир, албатта.

«Кишилик - дунеининг кичик худоси...» - бу Гете томонидан немис файласуфи Лейбниц (1646-1716)нинг «Теодицея» («Худони екдаш») номли асаридаги «Инсон ҳам ўз дуне (оламида, мухитида)сида баайни

кичик бир худодир» фикрининг қарийб сўзма-сўз ифодаланишидир.

«Бамисли чигиртка — йўқ бир тайини...» - бу ўринда чигиртка Фауст фаолиятининг рамзи сифатида гавдаланади. Чигиртка ердан кўтарилиш учун қанот ва узун оекдарга эга бўлса-да, унинг бесўнақай танаси тортилиш қонунига биноан тағин ерга тортилади.

«Судралар тупроқда...» - «Аҳдул жадид»да худо Момо Ҳавони йўлдан урган илонни шундай лаънатлайди: «Сен бир умр қорнинг билан судралиб, тупроқ ейишинг керак».

«Сиз эса, содиқ самовий йигитлар...» - христиан (насроний)лар асотирига биноан шайтон ҳам аввал худо томонидан яратилган фаришта бўлган. «Рўшнолик келтирувчи» тонг юлдузи фариштаси Люцифер худога бўйсунмагани учун рад қилинади. Худо уни ва унинг ҳамроҳларини зулмат (жаҳаннам)га итқитади. Гете бу миф (асотир)ни ўзининг яхшилик ва емонлик ўртасидаги (зиддият билан белгиланадиган диалектик дунекарашини ифодалаш учун келтиради.

ТРАГЕДИЯНИНГ БИРИНЧИ ҚИСМИ

«Дилга жо бўлмиш фалсафадек ҳикмат,
Ҳуқуқшунослик ва илми табобат.
Кўрсатиб сабот, ўзни аямайин,
Ўргандим ҳатто илоҳиет илмин.
Аклим эскича, бўлмади дубора,

Мен ҳамон ўша ғўр телба бечора!..» - маълумки, Фауст ўрта аср университетининг тўртта анъанавий факультетини битиради. У энг нуфузли ва обрўли бўлган теология (илоҳиет) факультетини тугатган бўлса-да, ундан ҳеч қандай ақлий озиқ олмаганлигидан, ўша давр илмин инг маҳдудлигидан нолийди.

Магистр — ўрта асрлар университетининг қуйи даражали гуманитар фанлар муаллими.

Доктор — ўрта асрлар университетларида энг юқори илмий даража бўлиб, фақат теология (илоҳиет), ҳуқуқшунослик, илми табобат (медицина) фанларидан даре берувчиларга берилган.

«Нострадамнинг пурҳикмат китоби...» - француз қироли Карл XII нинг қаерида табиблик қилган Мишель де-Нотр Дам (1503-1556)нинг «Башоратлар» китоби назарда тутилади.

Макрокосм — маъноли қилиб тартибга солинган коинот белгиси; коинот, олам.

Ер руҳининг белгиси — диний-алхимистик қарашларга кўра, ҳар

бир еритгич, шу жумладан, ер ҳам ўз рухи (арвоҳи)га эга эмиш, ўша руҳ еритгичлар ва ернинг моҳиятини белгилармиш.

Ғайриинсон — 16 аерда католиклар томонидан Лютер Мартин (1483-1546)нинг мухлисларига берилган киноялн лақаб.

ВАГНЕР — Христофор Вагнер, 1587 йилда чиққан «Доктор Фауст» номли халқ китобида Фаустнинг ердамчиси сифатида тилга олинади.

«Ҳа, ўша кашиш ҳам актер бўлса агар...» - бунда Гете, бўлажак руҳонийлар комедиант (актер)лардан таълим олмоғи керак, деб таклиф қилган теолог (илоҳиетшунос) ва педагог Карл Фридрих Бардт фикрини назарда тутмоқда.

«Е раббим! Чунон кисцадир буҳает...» — Вагнер ўзининг маънавий бисотини исбот қилиш мақсадида антик шоир ва езувчиларининг ҳикматли сўзларига тез-тез мурожаат қилади.Унинг санъат ва ҳает ҳақида келтирган «Агз lоп§а, уша ЪғеУlз», (лотинча), «Ҳает қисқа, санъат (илм) йўли узоқ» афоризми аслида италян шоири Сенекага тегишлидир.

Пергамент - китоб маъносида келган.

«Мен илоҳиет тимсолиман...» — таврот ривоятларига кўра, худо кишиларни ўзига ўхшатиб яратганмиш.

«Ҳеруб синғари дебманўзни баржаста...» — ҳеруб (яҳудий тилида: фаришта). Христиан (наероний) лар мифологиясида энг юқори даражали фаришта; бутларда олти қанотли қилиб тасвирланади ; бу ерда Фауст киноляи тарзда ўзини ҳерубга ўхшатади.

«Учқур қанотин енгил қоқиб самода,

Мен сари парвоз этиб келар маҳода...» — бу ердаги маҳода (колесница)-ривоятга кўра, Исо миниб юрадиган ўтли арава. Джон Милътоннинг «Йўқолган жаннат» ида ҳам Исо ўтли аравада деб кўрсатилади.

Кунғироқ жарангивахоркўшиғи — Гете 1798 йилнинг7 апрелида Карл Генрих Грауннинг «Исонинг ўлими» номли ораториясини тинглаган. 9 апрелда кундалик дафтарида: «Яна «Фауст» билан шуғуланадиган бўлдим» — деб қайд қилади. «Фаришталар хори» ўша пайтда яратилган бўлиши мумкин.

«Аҳдул жадид» — христянларга мансуб Инжил ва бошқа китоблар мажмуаси. Унда Исо ҳақидаги ривоятлар баен қилинади, ўша китоб христянларда «Исонинг изтироблари» деб ҳам аталади. *«Аҳдул жадид»* (новьй завет) нинг шаркча атамасидир.

«...Анрей тунида...» — авлие Андрей туни, 29 ноябрдан 30 ноябрга ўтар кечаси диний эътиқодга кўра, қизлар ўзларининг бўлажак қайликларини тушида кўрармишлар.

«Қизил шер» — олтин еки симоб оксидига нисбатан қўлланилган алхимиклар.ибораси.

«Нилуфар» — оқ олтингугурт кислотаси еки кумушга нисбатан қўлланилган алхимиклар ифодаси.

«Малика» ~ синов тошининг алхимик рамзи, алхимиклар фикрича, олтин соғлик ва абадий ҳаетни англатади.

«Крра ит» ~ халқ китобларида ҳикоя килинишича, Фаустнинг қора, сержун, бароқити бўлган, уни сийпаганда рангини ўзгартирган, ўтли кўзлари бўлган; аслида ўша ит жин бўлиши керак.

«Чин нусха» — Инжилнинг грек тилидаги асл нусхаси назарда тутулмокда.

«Даставвал мавжуд эди сўз!»... — Мартин Лютер немис тилига таржима қилган инжил (евангелиум) шундай бошланади.

«Тафаккур-ла яралган наҳот барча мавжудот?»... — Гете ўзининг «Вильгельм Мейстернинг ўқув йиллари» номли романининг 8 китоб, 5 бобида шундай деб езган эди: «Тафаккурга молик бўлган камдан кам кишигина меҳнат қилиш (фаолият) қобилиятига эгадир. Тафаккур илмни кўпайтиришга кўмаклашади, аммо кишини лоҳас қилади; меҳнат (фаолият) бардам килади, аммо махдуд (чегараланган) бўлишга мажбур килади», дейди. Гете фаолиятга катта аҳамият беради.

«Барок, ўсмоқда чиндан эн-бўйга» — «Мен афсун қилаетган шайтон ўзини ғаройиб куйга солмокда», деб езганди Гете Шиллерга 1800 йил 16 апрелда.

«Сулаймон ҳикматлари» (асл нусхада «Сулаймон калитлари») — Сулаймон томонидан езилган ҳикматли китоб бўлиб, у оддий шайтонларни афсун қилиш учун хизмат килганмиш. У яҳудий тилидан латин тилига, сўнгра жаҳоннинг кўпгина маданий тилларига таржима қилинган; 1554 йилда у папа индекси (католик черкови тақиқлаган китоблар рўйхатида ҳам пайдо бўлди. Ривоят қилишларича, Сулаймон Яқин ва ўрта Шарқда машҳур афсунгар бўлган эмиш.

«Тўрт унсур ҳикмати» — асарда шайтонни афсун қилиш учун келтирилган қуйидаги тўрт унсур:

Саламандра — ўт, олов,

Ундина — сув,

Сильф — ҳаво,

Кобольд — ер, тупроқ.

Саламандра (шарқчасига: самандар) — ўрта аср афсоналарида гўе ўтда куймайдиган жонивор, «рух».

Ундина — ўрта аср адабиетида гўе сувда яшовчи ва одамлар билан ишқий муносабатда бўлувчи афсонавий аел образи.

Сильф (сульфида) — кельтлар ва немислар мифологиясида ҳаво

стихияси (ғалаени)ни билдирувчи жуда енгил, одатдан ташқари ҳаракатчан афсонавий зот.

Кобольд — германлар мифологиясида ер остидаги хазиналарни сақлайдиган бадбуруш, мигти, пакана одам; ажина, жин.

Инкубус (икубон) — рим афсоналарида (мифологиясида) иблис, шайтон, евуз руҳ, лекин Гете уни уй гноми (ер ости хазиналарини сақдовчи митти одам) ўрнида келтиради.

«Солгин мана бу

Белгига разм» — чормих қилинган Исо суратига ишора. Белгида «Назаретли Исо — яҳудийлар қироли» сўзларининг бош ҳарфлари тасвирланган.

«Кутма асло,

Уч муқаддас аланга шафқатин» — христиан диний эътиқодига кўра, худо ўзида учта шахс: ота — худо, ўғил — худо ва муқаддас руҳни мужассамлаштирармиш. Фауст ана шу учликдан кучли афсун воситаси сифатида фойдаланади.

«...зулумот (зулмат» — асл нусхада хаос дейилган. Хаос — қадимги грек мифологияси ва философиясида туман ва қоронғулик билан тулган таг-туги йўқ бўшлик, гўе дуне пайдо бўлишига қадар давом этган эмиш. Асарда Мефистофель ўша зулумотга қиес қилинади.

«Бўсаға узра турган у оеқ» — асл нусхада «друд оеғи» дейилган. «Друд» германлар мифологиясида «тунги евуз руҳ» бўлиб, у эркак еки аел сифатида бўлар эмиш. «Друд оеғи» еки «евуз оеқ» белгиси пентаграмма шаклида бўлиб, унинг устида иккита учбурчак бир-бири билан кесишган ҳолда тасвирланган беш юлдуз шаклидаги тилсимли тасвирни юзага келтирган. Унинг устида, шунингдек, юриб бораетган алвастининг оеғи тасвирланган бўлиб, у орқали кишилар ўзларини шайтон ва алвастилардан ҳимоя қилармиш. Бундан ташқари пентаграмма устида Исонинг кимлигини билдирувчи («яҳудийлар қироли — назаретли Иисус Христос») бош ҳарфлар ифодаланган. Бу ҳодиса, асосан, келиб чиқиши жиҳатидан Шарққа (ўрта ва Яқин шарқ назарда тутилади) мансуб бўлиб, пифагорчилар ва гностиклар (илк христиан дини, юнон идеалистик фалсафаси ва шарқ динларига асосланган диний-фалсафий оқим тарафдорлари) ҳаетида муҳим роль ўйнаган.

«Молу дунесига ўқийман лаънат...» — асл нусхада «молу дуне» ўрнида «Маммон» сўзи (грекча: пул; бойлик) берилган. Маммон «Аҳдул жадид»да баен қилинишича, ер юзидаги барча бойлик ва ҳузур-ҳаловатга молик бўлган иблис, шайтон эмиш. Пфицернинг Фауст ҳақидаги китобида Маммон шайтонлар князи сифатида тасвирланади.

«Бўлиб докторлик базмингазда бугун» — докторлик диссертациясини еқлаш муносабати билан ўтказиладиган банкет (базм) назарда тутилмоқда.

«Наҳот азиятлар тортмоғим зарурдир

Эгалааш учун инсоният тожин ?» — «инсоният тожи» деганда шоир одам бўлишнинг энг юқори поғонасини, яъни ҳақиқий инсон бўлишни назарда тутади.

Микрокосм — кичик бир дуне, олам.

«Мантщ илмини эгаллаб ол, албат» — ўрта аср университетлари одати бўйича, ўқувчи (студент)лар аввало лотин тили грамматикасини, илмий фикрлаш қонунлари (диалектика ва логика)ни пухта ва чуқур ўрганишлари зарур эди. Улар эркин санъат деб юритилган. Ўша предметлар асосида фалсафа факультети вужудга келган.

«Испан этигш кийиб олган заҳот» — ўрта асрларда қийноққа ҳукм этилган кишиларнинг оекдарини қаттиққисадиган бир восита, қурол бўлган. Асарда мажозий маънода келган бўлиб, чидамли, саботли ва матонатли бўлишга ишора қилмоқда.

«ЕпсНеггезт паШгае» — табиат аъмоли, жараени демоқчи. Бу иборани Гете химия ва ботаника профессори Якоб Рейнгольд Шпильманн (1722-1783)дан олган. Шоир Страсбургда ўқиган пайтида унинг лекцияларини тинглаган. Мефистофель ўша замон аналитик химиясининг чекланганлигини киноя килмокда.

Метафизика — (грекча: «мета физика» сўзларидан — физикадан сўнг маъносини билдиради). Ўрта асрлар фалсафаси асосини ташкил этган соҳа бўлиб, оламнинг ғайри-ҳиссий (илоҳий) моҳияти ҳақидаги схоластик ғояларни олға сурган. Метафизика борлиқни юзаки ўрганади, унинг ўзгариш ва тараққиетини инкор қилади.

«Назария, дўстим, курук, йўқ гашти,

Яшилдир хаетнинг олтин дарахти» — бу Гете амалиетни назариядан устун қўйиш билан бирга ранглар символикаси (рамзий маъноси)ни ҳам беради: қуруқ (асл нусхада «кулранг» сўзи ишлатилган) — туссиз еки бирхилликни билдирса, яшил — ҳает таровати ва тараққиетини билдиради, олтин эса ҳақиқий жилодорлик, сайқални англатади.

ЛЕЙПЦИГДАГИ АВЕРБАХ ЕРТЎЛА (МАЙХОНА)СИ

Бу саҳна дастлаб «Илк Фауст»да насрда езилган. Сўнг «Фрагмент» («Парча»)да 1790 йилда, сўнгра 1808 йилда «Фауст»да босилиб чиқади.

Фауст ҳаетни ўрганиши, унинг барча жараенларини бошидан кечирмоғи зарур. Бунинг учун Фауст катта ва кичик оламни кўрмоғи

керак. Авербах ертўла (майхона)си — кичик бир олам, Мефистофель Фаустни аввал ўша ерга бошлаб боради.

Фрош, Брандер, Альтмайер — пиво номларига эга бўлган студентлар. Фрош — «биринчи семестрдаги тулки», Брандер — «иккинчи семестрдаги қизил тулки», Альтмаейр ~ «кекса жаноб» деган кўчирма маъноларни англатади.

«Рунда» — студентларнинг майхона ва шу каби жойларда айтадиган удуми бўйича, зиефат пайтида бировни ўзларига папа еки қирол деб сайлаш.

«Равона бўлганда уйга жин тоғидан,

Серка сифат иблис олсин томоғидан!» — «жин тоғи» деганда немис тоғларининг кўпинйнг номи бўлган Блоксберг тоғи назарда тутилади. Халқривоятларига қараганда, Вальпургия тунида бу ерга алвастилар йиғилармиш. «Серка сифат иблис...» - ривоятга кўра, ажина кишилар олдидан серка (така) сифатида чиқармиш.

«Кичик Париж» — бу иборани дастлаб Тремер ўзининг «Немисча-французча луғати» (1745)да Берлинга нисбатан қўллаган; бу иборанинг Лейпцигта нисбатан қўлланилиши 1768 йилга тўғри келади.

«Унинг бир оеғи оксар негадир» — таврот афсонасига кўра, шайтон жаннатдан жаҳаннамга итқитилган пайтдан буен оқсармиш.

«Риппахдан кечроқ чиққансиз, эҳтимол,

Тановвул жаноб Ганс билан бўлгандир» — Риппах — Вейсенфельс билан Лейпциг ўртасида жойлашган кичик бир қишлоқ бўлиб, бир вақтлар у Франкфуртдан Лейпцигга бориш йўлида отларни алмаштириш учун сўнгги бекат (станция) бўлган. Риппахлик Ганс эса студентлар мазах қиладиган кулгили шахс бўлган.

«Бор экан-да, йўқ экан,
Бир қирол бўлган экан.
Унинг жуда катшакон
Бургаси бўлган экан» — бурга ҳақидаги қўшиқ Шубарт (Христиан Фридрих Даниэль (1739-1791)нинг саройни сатира остига олган «Саройдаги хўроз» номли ҳажвиясидан ҳаяжонланганда вужудга келган. Шубартнинг ҳажвияси шундай бошланган: «Бир князь хўрозга бўлмиш лутфкор...». Рус композитори М.П.Мусоргский бу қўшиққа куй ҳам басталаган.

«...мунис ғалаен» — Мефистофель ўт (олов)ни шундай деб атайди, зеро ўзи ўтдан яралган эмиш, шунинг учун уни ўзига яқин тутиб, «мунис ғалаен» деб атайди.

«Аърофдан учқун бўлди, холос, намоен!» — католик черковининг уқтиришича, мангу жаҳаннамга маҳкум бўлмаган мурдалар аввало аъроф (жаннат билан жаҳаннам оралиғидаги жой)да ўз гуноҳларини ювгач, жаннатга дохил бўлармишлар.

АЛВАСТИНИНГ ОШХОНАСИ

Бу саҳна Гете томонидан 1788 йилда Римда бўлган вақтида езилган. 1790 йилда «Фрагмент»да босилиб чиққан. Эндигина 25 ешга қадам қўйган шоир «Илк Фауст»да ўз қаҳрамонини ҳали кекса деб ўйламаган эди. Лекин йиллар ўтиши билан Гетенинг қаҳрамони ҳам тобора кексая боради. Трагедиянинг сўнгги саҳналари езилган пайтда Фауст анча кексайган ва шунинг учун ҳам дуне лаззатидан баҳраманд бўлмоқ учун яна ешаришга эҳтиеж сезади.

Алвастининг ошхонаси манзаралари ўрта аср диний эътиқодига асосланиб яратилган. Гете ўз тасаввурларини Тениэр, Брувер ва Брегель каби рассомлар чизган расмлар асосида яратади, булар ичида Михаил Геррнинг мисга ўйиб ишланган гравюраси диққатга сазовордир. Унда Блоксбергдаги сеҳрли базмлар, аел ва эркакларнинг, чолғувчиларнинг бемаъни хатти-ҳаракатлари, юқорида шайтон Блоксберг тимсоли сифатида, така, паншаха ва супурги минган алвастилар тасвирлантан. Ўртада қозон қайнатаетган алвасти, қозондан кўтарилган буғ ичида ғаройиб шарпалар кўринади. Ўнг томонда мушук, пастда эски-туски, лаш-луш, қилич ушлаган қўл, қўлида дўлча, шиша ва тилсимли китоблар ушлаган аеллар тасвирланган. Шунингдек, вайрона бўлган черковда бемаъни ҳаракатлар бўлаетганлиги акс эттирилгандир.

«...бир китоб пурмаъно». — таврот назарда тутилади.

«Яшарай десаиг дафъатан саксон йил» - саксон ешгача еш бўлиб қолай десанг деган маънода келган.

«Қанчалар куприк курар эдим шу чок» — халқ эътиқодича, шайтон куприк курармиш (географиядаги «шайтон куприк» деган ном шундан олинган бўлса керак).

«Бу фақирона бир емак бўлур» — замонавий бадиий адабиетнинг мазмунан қашшоқдигига ишора.

«Мана бу ғалвир нечун даркор?» — ғалвир қадимги вақтда сеҳрли буюм ҳисобланган. Кишилар фикрича, у нарсаларни бир-биридан ажратганидек, ўғри ва маккорларни билиб олишга ҳам ердам берармиш.

«Яхши бўларди киши —
Аввал қон ва тер тўкса,
Сўнгра тож талаб килса!» — француз қироллигининг обрў-эътиборини анча туширган қимматбаҳо маржон-мунчоқ найрангига ишора. Халқ ғазабига дучор бўлган кардинал (католиклар черковида энг юқори руҳонийлик рутбаси) Роган қимматбаҳо маржон-мунчоқ орқали қиролича Мария Антуанеттанинг илтифотини қозонмоқчи бўлган эди, аммо у мунчоқ Англияга сотиб юборилган эди. Ана ўша мунчоқ учун бўлган жанжал жараени 1785-1786 йиллардаги француз феодал системасининг фаҳшона муносабатларини бутун дуне жамоатчилиги олдида фош қилган эди. Гете ўша маржон мунчоқ жанжалини етилиб келаетган революциянинг симптом (аломат)и сифатида эътироф этади.

«Анчайин шоир экан баччағар» - Гете замонавий шеърларнинг фикр жиҳатидан қашшоқлигига адабий-сатирик киноя қилади.

«Узр, беадаблик килдим мен олчок!
Сизда от оеғин кўрмадим бироқ.
Иккита карғангиз кани, дарвоке?...» — Тавротда шайтоннинг бир оеғи отники деб тилга олинади, у гўеки мол зотидан эмиш деган афсонага ишора. Шимол мифологиясига кўра, қадимги германлар худоси Воданнинг икки қарғадан иборат хабарчиси бўлармиш; Гете халқ афсоналарида шайтон, алвасти еки евуз руҳ тимсолида тасвирланадиган ўша қарғаларни Мефистофельнинг ҳамроҳлари сифатида беради.

«Шимол шарпаси дегандан йўк нишон» - шимол шайтони назарда тутилади.

«Алвастининг ҳисоби

Акс этар шу каби» — халқ эътиқодича, сон квадратлари сеҳрли кучга эга эмиш. У квадратларни шундай жойлаштириш керак эканки, ҳар доим бир хил сон келиб чиқсин. Алвастининг ҳисоби худонинг ўнта ман этувчи диний таълимотини ва илоҳий учлик — ота худо, ўғил худо, ва муборак руҳни англатувчи фикрни ҳам ўзида мужассамлантиргандир.

«Ваҳдат ўрнини олгандир учюзлилик,
Ҳақиқат ўрнин эса ғалат, юзсизлик...» — «ваҳдат» (ваҳдония) худонинг бирлигига ишора, учюзлилик — илоҳий учлик — ота худо, ўғил худо, ва муборак руҳ ҳақидаги диний эътиқодга нисбатан ҳажвий киноя.

СИВИЛЛА — антик даврда каромат қилувчи аел. Христиан диний ақидаларига кўра, у Исо пайғамбарнинг зуҳур (пайдо бўлиш) этишини олдиндан айтиб берармиш. Кейинчалик эса, фолбин хотинларга нисбатан қўлланилган лақаб.

ВАЛЬПУРГИЯ ТУНИ — халқ эътиқодича, биринчи майга ўтар кечаси. Ўша тунда алвастилар Блоксберг тоғида учрашармишлар ва базм қурармишлар. Вальпургия туни Эйхштадтдаги Гейденгейм черковининг аббатиссаси (католик аеллар монастрининг бошлиғи) алвастилар ҳийласига қарши тадбиркор ва муқаддас ҳомий Вальпурга (779 йилда вафот этган) деган аел номи билан боғлиқдир. Унинг

фикрича, алвастиларни ўт (олов) еқиш билан бартараф қилиш мумкинэмиш.

«Бу ноеб ичимликни қиясанг истеъмол,

Ҳар аел Еленадек тилинг Қилар лол» — Елена юнон мифологиясига кўра, антик даврдаги энг гўзал аел. У Зевс билан Леданинг қизи, Спарта қироли Менелайнинг хотини бўлган. Унинг (Еленанинг) Парис томонидан Трояга олиб кетилиши спарталиклар билан трояликлар ўртасида урушнинг келиб чикишига сабаб бўлган. Троя вайрон бўлгач, Елена яна Менелай томонидан Спартага қайтарилади. Елена гузаллик тимсоли ҳисобланади.

КУЧА

Гретхен фожиаси «Куча» саҳнасидан бошланади. Фауст яшаргандан сўнг кўчада учратган ягона хотин зоти Гретхендир. У ҳудожўй, софкўнгил, одобли ва маъсума киздир. Фауст уни биринчи кўришдаеқ севиб қолади.

Кейинги саҳналар («Оқшом», «Сайрда», «Қўшни хотин уйи», «Куча», «Боғ» ва «Боғдаги уйча») да Гретхен тарихи янада тараққий этади.

Гретхен фожиасини тасвирлаш учун Гете франкфуртли қиз Сусанна Маргарита Брандт тарихидан фойдаланади. У ўз севгилисидан ажралгач, янги туғилган боласини ўлдиргани учун, 1771 йилнинг 1 августида Франкфуртда қатл қилинган.

ОҚШОМ

Бу сахна 1775 йилгача яратилган.

Магистр ЛОБЕЗАН — 17 асрдан бошлаб педант (бачкана, майдакаш) олимларга бериладиган лақаб.

«Милод оқшоми» — Исо туғилган кун шарафига ўтказиладиган байрам (рождество) назарда тутилади.

«Бўлган экан Фуледа бир цирол» — «Фуле қироли» балладаси «Фауст» дан олдин яратилган. Рим ривоятига кўра, Фуле Европанинг энг шимолий мамлакатидир.

«Биби Марямга ҳадя бўлсин зийнат,

То насиб бўлгай ул самовий неъмат» — очкўз руҳоний тилидан айтилган фикр.

САМОВИЙ НЕЪМАТ — таврот афсоналарига кўра, яхудийлар сахрода очлик азобини тортаетган вактда осмондан еғилган ноз-неъмат, овқат.

ҚЎШНИ ХОТИН УЙИ

Бу сахна 1775 йилгача езилган.

«Авлие Антоний ила енма-ен,

Падуа шаҳрида дафн цилинган» — шимолий Италиядаги Падуа шаҳрида 13-14 асрларда авлие Антоний (1195-1231) шарафига қурилган мақбара — черков назарда тутилади.

«Лекин Исодек этди дунени тарк» — барча гуноҳ ва қусурлардан халос бўлди, демоқчи.

МАЛЬТА — Сицилиянинг жанубида, ўрта Ер денгизидаги ороллар грутшаси.

НЕАПОЛЬ — Италиядаги шахарнинг номи. Унинг итальянча номи: Наполи. Бу ерда шоир шу шаҳар номи билан боғлиқ бўлган саргузаштларни ҳажв қилмоқда. Неаполь номи билан боғлиқ: Неаполь касаллиги (сифилис — захм) ва шу кабилардан кулмоқда.

«Хоним, азалдан мавжуддир расму одат:

Икки гувоҳсиз очилмайди ҳақщат» — Тавротдан олинган фикр.

ҲАФТАЛИК ВАРАҚ — Гете яшаган даврда ҳафталик воқеаларни мунтазам равишда баен қилиб борадиган варақ бўлиб, унда черков китобларидан парчалар, янги туғилган ва ўлганлар ҳақидаги саналар бериб борилган. Лекин Фауст яшаган пайтда бундай одат бўлмаган. Баъзан Гете Фауст замонасига хос бўлмаган ҳодисаларни тасвирлаб ўзи яшаган замондан кулади.

КУЧА

Бу сахна 1775 йилгача езилган.

«8апс1а ЗипрПсйаз» - лот. «муқаддас соддалик». Ўзбекча айтганда, ўта соддалик. Руҳоний ва Прага университетининг профессори Ян Гус (1369-1415) шаккокликда айбланиб, ўтда куйдирилаетган пайтда бир кампир ҳам бир боғ ўтинни гулханга ташлаганда Ян Гус «ўта соддалик!» деб юборган.

БОҒ

Бу сахна 1775 йилгача яратилган.

БОҒДАГИ УЙЧА

Бу сахна ҳам 1775 йилгача яратилган.

ЎРМОНДАГИ БОҒ

Фаустнинг ўрмондаги монологи Гетенинг Италия сафари пайтида яратилгандир.

«Эмукдошлар» - эски тасаввур ва ривоятларга кўра, одамзот ва ҳайвонот олами бир-бирига қондош эмиш.

«Кўз ўнгимда сирли манзара қилдинг кашф» — бу ерда алвасти ошхонасидаги рйнада кўринган сеҳрли сиймо назарда тутилмоқда.

«Бахш этдинг бир ҳамроҳ, - жирканаман ундан,
Зероки у олчоқ, такаббур бир иблис» — Мефистофель назарда тутилмоқда.

ГРЕТХЕННИНГ ХОНАСИ

Бу саҳна 1775 йилгача яратилган.

МАРТАНИНГ БОҒИ

Бу саҳна ҳам 1775 йилгача яратилган.

КУДУҚ ЕНИДА

Бу саҳна ҳам 1775 йилгача яратилган.

Ўша пайтларда қичик қишлоқ ва шаҳарларда қудуқ бўлган. Сувга келган қизлар ўша қудуқ енида йиғилишиб, бировлар ғийбатини қилишган. Бу саҳнада Лизхен билан Гретхен ўртасида Бербельхен номли қиз ҳақида фикр юритилади. Шу суҳбатдан сўнг Гретхен ўзининг тақдирини ўйлай бошлайди, чунки Бербельхеннинг бошига тушган фалокат унинг бошига ҳам тушиши мумкин. У бировларни қоралагани учун пушаймонлар қилиб, черковга бориб, тавба-тазаррулар қилмоғи ва шу билан гуноҳларини ювмоғи керак. 16 асрдан то Гете яшаган даврга ча гуноҳ қилган қизлар черков минбаридан ,туриб тавба-тазарру қилишлари зарур бўлган; бундай тавба-тазаррулар халқиштирокида амалга оширилган. Гете 1781 йилда Веймар черковида нутқ сўзлаб, бундай одатга қарши чиққан, 1786 йилга келиб, бу одат бекор қилинган.

«Йигитлар юлқийди гултожин шу он,
Поендоз ўрнига сочарлар сомон!» — ўрта аср Германиясида агар қиз ўзининг бўлажак куеви билан никоҳгача жинсий алоқада бўлган бўлса, таҳқирланган ва никоҳ пайтида гултож кийиш (тақиш) ҳуқуқидан маҳрум қилинган, акс ҳолда черковга кираетган пайтда гултожи юлқиб олинган, ўрнига алафга ўхшаш ўтлардан ясалган гултож кийдирилган, оеғи остига гуллар сочиш ўрнига сомон сочилган.

«Энди ўзим ҳам доғдор, қабоҳаткор» - энди мен ҳам гуноҳим олдида ожизман деган маънони билдирувчи бу мисра Лютердан олингандир.

ШАҲАР ДЕВОРИ

(Девор тахмонида «матер долороза» ҳайкали, унинг олдида эса гултувак).

Бу саҳна 1775 йилда езилган.

«Матер долороза» — таржимаси: дардкаш она (Исонинг онаси). Чормих қилинган Исо учун ғам чекаетган Биби Марям ҳайкали назарда тутилмоқда. «Дардкаш она» лотинча диний бир қўшиқнинг бошланишидир, бу қўшиқ кейинчалик дуо сифатида черковда куйланган. Бу қўшиққа кўп бастакорлар куй басталаган, шу жумладан, Гайдн ва Россинилар ҳам куй басталаган.

«Ханжар цадалмиш нотавон кўкрагингга» — «Инжил»даги «Ханжар қадалажак кўкрагингга» мисрасининг бошқача ифодаланишидир.

ТУН

Гретхенлар эшиги олдидаги куча.

Бу саҳна 1806 йилда езилган.

ЧЕРКОВ

Бу саҳна 1775 йилда езилган.

«В1ез 1гае, сНез Ша,
5о1уе18еси1ит/ауША» (лотинча): — таржимаси: рўзи маҳшар келса, дуненинг қупини кўкка совуради. Бу мисралар черковда куйланадиган гимн (мадҳия)нинг биринчи бандидан олинган.

«Jийех ег$о сит ийе ЬИ,
(2иШдиМ 1аШ айрагеЪИ,
Ш тиШт гетапеЬИ» (лотинча): — таржимаси: парвардигор (олий ҳакам) тахтини эгаллагач, махфий нарсаларнинг ҳаммаси ошкор бўлади ва барча гуноҳкорлар жазони тортади. Юқорида зикр этилган қўшиқ гимн (мадҳиянинг) олтинчи бандидан олинган.

«ОиМ зит тшг Шпс сИсШгиз?
()иет ра!геnит го^аШгиз?
Сит УЬС|ШШ3 $И зесигиз?» (лотинча): — таржимаси: мен нотавон не ҳам дея оламан, ким ҳам мени ўз ҳомийлигига оларди, тақводор ўшанда менга назар солмас, албатта. Бу ўша қўшиқнинг еттинчи бандидир.

ВАЛЬПУРГИЯ ТУНИ

Бу саҳна 1797 йиддан 1805 йилгача қайта ишланиб, мукаммалашгирилди. Унинг учун манба қилиб Гете бир қанча рассомлар чизган манзараларни олади, айниқса, Михаил Герр (1591-1661) нинг қўрғошинга ўйиб ишланган «Даҳрий ва маълунларнинг сеҳрли базми

тасвири» номли манзараси диққатга сазовордир. Бу саҳнада Гетенинг Гарцтоғига қилган саеҳати таъсири билиниб турибди. Бу сахнада Гете ўзининг замондошлари ва рақибларига бўлган киноясини акс этгиради, киноялар кўпроқўзини «доно» маърифатпарвар қилиб кўрсатган Фридрих Николаига каратилгандир. Шунингдек, янга адабиетни тушуниб етмаган веймарлик фаросатсиз, булҳавас (дилетант) шоирлардан Беттингерни аевсиз савалайди. «Вальпургия туни» саҳнасини Гете ўша замон руқонийларининг риекорлигини фош килиш учун яратган эди. Бу сахнани яратиш билан Гете замондошларини баҳсга даъват этади.

ШИРКЕ, ЭЛЕНД — юқори Гарцца Брокенга борадиган йўлдаги жойлар.

СУПУРГИ,СЕРКА — ривоят қилишларича, алвастилар супурги ва серка (така) миниб юрармишлар.

«дайди шуъла» - ривоят ва хурофий қарашларга кўра, табиатда чириш жараенида ҳосил бўладиган табиий ҳодиса — дайди шуъла — евуз ниятга молик бўлган нур чиқарувчи кобольд эмиш, у ботқоқдикда пайдо бўлиб, кишиларни йўлдан урармиш. Дайди шуълалар Гетенинг эртакларида ҳам учрайди.

«...навбатма навбат куйлашади» — Гете томонидан куйловчиларнинг аниқ тартиби кўрсатилмаган. Тартиби тахминан: Мефистофель, Дайди шуъла, Фауст, Мефистофель, Фауст бўлса керак.

МАММОН — машҳур инглиз шоири Джон Мильтоннинг «Йўқолган жаннат» достони (уни Гете 1797 йилнинг июл-август ойларида ўқиб чиққан)да тасвирланишича, шайтонлар бошлиғи — Маммон шайтонлар учун ўтдек ловуллаб турадиган олтин қаср қурдирганмиш. Маммон ҳақидаги фикрни Гете ўша асардан олган бўлиши эхтимолдан ҳоли эмас.

УРЯН — шайтоннинг номи.

БАУБО — юнон мифологиясига кўра, ҳосилдорлик ва зироатчилик илоҳаси Деметранинг энагаси ва хизматкори бўлган.

ИЛЬЗЕНШТЕЙН — Гарц тоғининг Ильзе водийсидаги гранит қоялари номи.

ПАНШАХА — Брокен тоғига боришда алвастилар паншаха ҳам минишган.

«Эзғилаб туширар она ўз ҳомиласин» — тиқилинчда қолган алвастилар, кўпинча, ўлик туғишган.

«Бу буюк оламда кичик дуне бўлур». — Айни чоқда —18—19 асрларда ҳукмрон доиралар ва буржуа интеллегенцияси ўртасида кенг тарқалган тўгаракчилик назарда тутилмоқда, шекилли.

ТИЗЗАБОҒ — юқори инглиз орденига хосликни билдирувчи — чап тиззадан пастда боғланадиган тўқ зангори бахмал боғич. 1350 йидда таъсис этилган.

ГЕНЕРАЛ, МИНИСТР, МАНСАБПАРАСТ - француз революцияси пайтида Германияга қочиб келган шахслар назарда тутилади. Улар халқ оммасининг қолоқ гуруҳи бўлиб, олға кетишни истамайди, улар доимо недандир норози. Гетенинг француз революциясига қарашлари зиддиятли бўлса-да, уни мароқ билан кузатган, бу «Вальпургия туни» ва «Вальпургия туниДаги туш (хаел)» саҳналарида яққол кўзга ташланади.

МУАЛЛИФ — Гете ҳажв остига олган езувчиларнинг умумлашган образи.

ЛАТТАФУРУШ МАСТОН — Вальпургия тунида латта-путта, эски-туски, дўконлари ҳам бўлиши зарур эмиш, унда латтафуруш мастонлар ўзларининг эски-тускиларини сотиши керак эмиш. Улар, кўпинча сеҳрли еки жиноятга бошловчи эски-тускилар билан савдо қилишармиш.

ЛИЛИТ — қадимги яҳудийлар ривоятига кўра, Одам Атонинг биринчи хотини бўлганмиш. Яҳудийлар ривоятича, у Одам Ато билан келиша олмай шайтонлар бошлиғининг жазмани бўлганмиш, шунинг учун уни евуз руҳ сифатида талқин қиладилар.

«Олма қадрин биласиз ну нон,

Тарки жаннат қилгансиз шундан» — ривоят қилишларича, Одам Ато билан Момо Ҳавво жаннатдаги олмадан татиб кўрганлари учун у ердан қувилганлар. Шоир шуни назарда тутмоқда.

ПРОКТОФАНТАСМИСТ — Гете томонидан ясалган грекча сўз бўлиб, маъноси: «кети билан шарпа (руҳ)ларни кўрувчи»дир. Бу билан Гете 1775 йилдаеқ ўзининг «Эпиграммалар»и орқали росмана масхара ва мазақ қилган Христоф Фридрих Николаи (1733-1911)ни назарда тутади. Николаи 1775 йилда Гетенинг «Еш Вертернинг изтироблари» романига «Еш Вертернинг қувончлари, балоғатга етган Вертернинг қувончи ва изтироблари» деган рисола орқали пародия езган эди. Ўша йилнинг ўзидаеқ Иоганн Генрих Мерк, Гете ўзининг «Фауст»ида, албатта. Николаи устидан кулажак деган иғвони тарқатган эди. Гете Николайнинг тирик вақтидаеқ уни «Вальпургий туни» саҳнасида шарпа (руҳ)ларни тан олмайдиган, лекин унинг ўзини шарпа сифатида таърифлаб, ҳажв остига олган эди. Николаи томонидан 1799 йилнинг февралида Берлиндаги қироллик Академиясида сўзланган «Баъзибир шарпа (руҳ)ларнинг зухур этиши (кўриниши)» номли нутқи ана шундай қўпол ҳажвга сабаб бўлган эди. Николаи ўша нутқида

баъзибир елғон-яшиқ иғволарга қўшилиб, Гумбольдтлар оиласи яшайдиган Тигель деган жойда тирик ва ўликларнинг арвоҳларини кўрганини баен қилган эди. Николаининг врачи унинг кетига зулук қўйгач, арвоҳларни куриш касаллигидан халос бўлган эмиш. Николаининг нутқи кўпгина романтик езувчиларнинг ҳам кулгисига сазовор бўлган эди.

«Тутгандек кўҳна тегирмонда ўзин» - бу ерда Фридрих Николаининг отаси Христоф Готтлиб Николаи томонидан асос солинган нашриет китоб савдоси назарда тутилади. Ўша нашриет 1758 йилдан бошлаб Христоф Фридрих Николаининг қўлига ўтган эди, у ўзини ўша замоннинг энг кўзга кўринган китобфурушларидан бири деб қисобларди.

«Одатим — қилмоқ саеҳат дам бадам» - бу билан Христофор Николаининг узундан узоқчўзилган 12 жилдли, Гете ва Шиллер ўз эпиграммалари билан аччиқ ҳажв остига олган «Германия ва Швейцария бўйлаб саеҳат» (1783-1796) китоби назарда тутилади.

МЕДУЗА — юнон афсоналарида тасвирланишича, Маъбуда Тун ва ўлим худоси Танат ҳукмронлик қилган мамлакатда яшаган горгона (бадбуруш ва баҳайбат хотин)ларнинг бири бўлиб, унинг қарашларидан киши тошга айланармиш. Унинг бошида соч ўрнига вишиллаб илонлар юрармиш. Уни Зевснинг ўтли Персей айерлик билан ўлдирганмиш.

ПРАТЕР — Венадаги ижтимоий истироҳат боғи.

ТЕАТР — «Оберон ва Титаниянинг олтин тўйи» ўтказиладиган дилетант (булҳавас)лар театри назарда тутилади.

СЕРВИБИЛИС (лотинча) — серилтифот киши. Бу ном билан Гете кимни назарда тутишини қатъий айтиш қийин. Ҳар ҳолда Гете бу ном билан филолог, археолог ва публицист ҳамда дилетант (булҳавас) шоир Карл Август Беттингерни назарда тутса керак, у дидсиз (авом) халққа нисбатан илтифотли бўлишни истарди.

«Бошларлар ҳозир тағин янгисини,

Етти циссанинг энг сўнг-сўнггисини» — бу билан Гете дилетант (булҳавас) шоирларнинг адабий фаолиятидаги сифат учун эмас, балки сон учун курашаетганлигини назарда тутади.

ВАЛЬПУРИЙ ТУНИДАГИ ТУШ

Бу интермедияни Гете 1797 йил давомида езади. 1800-1801 йилнинг қишида езилган «Вальпургий туни» билан боғлиқ бўлмаган бу саҳна Гетенинг «Эпиграммалар»и билан бир вақэда яратилгандир. Бу саҳнанинг мавзуи асосан, Шекспирнинг «Ез тунидаги туш» драмаси

ва Браницкининг «Оберон — эльфлар қироли» операттасидан олингандир, уларни Гете Веймар театрига директорлик қилган вактда саҳналаштирган эди. Мазкур асарларнинг қаҳрамонлари — Оберон эльфлар қироли ва унинг хотини Титания келиша олмай ажралиб кетадилар, лекин улар бир-бирини қўмсашиб, яна муҳаббат изҳор қилишади. Шундай қилиб, драма Оберон ва Титаниянинг қайта ярашиш воқеаси билан тугайди.

«Вальпургий тунидаги туш», асосан, Оберон ва Титаниянинг олтин тўйи саҳнасидир. Ундаги фантастик номлар орқали Гете замонавий адабиет, сиесат ва санъат арбобларини ҳажв остига олади. Бу саҳнанинг «Фауст»га алоқаси йўқ.

МИДИНГ — Гете директорлик қилган театрнинг бош дурадгори Иоганн Мартин Мидинг назарда тутилади. Гете унинг ўлимига «Мидингнинг ўлимига» деган шеър ҳам бағишланган (1782).

«Мидингнинг жасур эй авлодлари!» - Мидингнинг шогирд ва ердамчилари назарда тутилади.

ПУК — Шекспирнинг «Ез тунидаги туш» асаридаги кобольд образи.

АРИЭЛЬ — Шекспирнинг «Бўрон» асаридаги одамохун ҳаво руҳининг образи.

ҚЎШНАЙЧИ-СОВУНПУФАК — бу ерда ўз асарларини кўкларга кўтариб мақтовчи езувчилар назарда тутилади.

ШАКЛЛАНАЕТГАН РУҲ — ўз асарларини 90 нчи йилларидан бошлаб бостира бошлаган езувчи Жан Пауль (1793-1825) назарда тутилмокда, шекилли.

МАҲБУБ ВА МАҲБУБА — наср ва назм назарда тутилмокда.
СИНЧКОВ САЙЕҲ - Христофор Николай назарда тутилмокда.

ОРТОДОКС - бу ерда шоир Фридрих Леопольд Граф фон Штольберг назарда тутилади. «Тўфон ва ҳужум» даврида Гетенинг дўсти бўлган, лекин обскурантизм ва мистицизм ботқоғига ботган, ўзининг «Жаноб Шиллернинг «Юнон худолари» шеъри ҳақида мулоҳазалар» (1788) деган асари орқали баен қилади.

ШИМОЛЛИК САНЪАТКОР — бу ерда Гетенинг ҳақиқий санъат ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари баен қилинмокда.

ПУРИСТ - бу билан Гете миллий тилдаги четдан кирган сўзларни чиқариб ташлаб ва уларни ўз тилидаги сўзлар билан алмаштиришга уринувчи публицист ва тилшуносларни назарда тутади.

ФЛЮГЕР - Гете композитор ва публицист Иоганн Фридрих Рейхардтни риекорлиги ва субутсизлиги учун шундай деб атайди. У Гете билан дўстона муносабатда бўлишига қарамасдан, пайт пойлаб,

Гетега қарши аноним хатлар езган. 1796 йилнинг ЗО январида Шиллерга езган хатида Гете уни сохта дуст деб атаган эди.

ЭПИГРАММАЛАР — Гете ва Шиллер езган ҳажвий шеърлар. Уларда кўпгина нуфузли кишиларни ҳам ҳажв остига олинган эдилар.Эпиграммалар Вальпургий тунида чақувчи ҳашоратлар сифатида намоен бўладилар. «...биз қушлар, капалаклар ва арилар каби қанотли жониворларни учирамиз» —деб езганди Гете эпиграммалар ҳақида Кристиан Готтлиб Фойгтга езган хатида (24 сентябр, 1796 й.).

ГЕННИНГС, МУЗАГЕТ, ЎЗ ДАВРИНИНГ СОБИҚ ДАҲОСИ - Гольштейн (Германиядаги тарихий бир вилоят) ва даниялик дипломат, езувчи Август фон Геннингс христианлар номидан Веймар классик «мажусийлик» санъатини химоя қилган Гете ва Шиллернинг рақибларидан биридир. «Эпиграммалар» Геннингсни аввало унинг «Давр даҳоси» журналининг ноширн сифатида масхара қилади, чунки унда босиладиган мақолалар журналнинг номига мувофиқ келмасди. «Вальпургий тунидаги туш» саҳнасида Гете журналнинг номидан яна бир бор кулиб, унга «cl-cleyanl» (французча) «собиқ» сўзини қўшиб, «даврнинг собиқ даҳоси» деб киноя қилади.

МУЗАГЕТ образида эса Гете Геннингснинг 1798 ва 1799 йилларда нашр этилган икки қисмдан иборат «МУЗАГЕТ. ДАВР ДАҲОСИНИНГ ЕТАКЧИСИ» номли шеърлар тўгшамини киноя қилади. «Блоксберг немис Парнаси мисол» — қадимги юнон мифологиясига кўра, Грециянинг Парнас шеъриятида илҳом маъносини билдирувчи метафорага айланган. «Блокберг немис Парнаси» деганда Гете 18 асрнинг сўнгги ўн йилида ҳаддан ташқари кўпайган қаламақашларини киноя қилади; 1773 йилда Германияда уч мингга яқин езувчи бўлса, 1787 йилга келиб, улар еони олти мингга етган.

«...маҳдуд киши» - деганда Гете Николайни назарда тутади.

ТУРНА - Гетенинг ўзи 1829 йилнинг 17 февралида Эккерманга: «Унинг юриши турнаникидек эди, шунинг учун Блоксбергда турна сифатида намоен бўлади>/, деганди Лафатер ҳақида. Иоганн Каспар Лафатер (1741-1801) цюрихлик епископ. У ўзининг «Физиономик фрагментлар» деган асарида кишининг ташқи қиефаси унинг моҳиятини билдиради, деган ғояни олға суради. Гете кейинчалик унинг бундай ғояларини тамоман рад этган эди.

ДУНЕВИЙ КИШИ (РИНД) — Гете ўзини шундай деб атаган эди. Гете ўзининг 1774 йилда езган «Кобленпдаги махсус зиефат» эпиграммасида шундай фикр юритади:

«Базедова Лафатер-ла енма ен
Ўтказдим мен қувнок ҳает шоҳона.

Пайғамбарлар урин олмиш ҳар ендан,
Ўтирар бир кас ўртада риндона».

«Орфейлираси бахш этгандек шафқат» — юнон афеонасига кўра, Орфей шундай мафтункорлик билан куйлар эканки, еввойи ҳайвонлар ҳам унинг овозини эшитганда йиртқичлик қилишни унутаркан, дарахту ўсимликлар ҳаракатга кел аркан.

АҚИДАПАРАСТ (ДОГМАТИК) - худонинг борлигини исботловчи фалсафа мухлиси. Гете тасвирлаетган ақидапараст (догматик) шайтоннинг моҳиятини шу тарзда таедиқламоқчи бўлади.

ИДЕАЛИСТ — бу ерда субъектив идеализм тарафдори назарда тутилади. Субъектив идеалистлар фикрича, инсоннинг теварак-атрофидаги оламнинг кўриниши унинг психик фаолиятидан ва сезгиларидан туғилади.

РЕАЛ ИСТ — эмпирик файласуф назарда тутилади. Эмпирик учун билишнинг ягона мезони тажрибадир. Реалист — эмпирик учун қўл билан ушланадиган нарсагина мавжуддир.

СУПЕРНАТУРАЛИСТ — ҳиссий (биз кўриб турган) дунедан тамоман фарқ қиладиган дунени идрок қилувчи, ғайриҳиссий дуне, чунончи илоҳий оламга ва илоҳий моҳиятга суянувчи файласуфлар назарда тутилади. Лекин гетешунослар бу ерда немис идеалист файласуфи Фридрих Генрих Якобининг назарда тутилишига шубҳаланадилар.

СКЕПТИК — ҳар нарсага шубҳа билан қаровчи ва билишнинг барча имкониятларини инкор қилувчи файласуф. Бу ерда инглиз агностик файласуфи Давид Юм назарда тутилмоқда.

«Шайтону шубҳа қофиядош, холос» — немис тилида «шайтон» - «тойфель», «шубҳа» - «цвайфель». Бундай дейиш билан скептик шайтоннинг бирлигини исботламоқчи.

АБЖИРЛАР — ўз қарашларини тез ўзгартириб, бошқа тартибга мослашувчи сиесатчилар назарда тутилади.

НОТАВОНЛАР — француз революцияси даврида ўз юртларини ташлаб, Германияда яшовчи қочоқлар, муҳожирлар назарда тутилмоқда.

УЧГАН ЮЛДУЗ — бу ерда ўз лавозимларидан маҳрум бўлиб қолган, энди эса ердамга муҳтож бўлган шахелар назарда тутилмоқда.

БЕСЎНАҚАИЛАР — ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга уринаетган революцион омма назарда тутилмоқда.

БУЛУТЛИ КУН. ДАЛА

Бу саҳна «Илк Фауст» билан бир вактда яратилгандир. Лекин у биринчи марта 1808 йилда босилади. Дастлаб Гете бу саҳнани шеърга айлантирмоқчи бўлади, бироқ сўнгра бу ниятидан қайтади, бинобарин, трагедиянинг шу қисми насрда езилганича қолади.

ТУН, ОЧИҚ ДАЛА

Бу саҳна «Илк Фауст»да ҳам бор. Биринчи марта 1808 йилда босилган. Шекспирнинг «Макбет» ва Бюргернинг «Леонора» асарларидаги алвастилар саҳнаси манба қилиб олингандир.

ҚАМОҚХОНА.

Бу саҳна ҳам «Илк Фауст»да насрда езилган эди, уни Гете бостириш олдидан, 1808 йилда шеърга айлантирган эди.

«Жаранглаб қўнтроқ, синади таеқ» — ўрта асрларда биров қатл қилинаетган пайтда қўнғироқ чалинган, қатлга ҳукм қилинган кишининг бошида судья таеқ синдирган ва қатлга маҳкум кишининг оеғи остига ташлаган, қатл қилинаетган киши дарҳол курсига боғлаб қўйилган.

Муҳаррир *Шукур Курбон*
Бадиий муҳаррир *Абдухалил Турсунов*
Техник муҳаррир *Татяна Смирнова*
Саҳифаловчи *Бегзод Ирисбоев*

ФАУСТ

ТРАГЕДИЯ

БИРИНЧИ ҚИСМИ

Олмончадан Пошо Али
УСМОН таржимаси

Босишга 04.05.07 йилда рухсат этилди.
Бичими 60x84 1/16.
Ҳажми 17 б.т. Нусхаси 300
Шартнома № 90/3 Буюртма № 130.

Оригинал макет "МЕТ)ШЧА$НК" МЧЖ
компьютер марказида тайерланди.

Алишер Навоий номидаги Узбекистон
Миллий кутубхонаси нашриети,

Алишер Навоий номидаги
Узбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент, Х. Сулаймонова кўчаси, 33.